

Бу сонда:

Широбозликка чек қўйлик!

Бизга жавоб йўллайдилар

Хоразм—харобалар юрти

Шеърият

Сталин шахси:

мутлақ ҳукми ким чиқаради?

Осмонингдан узилма эй дил!

(Қуръон таржимони

Алоуддин Мансур билан мулоқот)

Аниқ фанлар академияси




10 / 1990

ESHKI

ISSN 0235—1277

Килархон Дўстмухамедова: «Сачнада ўтмиш билан ашайман» (24—25-бетларга қараш).





Тошкентлик қиз либоси (12—20 асрлар)

Қўли гул усталар ясаган тақинчоқнинг нафислигини қаранг


Уғил бола либоси



Дўппиларнинг ранги кўзни қамаштиради

ЛИБОСЛАР ҲАМ ТАРИХ...

Бугун тарихимизнинг бебаҳо хазиналаридан тобора кўпроқ баҳраманд бўляпмиз. Сиз кўриб турган суратлар ҳам тарихимизга тааллуқли. Ойбек номли Ўзбекистон халқлари тарихи музейи коллекцияларидан олинган бу суратлар либослар, тақинчоқлар ҳақида ҳикоя қилади. Аёлларимизнинг бугунги либосида қадим тарихимиз анъаналарининг излари сезилиб туришига эътибор бердингизми!

Р. ШАГАЕВ ва А. ГОРОКРИК (ЎзТАГ) суратлари





Суратларда:

Музаффар ва унинг ука-сингиллари; Малик (пастдаги сурат) دادаси билан бузоқларни кўздан кечирмоқда.

А. КУДРЯШОВ суратлари.

МУЗАФФАРЛАР
САФИ
КЕНГАЙСА...


Кўчада сандироқлаб, текканга тегиб, тегмаганга кесак отиб юрган болаларни кўрсам дилим ғаш бўлади. Шунда ёдимга лоп этиб Музаффар ва унинг укалари тушади. «Музаффар булар сингари саяёқ юрмайди» дейман. Дейману, кўнглимдаги ғашлик тумандай тарқаб кетади.

Ғайрат билан меҳнат қилаётган болаларни кўрсам «Музаффарга ўхшаркан» дейман мамнун бўлиб.

«Музаффар ким ўзи» дейсизми? Музаффар Қўқон педагогика институти қошидаги истеъдодли болалар ўқийдиган махсус мактабда таълим олади. У келажакда математик бўлмоқчи. Китобга ихлоси кучли болалар одатда жисмоний ишга хуши бўлмайди. Музаффар эса ундайлардан эмас. Музаффар сигир-бузоқлар парвариш қилишни ҳам яхши кўради. Дадаси боқиш учун бозордан бузоқлар олиб келганда Музаффар учун байрам бўлиб кетади.

Ҳозир бузоқлар кундан кун семириб катта бўлмоқда. Бунда Музаффарга укалари Моҳидил, Малик, Сурайёлар ҳам қўлдан келганча ёрдам беришяпти.


— Мен, — дейди Музаффарнинг дadasи Мухторжон Ҳамрокулов, — ем-хашак олиб бераман, қолган ишларни Музаффар ука-сингиллари билан эплаяпти...



Биз танқислик даврида яшайпмиз. Гоҳо арзимагандек кўринган нарсани ҳам магазин пештахталаридан топа олмай хуноб бўламиз. Гўшт, гўшт маҳсулотларининг тақчиллигига, нархи ошиб кетаётганига эса анча бўлди. Чорвачиликни ривожлантириш ҳақида ҳукумат томонидан қоп-қоп ваъдалар берилди, тоғ-тоғ қарорлар қабул қилинди-ю, бироқ уларнинг халққа нафи бўлмади. Наҳотки, гўштни кўпайтириш, нархини туширишнинг имкони бўлмаса? Мен ўзимга шу алам-ли саволни бердим, яна беихтиёр Музаффарни эсладим ва саволимга жавоб топгандай бўлдим:
Агар Музаффарларнинг сафи кенгайса...

Ш. Тўрабоев.

Акмал САИДОВ,
 Ўзбекистон ССЖ Ёшлар ташкилотлари
 кўмитасининг раиси,
 журнал таҳрир ҳайъатининг аъзоси



Ўзбекистоннинг бугуни, айниқса келажак мустақил ҳаётга қадам қўяётган авлод билан чамбарчас боғлиқ. Зеро, жумҳуриятимиз аҳолисининг ярмини 30 ёшгача бўлган авлод ташкил қилади. Бироқ айниқса шу ёшлар ижтимоий тараққиётнинг муаммо ва зиддиятларидан энг кўп жабр кўрмоқда. Улар ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий масалаларда камситилмоқда.

Ёшлар кимнинг ортидан эргашаркин? Бизни бу савол бугун бот-бот қийнайди. Бу табиий ҳам. Негаки, ёш авлоднинг тақдири ва тутган йўли барчани ва бутун жамиятни ташвишга солмоқда. Лекин, назаримда, масалани айни шу тарафдан қўйишнинг ўзи эски, кейинги 70 йил ичида вужудга келган қопилдан четга чиқилмаганлигини кўрсатмайди... Биз кимнидир, қаёққадир бошлаб боришимиз, модомики, бошлаб борар эканмиз, албатта бутун халқни, шу жумладан ёшларнинг ҳаммасини бошлаб боришимиз керак. Албатта маршлару қўшиқлар, рапортлар садоси остида бошлаб боришимиз лозимдай. Тўғри, қаёққа кетаётганимиз кўпчиликлари унча аниқ-равшан ҳам эмас эди, бироқ биз тўғри йўлдан кетаётганимизга мутлақо ишонардик. Бугунга келиб эса илк марта «Йўлимиз тўғримики ўзи!» деган ачиқ саволга рўбарў бўлдик.

Кўпчилик нима қиларини билмай боши қотиб турган ҳозирги дамда, шубҳасиз, янги пайғамбарлар, ягона

тўғри йўлдан бошлаб борувчи янги йўлбошчилар пайдо бўлмаслиги мумкин эмасди — улар пайдо бўлдилар. Биз сўнгги пайтларда дастурларга, ромчиликка, ваъдаларга, шунингдек, танқидбозлик уммонига кўмилиб кетдик.

Шаккоклигимиз учун маъзур тутасизлару, назаримизда одамлар бу гаплардан чарчашган. Шiorларнинг мўллагидан ёшларнинг энсаси қотаяпти. Ёшлар энди ҳар кимларнинг ортидан эргашиб ниятидан жуда йироқ. Энди улар жаннат ваъда қилувчи афсоналарга ишонмай қўйишган. Улар эртанги эмас, бугунги кун билан, қандайдир мавҳум ғоялар билан эмас, оддий одамлар каби яшашмоқчи. Мақсадлари ҳам оддий, қобилиятларига яраша ҳақ олиб, ҳалол меҳнат билан осуда ҳаёт кечириш.

Ёшларимизга осонми?

Жумҳуриятимиздаги бугунги сиёсий вазиятни кўп жиҳатдан ёшларнинг ижтимоий кайфияти белгилайди. Бу кайфият билан ҳисоблашмаслик мумкин эмас. Жумҳурият ёшлари ижтимоий жиҳатдан ҳамон энг ҳимоясиз гуруҳ бўлиб қолмоқда. Ёшларнинг олдида жуда кўп ташвишлар бор. Масалан, касб турини танлаш, маълумот олиш, ишга жойлашиш, тирикчилик учун маблағ топиш, оила қуриш, уй-жойли бўлиш, ўз фарзандларининг соғлиги учун пойдевор қўйиш, ўзининг маданий эҳтиёжларини қондириш ва шакллантириш... шулар жумласидан. Хўш, буларни амалга оширолмай бизда етарли шарт-шароитлар мавжудми? Айни ишлаб чарчамайдиган, еб тўймайдиган даврда ёш ишчининг ўртача маоши 80—120 сўмни ташкил қилса... — бу жумҳуриятдаги ўртача кўрсаткичдан анча паст-ку?... Қолаверса, бу кўрсаткич Иттифоқ кўрсаткичининг 50—70 фоизини ташкил этади холос. Аҳоли зич жойлашган Фарғона водийсида кўплаб ёш қишлоқ меҳнаткашлари ойига атиги 40—60 сўмдан маош олишяпти. Кейинги пайтларда турли табақа меҳнатчиларининг маоши ўртасидаги фарқ анча ўсди. Ёшлар ва катта авлод меҳнатига ҳақ тўлашдаги фарқ қишлоқ хўжалигида 3,5, саноатда 1,7, ноишлаб чиқаришда 2,1 мартани ташкил қилади. Ёшларнинг даромади даражаси ҳам жумҳурият ўртача кўрсаткичидан анча паст бўлиб, Фарғона водийсида 86,8, Қорақалпоғистон АССР да 81,4 фоизни ташкил этади. Жумҳурият ёшларининг пул даромади даражаси Иттифоқдаги ўртача кўрсаткичдан анча оз: Қорақалпоғистон АССР да 48,9, Фарғона водийсида 52, Қашқадарёда 42,2 фоиз. Аксарият ёш оилаларнинг даромади қашшоқлик даражасидан ҳам кам. Айниқса оилали талабаларнинг аҳволи ночор. Жумҳуриятимизда 117,1 минг талаба бюджет ҳисобидан, 6,5 минг эса корхона ва ташкилотлар ҳисобидан стипендия билан таъминланган. Бу — кундузги бўлимда ўқийдиган талабаларнинг 71 фоизини ташкил қилади. 50,7 минг талаба стипендия олмай ота-онаси қарамоғида ёки тасодифий маошлар ҳисобига кун кечиради. Устига устак, ўртача стипендия яшаш минимумидан икки баравар кам бўлиб, ёшларнинг эҳтиёжларини қоплай олмайди.

Қўриқ жойларда ёшлар маиший ноқулайликлар шароитида яшашга маҳкум. Соғлиқни сақлаш хизматининг аянчли аҳволи ёш оналар, болаларнинг

соғлигига путур етказмоқда. Юз минглаб ўсмир қиз ва йигитлар ёшлар ётоқхоналарида истиқомат қилишмоқда, (талабаларнинг атиги 64,8 фоизигина ётоқхона билан таъминланган) бу ётоқхоналарнинг кўпларидаги ҳаёт тарзи ёшларнинг жисмоний ва маънавий соғлигига шикаст етказмоқда. Жумҳуриятимизда минглаб ёш оилалар уй олиш учун ўн йиллаб навбат кутишга мажбур. Айтайлик, ўз иш фаолиятини бошлаётган 18—20 ёшлардаги йигит-қиз 10—12 йилдан сўнггина давлатдан уй олишга умид қилиши мумкин. Болалар боғчаларида жой етишмайди. Мактаб, ҳунар-техника билим юртлари, техникумлар, олий ўқув юртларининг моддий-техника базаси ўта ночор. Ёшлар учун зарур буюмлар танқис. Уларнинг дам олишларида етарли шарт-шароит йўқ. Боз устига биздаги тўйларга қанча сарф-харажат қилинишини айтмайсизми?

Бир сўз билан айтганда бюрократизм, лоқайдлик, шафқатсизлик, сўз билан иш орасидаги ихтилофлардан ёшлар катталарга қараганда кўпроқ азоб чекмоқдалар ва тушкунликка тушмоқдалар. Бир сўз билан айтганда давлат ҳам, жамият ҳам ёшлардан қарздор. Энди илгаригидай жумҳуриятимизнинг минг аҳолисига нисбатан талабалар миқдори етакчи капиталистик мамлакатларга қараганда шунча кўп ва ҳоказолар деб ўзимизни алдашининг фойдаси йўқ. Бу ерда шуни айтиш керакки, жумҳуриятимизда бир ўқувчига йилга 250 сўм, талабага 2400 сўм сарф қилинади. Қиёсланг: Москва Давлат дорилфунунида бир талабага 10—12 минг сўм, ривожланган капиталистик мамлакатларда 80 минг долларга яқин сарфланади.

Бугун 10 минг кишига талаба миқдори бўйича ривожланган мамлакатлар биздан анча ўсиб кетган. Ёшларнинг интеллектуал тайёргарлиги коэффицентини бўйича эса биз дунёда 3-ўриндан 42-ўринга тушиб қолдик.

Аниқ мисол келтираман. СССР да олий маълумотли кишилар АҚШга қараганда 5 миллионга кам.

Ёшларнинг касб ўрганишда султ тайёргарлик кўрганлари иш фаолиятини бошлаган пайтда уларнинг имкониятларини анча чеклаб қўймоқда.

Муаммоларнинг муаммоси

Кўп йиллар мобайнида бизда ишсизлар йўқ, деб келдик. Аслида эса халқ хўжалигида меҳнатга қобилиятли аҳолининг ишга жойлашишини ҳисобга олиш ишсизлики ёпиб кетадиган қилиб уюштирилган эди. Ҳар йили жумҳуриятимизда тузиладиган меҳнат ресурслари балансида халқ хўжалигида ишламайдиган меҳнатга лаёқатли ёшдаги шахсларнинг барчаси уй ва шахсий ёрдамчи хўжаликларда ишлайди, деб кўрсатиб келинди. Аҳоли рўйхатида эса ишсизликнинг мавжудлиги ва кўлами аниқланмас эди. Лекин ишсизлик борлиги, бўлгандай анча кўп эканлиги бугун кундай равшан бўлди-қолди. Шу кунларда қарийб 1,5 миллион ёшлар ўзининг меҳнат қилиш ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятидан маҳрум.

Бунинг устига ишсизларнинг ёш таркиби тўғрисида расмий маълумотларнинг йўқлиги аҳволни янада мурраккаблантирмоқда. Бугун ишсизликнинг кўпчилигини

ШИОРБОЗЛИККА

ПЛАН-ҚОНУН, МАЖБУРИЯТ - БУРЧ, СИФАТ - ВИЖДОН

ПАРТИЯ ПЛАНЛАРИ - ХАЛҚ ПЛАНЛАРИ

ЧЕК

ЎЛКАМИЗНИ БОҒ - РОҒЛАРГА АЙЛАНТИРАЙЛИК!

СИФАТ - БОШ МЕЗОН

ҚУЯЙЛИК!

ШАҲРИМИЗНИ

ГУЛЗОРЛАРГА

БУРКАЙЛИК!



бунт жумхурият буйича ҳам, алоҳида вилоятлар буйича ҳам аниқ белгилаш мумкин эмас. Бунинг учун ишловчилар статистикасини қайта қурмоқ лозим. Меҳнат ресурсларининг сони иш ўринларига қараганда тез ўсмоқда. Меҳнат ресурсларининг кўплиги ишлаб чиқаришда техника, технология тараққиётининг ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишга катта тўсқинлик қилмоқда. Жисмоний меҳнат ходимлари, айниқса қишлоқ хўжалигида ишни қўлда бажаради. Меҳнатнинг кўплиги уни ташкил қилишнинг илғор шакллари (масалан, қишлоқ хўжалигида ижара пудратига) ўтишга монелик қилмоқда. Ёшлар гарчи амалга оширишга шубҳалансалар-да, хўжалик юртишнинг янги шакллари катталарга қараганда анча хайрихоҳлик билан қарамоқдалар.

Умумтаълим мактаблари битирувчиларининг аҳволи ҳозирги пайтда айниқса оғир, келажақда у янада кескин мураккаблашиши мумкин. Битирувчиларнинг кўпи узок вақт ёки умуман иш топа олмайдилар. Қишлоқ қизларининг имкониятлари айниқса жуда чекланган. Улар мактабни битирганлари заҳоти турмушга чиқиб, дарҳол чинакам уй бекаларига айланишга мажбурлар. Ишончим комилки, жумхуриятимиздаги ижтимоий тангликнинг бош сабабчиларидан бири — ишсизликдир.

Ўз-ўзидан «нима қилмоқ керак?» деган савол туғилади. Бунга жавоб беришдан олдин дастлабки саволга жавоб берайлик. «Ёшларимизга жуда қийин».

Гапнинг очигини айтганда, муаммоларнинг илдизи шу пайтгача ёшлар билан ҳеч ким астойдил шуғулланмаганлигида. Ёшлар муаммолари билан ҳамон ҳеч ким шуғулланмаяпти.

Шуни қайд қилиш керакки, жумхуриятимизда яхлит давлат ёшлар сиёсати йўқ. Бугунги социалистик ривожланиш планларининг ҳамма даражасида, яъни қишлоқдан то жумхуриятгача ёшлар учун махсус бўлимлар ажратилмаган. Шунинг оқибатида, ўтган йили дўппи тор келиб қолганлиги орқасида талабалар шаҳарчасининг социал тараққиёти дастурини шочиладиган ишлаб чиқишга ва қабул қилишга, маблағ, фондлар қидириб топишга тўғри келди.

Сабаблар, сабаблар...

Бу кулфат ва муаммоларнинг илдизи қаерда?— деган саволга умумлаштириб фалсафий нуқтаи назардан жавоб беришга ҳаракат қилайлик. Бизда ўн йиллар давомида жамият (партия, давлат, комсомол ва ҳоказолар) томонидан ёшларга бир ёқлама чекланган муносабат ўрнатилдики, бу маъмурий буйруқбозлик системасига, ҳокимиятнинг тоталитар режимига зарур эди. Бу шундай муносабат эдики, «катта жамият» «ёш жамиятга» ўрнини, «оталарча» эътиборини, «оталарча» ғамхўрлигини ўзи хоҳлаган ҳажмда, кўринишда тортиқ қилар эди. «Болалар» эса бунга жавобан тортиқ қилаётган партияга ва тортиқ қилаётган давлатга эътибор ҳамда ғамхўрликлар учун фақат миннатдорчилик изҳор қилишлари лозим эди. Нимадандир норози бўлиш, нимагадир эса қўшилмаслик, кескин ғояларни илгари сурш, ташаббус кўрсатишни хаёлга келтириш ҳам мумкин эмас эди. Охир-оқибат ҳаётнинг ҳар бир соҳасида ёшларга ўзига хос муносабатлар тури шаклланди ва у ҳозир ҳам ўз ҳукмронлигини ўтказиб келмоқда.

Иқтисод ва меҳнат соҳасида ёшларга истеъмолчилик муносабати шаклланди, жамият ёшларда асосан маъмурий буйруқбозлик системасининг самарали ишлаб чиқариш ва хўжаликни йўлга қўйишга ноқобиллигининг ўрнини қоплайдиган ишчан, итаоткор ва арзон ишчи кучини кўрди холос. Ёшларни пичан тайёрлаш учун одам керак бўлиб қолганда, полиз ва мевалар йиғишда, миллатнинг байналмилал бурчини бажариш, яъни «оқ олтин» териб чоғидигана эслаб қолишарди. Айни вақтда ўсмир ва қизларнинг социал эҳтиёжлари, ёшларнинг шахс сифатида ўсиши эса унутиб қолинарди.

Сиёсий соҳада ёшларга безовта ишонсизлик билан қарашди. Ёшларнинг ғоявий садоқати, комсомолларнинг «Партия «керак» деди, комсомол «бажарамиз!» деб жавоб берди шioriда тўлиқ аксини топган фаол ижрочилиги учун ҳаммиша мақташарди. Лекин ёшлардан чўчишарди. Чунки барча Янги нарсалар йўлига ҳатто энг Янги нарсаларга ҳам мафкуравий догмалардан тўғаноқлар қўйишарди. Янгиликка қарши туриш билан бир вақтда ювентофобия — ёшлардан қўрқиш, уларни менсимаслик ҳам шаклланди. Таълим ва тарбиянинг, тарғибот ва ташвиқот системасининг бутун фаолияти мавжуд мафкурани ўзгартиришга эмас, уни мустаҳкамлаш-

га қаратилган эди. Бу айниқса, маданият соҳасидаги ёшларга бўлган муносабатда бўртиб кўринди. Ёшлардаги ҳамма янги авлод ўзи билан олиб келадиган маданиятнинг ҳар қандай шакллари ва кўринишлари ҳужумга учрарди. Бу бежиз эмас. Маънавий соҳада ўқувчилар ва ўқитувчиларга, тарбиячилар ва тарбияланувчиларга муносабатда ҳукмдорлик ва насиҳатгўйликни вужудга келтирувчи мафкуравий догматизм устивор эди. Ўқувчи ва тарбияланувчининг қобилияти, ўз фикрига эғалик, ўз хулқи, ўзининг ҳаракат усуллари бўлишида эмас, ўқитувчининг ўргатганларини такрорлаш, тарбиячи талаб қилган нарсани бажариш тарбияланганлик ва онглиликнинг чўққиси ҳисобланди. Асосий йўл тарбиянинг миллий шакл ва усуллари назарга илмасдан ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялашнинг мазмуни, шакл ва усуллари бир хиллаштиришга қаратилди. Ёшлар сиёсати жамиятнинг ёшлар билан ишлашда йўл қўйган хатолари ва камчиликлари учун ўзига хос тўловидир. Лекин асосан у ёш авлодни қайта қуриш тарафига тортиш воситасидир.

Мамлакат коммунистларининг олий анжумани ўсиб келаётган авлодга доир шахснинг ҳар томонлама ривожланиши учун реал шарт-шароитлар ва стимулларнинг яратилишини, ёшларнинг ҳаётий мақсадларини амалга оширишни, уларни фаол сиёсий, социал-иқтисодий фаолиятга жалб қилишни таъминлайдиган самарали, тўлақонли сиёсатни ишлаб чиқариш ва амалга оширишни тезлаштириш илгари сурди.

Жумхуриятимизда ёшлар сиёсатининг асосий принциплари қуйидагича бўлиши лозим:

— алоҳида социал гуруҳ сифатида ёшларнинг қизиқиш ва эҳтиёжлари ўзига хослигини эътироф қилиш;

— ёшлар социал муҳофазасининг махсус тадбирларини таъминлаш;

— ёшларнинг ижодий ва социал ташаббусларига кенг йўл очиш; уларнинг муаммоларини ҳал қилишларида мустақиллик ҳуқуқини ҳурмат қилиш;

— инсонпарвар ва демократик социализм қуришда ёш авлодга таяниш;

— миллий ва маданий анъаналар ворислигини, авлодларнинг маънавий алоқаларини таъминлаш.

Давлат ёшлар сиёсати:

Ўзбекистон ССР Олий Совети ёшлар ишлари буйича Қўмитаси бошчилигидаги ёшлар муаммолари билан шуғулланувчи давлат даражасида қонушунослик ва бошқариш идораларини вужудга келтириши;

— ёшлар муаммолари буйича қонун чиқариш ишлари ишлаб чиқиш, ёш авлоднинг манфаатлари янги қонунларда ифодаланиши нуқтаи назаридан экспертиза механизмлари яратишни;

— турли даражадаги шўроларда ёшлар сиёсатини ишлаб чиқиш учун комсомол фракциялари билан биргаликда блоклар ва бошқа структуралар ташкил қилишни;

— партия ва унинг ёшлар иттифоқчисининг ўзаро дўстона муносабатларига асосланувчи сифат жиҳатдан янги алоқалар, партия органларида ёшлар сиёсати буйича комиссиялар ташкил қилишни;

— ёшлар муаммолари жумхурият илмий-тадқиқот марказини яратишни аниқлади.

Қуйидаги жумхурият дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш биринчи планга чиқадди: ёш авлодни руҳий ва жисмоний ривожлантириш; болалар ҳуқуқини таъминлаш ва муҳофазаси қилиш; ёшларни ишга жалб қилиш ва уларни меҳнатга тайёрлаш; ногирон ёшларнинг ижтимоий ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш; болалар ва ёшлар учун товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни кенгайтириш; ёшларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда уй-жойлар қуриш; ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш; ёшлар қорхоналарини кенг авж олдириш; Ўзбекистон ССР Президентининг ёшлар дастурларининг энг муҳим йўналишларини амалга оширадиган Ёшлар фондиди ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шу нарса аёнки, ёшлар муаммоларини жамиятдаги барча муаммоларни ҳал қилмасдан туриб бир ёқлик қилиб бўлмайди. Жумхуриятдаги умумий иқтисодий, сиёсий, маънавий-руҳий вазият ёшларнинг онги, фикрлаш тарзи ва хулқидаги ўзгаришларни белгилайди. Замонавий жамият ўзи шакллантирган, ўзи муносиб бўлган ёшларга эга бўлади. Яна шу нарса аёнки, жамият тараққиётида ёшларсиз энг мураккаб муаммоларни ҳал қилиб бўлмайди. Ва ниҳоят жамиятни ёшлар қандай тасаввур қилса у шундай бўлади. Ижтимоий тараққиётнинг йўналиши, тарихий йўлнинг тўғрилиши даражаси ёшларнинг сиёсий, маънавий ва эстетик идеалларининг ҳам ташкилотларининг, уларнинг қандай тарихий йўл танлаб олишига боғлиқ. Ақидапарастлик, кўр-кўрона ишонишга даъват қилиш ва насиҳатгўйлик ўсмирлар муҳитида ёшларга хос бўлган ўз-ўзини би-

лиш, ўз мавқеини белгилаб олиш, имкониятларини рўёбга чиқаришга табиий эҳтиёжни сўндирди, истеъмолчилик кайфиятларини ривожлантирди, социал ишонч ва масъулиятнинг йўқ бўлишига олиб келди.

Жамиятнинг ёшларга бундай муносабати уларда ҳам шунга яраша муносабат вужудга келтирди. Аста-секин, йилдан-йилга зимдан, жамиятнинг кўзига ташланмасдан ёшлар муҳитида социал жиҳатдан чеклаб қўйилганлик, ихлос қайтиш, социал умидсизлик, жинзакчилик ва норозилик туйғулари тўплана борди. Охир-оқибат бу нарса ёшларнинг жамиятдан узоқлашиб кетишига олиб келди. Ёшлар иккинчи бир аҳамиятлроқ моделни фаол қидиришга тушдики, бу ўз навбатида норасмий ташкилий структураларнинг барпо қилинишига олиб келди.

Ёшларга қандай ёрдам бериш керак?


Очиқ эътироф қилиб айтиш керакки, кўплар, шу жумладан бизнинг жумхуриятимизда ҳам комсомолни ўзининг унвон ва даражалари, ўсиш имкониятларига эга бўлган ўзига хос «ёшлар вазирлиги» деб қараб келинди. Комсомол барча мушкул муаммолар учун, ёшларнинг гуноҳлари учун калтакланадиган болага ўхшаб қолган эди. Бу менга рўзгор ишлари билан банд бўлган ота-онанинг тўнғич фарзандига укаларининг тарбиясини топшириб қўйишни эслатади. Тўнғич фарзанд нари борса укалари билан кинога тушиши, бекинмачоқ ўйнаши мумкин. Лекин укалари, мисол учун ўғрилиққа қўл урган бўлишса, тўғри йўлдан тойиб кетган бўлишса, тўнғич фарзанд эмас, ота-она айбдор. Ўз фарзандларига бепарволик билан қарагани учун улар эртамикечми жавоб беришади. Бир хиллик эса ривожланиш йўлидаги жиддий тўсиқдир.

Партия съезди кўп йиллар биринчи марта «КПССнинг ёшлар сиёсати тўғрисида» махсус резолюция қабул қилганлиги тасодиғий эмас. Негаки, ёшларнинг ҳатто Конституцияга ёзиб қўйилган ҳуқуқи амалда тез-тез оёқ ости қилинапти, қуруқ гап бўлиб қоляпти. Шунинг учун ҳам Резолюцияда «ёш авлодга нисбатан Давлат вазифалари ВЛКСМ, бошқа ёшлар ташкилотлари зиммасига юклатилмаслиги керак» деб алоҳида таъкидлаб ўтилди. Жамият тараққиётининг сурати ёшларнинг мерос қилиб оладиган моддий ва маънавий мулкка қандай қарашига, келгусида бу мулкнинг қандай ва нималардан фойдаланиш мумкинлигини эътироф этишларига, нималарни ва қанча миқдорда тарих омборларига жўнатишларига боғлиқ.

Жамият ўзининг ривожланишининг бурилиш даврида турибди. Ҳозир «қайта қуриш», «жадаллаштириш», «социализм» деб ҳадеб такрорлайверишга ҳожат йўқ. Муҳими, ҳаётимизга инсонпарварлик, адолат, эрк, демократияни жо қилиш лозим.

Бу барча муаммоларни иқтисодий, сиёсий, маънавий муаммоларни ҳал қилишда бошланғич маррадир.

Бугун, муҳими, фикрлаш, ижод, унмдор ва сифатли меҳнат қилиш. Жамиятга интилувчан, талантли одамлар керак. Аниқ ишларнинг романтизми лозим. Кекса авлод ижодининг маҳсули бўлган фойдали ва керак нарсаларнинг бари муҳофазаси қилиниши, кўпайтирилиши ва ривожлантирилиши даркор. Вужудга келган вазиятдан ҳаммасини бошдан бузиш билан эмас, яратиб йўли билан, ёппасига инкор қилишмас, ижодий ёндашиш йўли билан айбдорларни, душманларни қидириш ва ўч олиш билан эмас, меҳр-муҳаббат ва кечириб йўли билан чиқиш, адолатли жамият бунёд қилиш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш, одамларга яшашнинг муносиб тарзи ва даражасини таъминлаш мумкин.



Кайсин КУЛНIEВ Кабарда — Болкор халк шоири, СССР ва РСФСР Давлат мукофотлари лауреатидир. У шеърнам мухлисларининг мухаббатини қозонган шоирдир. Асарларини Иттифоқимиздаги олтинчида ортинчи ва чет элдаги киркдан зиёд халқ ўз она тилида севиб ўқимокда.

Кайсин КУЛНIEВ ўзбек китобхоналарининг ҳам севибди шоирдир. Унинг «Гул ва ханжар» ҳамда «Кўларининг севаман» китоблари ўзбек тилида нашр этилган. Қўйида шоирнинг янги килинган таржималари билан танишасиз.

* * *

Ўз уйимни ёдлаб бўзладим бот-бот,
Сиз бундан қидирманг
қинғир бир ўйни.
Ахир, ўз ўйини соғинмаган зот,
Сўймас қўшнилари яшаган ўйни.

Ўз онам ҳақида этмасдан инкор,
Сизга меҳр билан сўзладим бисёр.
Ахир, ўз онасин севмаган одам,
Севмас ўзгаларнинг онасини ҳам.

Жамики йўлларни ўйлайман ҳар гал,
Юргим сўқмоғини куйласам жўшиб.
Барча оналарни эслайман аввал,
Сўнг онам ҳақида бошлайман қўшиқ.

* * *

Аёлни мадҳ этди Шарқнинг шоири,
Умумбашар бундан яхши хабардор,
У шахло кўзларнинг бўлиб асири,
Оҳу кўзларига менгзади илк бор.

Мен улуг Хофизнинг ўзи билан ҳам,
Нафис мушоира бошлардим рўй-рост.
Агарда севгилим қачондир топсам,
Сенинг кўзларингга муносиб қиёс.

* * *

— Айтинг, кимнинг юзи фусункор?
— Шак-шубҳасиз, онанинг юзи.
— Айтинг, кимнинг юзи бахтиёр?
— Шак-шубҳасиз, онанинг юзи.

— Айтинг, қайси қўллар фусункор?
— Беланчакни тебратган қўллар.
— Айтинг, қайси қўллар бахтиёр?
— Беланчакни тебратган қўллар.

* * *

Ярланган бўри судралар,
Ут-ўланда қолаётир қон.
Овчи эса изма-из борар...
Мени шундай топасиз осон.

* * *

Сен ҳам янглишасан баъзан табиат.
Бу қандай одамдир? Чиройли юзи,
Юрагида эса тўла разолат —
Заҳардир, тикандир ҳар битта сўзи.

Бу хатонг ёқмайди, айтаман дангал,
Юрак ва юз ўхшаи бўлмоғи даркор.
Қара, само гўзал, юлдузлар гўзал!
Айтгил, нечун Ерга берасан озор?

* * *

Тақдир раво кўрса сенга оғир йўл,
Етай деб қолсанг ҳам сўнги маконга.
Қолган кунларингга бўлгин қаттиққўл,
Катта умид билан боққин жаҳонга.
Яша, ўзга қалблар уришин тинглаб.
Ҳа, қандай бўлмасин шундай яшагин.
Токи сени сўнг дам чулғасин шараф,
Ҳаётинг йўлини қайта бошлагин...

* * *

Сен дунёга менинг кўзим билан боқ,
Тўғриси, мухаббат қояга монанд.
Ахир, у хаёлинг ўғирлаган чоқ,
Ҳатто, кўчкларни этмасан писанд.
Кўп кездим, йўлимга йўқдир ниҳоя,
Адашиб юрганам англадим охир.
Ўйлабман мухаббат пастқам бир қоя,
Энди шу хатомни эсламоқ оғир.

* * *

Басир умид қилар очилар кўзи,
Отдай бўлишига ишонар бемор.
Манзилга етолмай саргайиб юзи,
Йўловчи олдинга юрар умидвор.
Мағлублар зафарга ишонар буткул,
Кемани қаърига ютса ҳам уммон.
Тўлқинларни отиб қутурсин довул,
Омон қолишига ишонар инсон.

Умид — тун қўйнида порлаган қуёш,
Кучлиларга таянч, кучсизларга куч.
Билмайман, мен гамга берармидим дош,
Агар менга умид келмаганда дуч.

Асрор МҶМИНОВ таржималари.



Анвар ƏМИН

Қайтиш

Кўрганларим ҳақиқат эмас,
Эшитганим-ҳаммаси ёлғон...
Дилда сўнди ўткинчи ҳавас,
Энди қайта ёнмоғи гумон.
Дунё гўзал, ҳаёт гаштли деб,
Кўзларимни бўядинг бир пайт.
Саробларга берганингда зеб,
Афеус, мен ҳам қолдим-ку лоқайд.
Энди менга қилмоқда алам,
Сезмай тўғри йўлдан озганим —
Илк бор қўлга олганда қалам,
Жимжимадор шеърлар ёзганим.
Кўкни кўзлаб илк бор йиқилгач,
Эслаб қолдим қушмаслигимни.
Аро йўлда қолиб сиқилгач,
Билдим ҳаёт тушмаслигини...
Маддох шоир-сайроқи қуш, бас,
Сен бошлаган йўлдан қайтаман.
Баландпарвоз гапларни эмас,
Энди ҲАҚИҚАТНИ айтаман!

Тушларига кириб чиқар шеър

Сал тортинчоқ, андак паришон,—
Шаҳар кўрган қизларга хосмас.
На устида ажнабий либос.
Сочи узун — ёшларга мосмас.
Ўйнолмайди даврада, бизлар,
Чарчоқ билмай сакраган рақсга.
Қўшилмайди, негадир, қизлар,
Зеб-зийнатдан бошлаган баҳсга.
Даврабоши берганида гал,
Адашади табрик сўзидан.
Фақатгина шеър ўқир маҳал,
Сирли шуъла сачрар кўзидан.
Қолмас сира тортинчоқлиги,
Шеър ўқийди қандайдир ҳазин.
Юрак ютмай тинглагаймиз жим —
Шеърлари ҳам сочидай узун...
Гулдек нозик кўнгли илғамас,
Ўзи ҳақда таннолар не дер.
Заррин либос, тилло сирғамас,
Тушига ҳам кириб чиқар шеър!

Беизҳор мухаббат

Бир синфда ўқиб, ёнма-ён
Ўтказганда бепарво йилни,
Сезмаганим қай лаҳза, қай он
Банд бўлганим сенга кўнгилини.
Сен бепарво кулиб юрардинг,
Шеър ўқирдим мен ҳам бепарво.
Севишимни қайдан билардинг,
Ўзим ҳали билмасдим ҳатто!
Сўнг тарқадик бизлар ҳар томон,
Бахт излаган йўлчи сингари,
Сени шунча соғиндим, ишон,
Қанча олис кетганим сари.
Кўз ўнгимдан кетмайсан сира,

Тушларимга кирарсан ҳар кеч.
Айт, сақларми мени хотиранг,
Сен ҳам мени ўйлармисан ҳеч?!
Мурғак дилни ёққан тўйғуни —
Илк севгим ва ё бир ҳавас,
Сендан ёдгор нурли қайғуни! —
Ойдин, сира унутгим келмас...
Йиллар ўтди дарёдай оқиб,
Мен-чи, ортга қайтгим келади.
Сенинг шўхчан кўзингга боқиб,
«Севаман» деб айтгим келади.

Омон Матжон ибораси.



Ҳабиб ФАИЗУЛЛАЕВ

Сўроқ

Мисоли кечани ёритган ҳилол,
Нечун йўлларимда ҳар кун учрайсан?
Менинг юрагимни ўртайди савол,
Сен кимни севасан, кимни севасан?

Қалбни хуш оҳангдай сеҳрлаган кўз,
Кимга у ёқмоқни истайди, билмам.
Қалбдан фарёд бўлиб учмоқда шу сўз,
Сен кимни севасан, кимни севасан?

Сен назар солсанг-чи, ошиғинг томон,
Бир қадам ташласанг ҳижронлар тамом.
Кўзларим сўзлайди, лабим пичирлар,
Мен сени севаман, сени севаман.
— Сен кимни севасан?..

МУАЛЛИМЛАР ЖАНЖАЛЛАШТАНИ

ЁКИ БЕГУНОХ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ

АЗИЯТ ЧЕККАНИ ХАКИДА

Сигирлар сузишганда бузоқларнинг нобуд бўлиши бор гап-а, лекин буням билган биларкан, билмаганлар йўқ. Ахир ўзига раҳм қилмаганларнинг ўзгалар билан неча пуллик иши бор!

Редакциямизга июнь ойининг ўрталарида келган шикоятни ўқиб шундай ўйга бордик. У Сирдарё вилояти Меҳнатобод ноҳиясидаги Беруний номли 7-ўрта мактабнинг немис тили ўқитувчиси Хурматой Мамадалиева томонидан ёзилганди. Ушбу шикоят мактаб муаммолари ҳақида эди. Бир-икки муаллимлар у билан жанжаллашиб на унга, на у раҳбар бўлган, битирувчи (ҳозир битириб кетишган) 11-синф ўқувчиларига сира тинчлик беришмаётган экан. Мактабдаги бу аҳвол эса таълим-тарбия ишларига салбий таъсир қилаётган ва бундан бегуноҳ болалар азият чекишмаётган экан.

Хўш, муаллимлар жанжалига нима сабаб? Ўқитувчилар нимани талашади? Бу жанжал ёш авлод таълим-тарбиясига ҳалақит беришигача бориб етибдики, бу ҳолга бошқалар, қолаверса мактаб раҳбарлари, жамоаси қандай қараяпти? Бу саволларга жавоб излаб редакция йўлланмаси билан Сирдарёга йўл олди.

Йўл-йўлакай ўйлайман. Болалигимиздан муаллимлардан билим, тарбия оламиз. Домларнинг юриш-туришлари, кийинишлари, гапи, муомаласи, хуллас, ҳар бир ҳаракатидан ўрнак олишига уринамиз. Устоз сўзи биз учун ҳамisha муқаддас. Лекин... юқоридагидек воқеаларга дуч келганимизда «дом-ланинг айтганини қилу қилганини қилма», деган нақл йўлимизни кесиб чиқади...

Қарс икки қўлдан чиқадими, ёки...

Воқеадан беҳабарлар ҳа дейди, билганлари-чи, албатта аёлларнинг тилидан дейди. Ахир муаллимлар ўз ўқувчиларига ибрат бўлиш ўрнига тилларига илон захрини суртиб бир-бирларига ташланишиб юришса, қарс тилдан чиқмай қўлдан чиқсинми?

Ҳаммаси ўтган йилги ноҳия олимпиадасидан бошланибди. Мусобақага немис тилидан борган 7-синф ўқувчисини математика муаллимаси Дилфуза Мукаррамова ўз фани бўйича баҳса олиб кириб кетган. Кейин бунга чидолмаган Хурматой билан Дилфуза ўртасида шу ернинг ўзидаёқ, «оғзаки жанг» борган. Айниқса, Х. Мамадалиева оғзига кучи етмай аёллигу муаллимлик андишасини унутиб рақибаси — Дилфузанинг иззат-нафсига тегадиган ҳақоратомуз гапларни айтишгача борган. Сўнг бу можарони эшитган Дилфузанинг турмуш ўртоғи, шу мактабнинг собиқ ўқитувчиси А. Муҳиддинов мактабда Хурматой билан жанжал чиқарган. Охир-оқибатда иккаласи ҳам «мен сендан камми» деб мактаб касабга уюшмасига бир-бирларининг устидан шикоят ёзишган.

1989 йилнинг 23 февралда (қаранг-а, байрам куни ҳамма байрам кайфиятида бўлса-ю, бу мактабда эса...) мактаб жамоаси йиғилиб, бу икки жанжалкаш аёллар масаласини муҳокама қилишган: Хурматойга аввал ҳам оғоҳлантириш олгани учун қаттиқ ҳайфсан, Дилфузага илк бор ҳайфсан берилган.

Хўш, мана энди ўзингиз ўйланг, жанжал қаердан келиб чиққан... Ҳаммаси шу билан тугагандир, деб ўйларсиз. Асло! Булар ўтган йилнинг гаплари, энди кейингисини эшитинг.

Янги можаронинг илдизи қаерда?

Кўпчилик ўша йиғиндан кейин ҳаммаси жойига тушиб кетар, деб ўйлаганди. Лекин бундай бўлмади. Қайтага мактабда тарафкашлик, зимдан бир-бирига тош отишлар, ғийбатлар, миш-мишлар кучайди. Ҳатто мактабга билим ва тарбия олиш иштиёқида келган ўқувчилар ҳам «пинҳоний жанг»га тортила бошланди. Айниқса, математика муаллимаси — Дилфуза Мукаррамова ва унинг ҳамкасби Тамара Абиддиновалар (иккиси ҳам келишиб олгандек) Хурматой раҳбар бўлган 11-синфга дарсга кирганда болаларга синф раҳбарлари хусусида «раҳбарлар

ринг киму, сенлар ким бўлардинлар, мол эгасига ўхшамаса ҳаром ўлади...» каби педагогикага ёт гапларни айтишар экан. Бу гаплар, турган гап Хурматойнинг қулоғига ҳам етиб борди. У бу хусусда неча бор мактаб раҳбарларига айтган, лекин бу гапларга ҳеч ким жиддий эътибор бермаган ва охир-оқибат 28 апрель куни яна жанжал чиққан.

Шу куни Хурматой ўз синфида алгебрадан дарс бераётган Тамаранинг синфига кириб борган. Мақсади ўқувчиларга айтган гапи учун уни болалар билан юзлаштириш бўлган. Тагин жанжал чиққан ва болаларнинг олдидан бу икки аёл «кимнинг оғзи полвон» қабилда даҳанаки жанг қилишган. Энди воқеанинг бу ёғини эртатка қиёсласак ҳам бўлади. Аччиғига чидай олмаган Тамара «ҳайё ҳуйт» деб синфдан бош олиб чиқиб кетган ва шу куйи бир ойдан ортиқ синфда қорасини кўрсатмаган. Бечора болалар, 11-синф ўқувчилари, ҳадемай давлат имтиҳонларини топшириши керак бўлган, мактабни тугатиб турли олийгоҳларга киришни орзулаб юрган ўқувчилар математикадан шунча вақт сабоқ ололмай қолиб кетишган.

Тўғри, Тамара ҳам дарсни ташлаб кетишдан олдин Хурматой устидан директор номига ариза ёзиб берган. 4 майда бу жанжалга бағишланган коллектив йиғилиши бўлган. Лекин Хурматойнинг ҳомиладорлиги ҳисобга олиниб, чора кўриш муддати кечиктирилган.



Биз бу ўринда ҳам Хурматойни оқлай олмаймиз. Чунки у педагог бўлатуриб ўқитувчилик этикасини унутиб, Тамара дарс ўтаётган синфдаги жанжалга сабабчи бўлган. Воқеанинг шу даражага бориб етишида, миш-мишлар, «деди-деди»ларнинг авж олишида коллективнинг айби йўқми? Яна ажабланирлиси шундаки, бу жанжал сабаб болалар — айбсиз айбдорлар бир ойдан кўпроқ вақт давомида математика дарсидан бенасиб қолиб кетишган. Хўш, нима бўлганда ҳам Тамарага дарсни шунча вақт ташлаб кетишга ким ҳуқуқ берди? Бу ҳам етмагандай дарс берган синфдан имтиҳон олишни рад этганичи. Унинг ўрнига имтиҳонга асосий ўқитувчи бўлиб кирган Дилфуза эса Хурматойдан бошлаб ўч олиш пайти келганидан қувониб бутун синфга алгебрадан «2» ва «3» қўйиб чиққан. Бирорта ўқувчи ҳатто «4» га сазовор бўлмаган. Дилфузанинг бу қилмишидан ҳатто ноҳия халқ таълими бўлимидан келган ходим — Соиб Наврўзов ҳам саросимага тушган. Барча «бу болаларни ахир ким ўқитган эди» деган зарби суяк-суякча бориб етадиган саволни Дилфузага, сўнг ўзларига бериб кўришди. Таёқнинг бир учи ўзига

ҳам тегишини ўйлаб, Дилфузанинг ўзи ҳам ўз қилмишидан чўчиб тушди. Эртасига синфда қайта имтиҳон олинди. Энди муаллимлар, мактаб маъмурияти адолат, ҳақиқат, таълим ва тарбия учун жон куйдирувчи курашчилар эмас, балки кўпроқ саҳнадаги артистларга ўхшашарди. «Имтиҳон оламиз! Уни бекор қиламиз! Ва яна имтиҳон олаверамиз!»

Мана сизга муаллимлар жанжалининг оқибатлари. Ахир қайси қонунда ўқитувчига ўқитувчи қасд қилиб дарсни ўтмай қўйсин, дейилган. (Лекин бу ўтилмаган, ёки чала-чулла ўтилган дарслар ҳам журналда рисоладагидек тўлғазилган) Ахир қайси бир қонунда бир имтиҳон бир синфдан икки марта олинсин дейилган?

Эскиларнинг бир гапи бор: бирники мингга, мингники — туманга татийди. Ёки соддароқ қилиб айтсак, бир кун жанжал бўлган жойдан қирқ кун файз кетади. Бу аёлларнинг ўзаро адоватлари «шарофати» билан 2-чорак ярмида ўша Хурматой раҳбарлик қилаётган 11-синф журнали ҳам йўқолган. Сабабини ҳеч ким билмайди. Ҳатто директору унинг ўринбосари ҳам. Янги журналда эса 1—11 чорак баҳолари фолбинларча ўткир зеҳн билан яна рисоладагидек қилиб тўлғазилган. Хўш, журнал йўқолганми, йўқотишганми? Бу кимга керак эди? Мактаб директори бўлаётган жанжалларга чек қўя олмагандек, имтиҳон олишдаги «янги усулга» ҳам, бу йўқотишу йўқолишларга ҳам бефарқ қараб тураверган.

Ҳаммасидан ачинарлиси шундаки, муаллимлар орасида бўлаётган бу даҳанаки жанглар ўқувчиларга қаттиқ таъсир қилган, бора-бора уларнинг ўзи ҳам истаб-истамай бу жанжалларга нафақат гувоҳ бўлиб, балки гоҳ у, гоҳ бу томонга ён босиб аралашиб қолишган. Бора-бора ошқора ён босишга ўтишган. Охири бу жанжаллардан бешишиб, ҳимоя исташиб аввалига директор номига, кейин «Ёш куч»га шикоят ёзишган. (Нимагадир журналга ёзилган шикоят жўнатилмай директор қўлида қолиб кетган.) Қисқаси, ўқувчилар таълим-тарбиядан чалғитилгани етмагандек, уларнинг одамларга, муаллимларга ишончлари йўқолиб, шикоятчилик йўлига кириб қолишган. Синф иккига ажралган. Яхшиси бу можаролар ҳақида ўқувчиларнинг ўзларидан эшита қолайлик.

Воҳид НАЗАРОВ: — Тамара опа ҳар дарсда синфга кирганда «мол эгасига ўхшамаса ҳаром ўлади» дерди. Айниқса, қизларга турли ҳақоратли гапларни кўп айтарди. Айни ўқув йили охирида бир ойдан кўпроқ математика дарси ўтилмади. Фақат бир-икки марта унинг ўрнига Дилфуза опа кирди, холос. Бизнинг айбимиз нима, билолмадик... Синф раҳбаримиз яхши, сира бизни ёмон йўлга бошламаган...

Гулчеҳра МУЗАФФАРОВА: — Шу йил 4 май куни бўлган педсоветда синф раҳбаримиз Хурматой опага тузукроқ айб қўйиша олмади. Очиғи, бу ер мактаб эмас, иғвохонага ўхшайди, ўқитувчилар нималарни талашади, билмаймиз. 2-чорак ярмида синф журнали йўқолиб қолди. Кейин жанжалу тарафкашлик авж олди. Унга бошқалар қўшилди. Бир куни синфга рус тили ўқитувчиси Лутфуллаев эшикни тепиб кирди, партани кўтариб отиб юборди, парта бориб Бойхўророва Гулчеҳранинг оёғига тушди, у бир неча кун докторга қатнади. Бу рус тили ўқитувчиси дарсда синф раҳбарларинг устидан ёзиб берсанлар, деб мажбурлаб 3—4 болага ёздириб олди.

Имтиҳон пайтида эса Тамара опа кирмади. Нега, билмаймиз. Раҳбаримиз билан уришса, аламини биздан олади. Ҳайронимиз...

Гулчеҳра БОЙХҲҲУРОЗОВА: — Икки-уч йилдан буён математика ўқитувчимиз Тамара Абиддинова ва Дилфуза Мукаррамовалар синф раҳбаримиз Хурматой Мамадалиева билан келиша олмади, аламларини эса биздан олишади. Масалан, педсоветда бўлган майда-чуйда гапларни синфда бизга айтишди ва йигитларнинг олдидан қизларни ёмон гаплар билан ҳақорат қилишади.

Ҳозир ўқитувчилар ҳақидаги тасаввуримиз ҳам ўзгариб кетган. Йил бошида ўндан ортиқ синфдошларим педагогика олийгоҳига боришмоқчи эди, битириш пайтимизга келиб қўплар бу ҳақда оғиз очмай қўйишди. Наҳотки, муаллимларимиз буёғини ўйлашмасам?

Энди бу хусусда ўқитувчилардан эшитсак. **Абдуқодир ЖАМОЛОВ** (директор ўринбосари): — Мен мактабда 1988 йилдан буён ишлайман. Келганимдан буён бу ерда жанжал давом этади.

Нега? Айб кимда? Билолмайман. Уша, сўнги жанжал кунни ҳам мен синфда эдим. Тамара олдимга йўғлаб кирди. Болалар айб раҳбаримизда, деди. Бу масала муҳокамасида эса Хурматой менга ташлаб «Падарингга лаънат, сен ифлос менга тинчлик бера-санми-йўқми, мен сенинг юзинга тупураман», деб ҳақорат қилди. Лекин мен ўзимни босиб индамадим. Мен уни тарбияга қақирсаму у мени ҳақоратласа... Жудаям оғзи ёмон. Ахир мактабда ҳамма бўйсунити лозим бўлган қонун-қоидалар бор. Узининг камчилигини билмай, бировнинг устидан ёзадигандан яхшилик кутиб бўлмайди.

Марям ЭГАМБЕРДИЕВА [бошланғич синф ўқитувчиси]: — Хурматой мактабда болаларни севади, яхши ишлайди, дарсни яхши ўтади, бировни гийбат қилмайди. Лекин Тамара, Дилфузалар кўп гапирди. Уқитувчилар хонасида беш минут эмин-эркин ўтиролмайсан...

Хуллас кўпчилик Хурматой Мамадалиеванинг дарс ўтишини, ўз фанини яхши билишини, жонкуярлигини айтди. Лекин тили ёмонлигини ҳам сўзлашди. Юқоридаги жанжалларга ҳам аввало унинг суяксиз тили сабабчи бўлган. Ахир тарбия даргоҳида ишлаётган тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши керак эди-ку! У эса... Уқитувчи одам ҳар қандай шароитда ҳам ўзини тутати билиши, ахлоқ-одоб доирасидан чиқиб кетмаслиги лозим эди.

Шу ўринда математика муаллимлари Дилфуза ва Тамараларнинг ҳам педагогик шаънига мос келмаган майда-чуйда гапларни ўқувчиларга айтиб юришларини қоралаймиз. Кейин бу икки математика муаллимасининг ҳар йиғинда «Хурматой мактабдан кетсин» деб бир гапда туриб олишлари ўринсиз.

Энди икки оғиз гап мактаб директори **Рустам Каримбердиев** ҳақида. У мактабда давом этиб келаётган машамаларга чек қўя олмади. «Журнал йўқолиши» воқеаси ҳам сирлилигича қолиб кетди. Ахир журнал мактабнинг, қолаверса давлатнинг ҳужжати-ку. Нега йўқолиш сабаби қидирилмади... Бунинг ўрнига эса тезда янги синф тикланди. Кейин Тамаранинг бир ойдан ортқик дарсни ташлаб кетишига ҳам панжа орасидан қаралди. Ахир бир ой эмас, бир соат дарсни ўтмаслик жиноят-ку! Бизнинг «Нега бу ҳолга беварқ қарадингиз, вақтида чора кўрмадингиз?» деган саволимизга у: «Сабаби, менга кадр керак!» дейди. Мана сизга раҳбар одамнинг камчиликлар ва қонунбузарликлари муносабати. Тўғри, чўл шароитида ишлаш, малакали кадр топиш қийин, уларни асраш керак, лекин бунинг рўқач қилиб, мактаб интизомини менсимаслик...

Биз қайтадиган кунимиз ноҳия халқ таълими бўлимининг мудирин Ойбек Орипов билан учрашдик. Унга бор гапни айтдик. «Бизга бу жанжаллар хусусида ҳеч ким расмий хат билан мурожаат қилмаган, ҳаммаси «деди-деди», «миш-миш». Лекин бир марта Дилфуза Мукаррамова келганди. Кейин ўша математикадан олинган имтиҳон масаласида мактабга бордим. Дилфузадан бу синфни олдин ким ўқитганини сўрадим. У эса Хурматойни бу мактабдан бўшата-сан, деб ультиматум қўйди. Нима дейишимга ҳайронман. Хурматой менинг олдимга сира келмаган».

Мактабда бошқа фанлардан ҳам ўқитиш ишлари яхши эмас экан. Масалан, химиядан биринчи чорада тарих ва жамият ўқитувчиси, кейин эса математика муаллими ўқитибди. Бу хусусда ҳам О. Ориповга айтдик. «Биласизми, бизнинг Меҳнатобод ноҳиясида 9 та мактабда бор-йўғи 2 та химия ўқитувчиси бор. Уларнинг ҳам биттаси қишлоқ ҳўжалиги институтининг агрохимия куллитини битирган. Бизнинг Меҳнатобод ноҳияси шу йил март ойида қўшни ноҳиядан ажралган, шунда мутахассислар тўғри ҳисобга олинмаган», деб жавоб қилди у.

Мана сизга биргина мактабдагина эмас, ноҳия халқ таълимидаги аҳвол. Бундай аҳволга Сирдарё вилоят халқ таълими бошқармасидаги раҳбарлар нима дейишаркин?

Хуллас, 7-мактабдаги таълим-тарбия ишларида йўл қўйилган камчиликларни ноҳия халқ таълими бўлими, қолаверса Сирдарё вилояти халқ таълими бошқармаси чуқур ўрганиб бундай бебошликларга чек қўяр деган умиддамыз.

Адҳам ДАМИНОВ,
«Еш куч» махсус мухбири.

РЕДАКЦИЯДАН: Биз атай Сирдарёдаги мактабга бориб, ўқитувчилар, уларнинг ўзaro ва ўқувчилар билан муносабатларини атрофлича таҳлил қилдик. Афсуски, ушбу мақоладаги муаммолар фақат шу мактабдагина эмас, жумҳуриятимиздаги бошқа юзлаб мактабларда ҳам мавжуд. Бунга журналнимизга оқиб келаётган саноксиз хатлар ҳам гувоҳ. Тарбияланмаган тарбиячилардан сабоқ олаётган болалар ҳам билмасиз, ҳам тарбиясиз қолиб кетмоқда. Натижада ўсмирлар ўртасида жиноятчилик йилдан-йилга кучаймоқда.

Эртанги мактаб қандай бўлмоғи лозим!.. Биз шу муаммолар хусусида журналхонларимизнинг фикр-мулоҳазаларини кутамиз.

БИЗГА ЖАВОБ

Редакциямизга ички ишлар ташкилотининг собиқ ходими Баҳодир Мирзаев ишга қайта тикланиш ҳақида ёрдам сўраб мурожаат қилган эди. Биз унинг шикоятини ўрганиб тегишли чора кўриш учун ички ишлар вазирлигига юбордик.

«Б. Мирзаевнинг аризасини кўриб чиқдик, — деб редакцияга жавоб йўллади Ўзбекистон ССЖ ички ишлар вазири В. М. Камолов. — Гражданин Б. Мирзаев ички ишлар ташкилотидagi хизматини Адигей мухтор вилоятининг ички ишлар бошқармасида ўтаган. Биз томондан уч мартаба унинг шахсий делоси кўрсатилган масала бўйича мухтор вилоятнинг ички ишлар бошқармасидан сўратилган эди. Бироқ бизга номаълум сабабларга кўра шахсий делоси мухтор вилоятнинг ички ишлар бошқармаси томонидан юборилмаганлиги боис Мирзаевнинг таржимаи ҳоли билан танишиб чиқишимизнинг имкони бўлмапти. Ҳозирда Мирзаевнинг шахсий делосини сўраб яна мухтор вилоятга қайта телеграмма жўнатдик. Дело билан танишиб чиқилгач, Мирзаевни жумҳурият ички ишлар ташкилотларига ишга олиш, олмаслик масаласи кўриб чиқилади. Ушунда қабул қилинган қарор ҳақида сизларга қўшимча маълумот берамиз».

«Бу йил ҳамма ерда «Наврўз» кенг нишонланди. Биз, XI синф ўқувчилари ҳам ўзимиз сумалак пиширдик. Лекин «Наврўз»ни байрам қилишга руҳсат беришмади. Зўр интизорлик билан пиширган сумалагимиз қозонда қолиб кетаверди. Хурматли «Еш куч», шу тўғрими?» — деб савол берибди Қашқадарё вилояти Чироқчи ноҳиясидаги 62-ўрта мактаб ўқувчилари. Биз ушбу гаройиб холдан мутаассир бўлиб турганимизда редакция-мизга Чироқчи ноҳияси халқ таълимининг мудирин Ш. Тоғаев жавоб йўллаб қолдилар:

«Хат тафсилотларини ўрганиб чиқиш жараёнида мактаб педагогик коллективида ЎзССР халқ таълими вазирлиги ва жумҳурият ўқув-методика маркази томонидан «Мактабда Наврўз байрамини ўтказиш ҳақидаги методик тавсиянома» ишлаб чиқилмаганлиги, Наврўз шодиёналарини ўтказишга оид ишлаб чиқилган тадбир эса номигагина тузилганлиги маълум бўлди. Биз мактаб раҳбарияти, педагогик коллективи ва ўқувчилар билан суҳбатлар ўтказдик, йўл қўйилган жузъий камчиликларни бартараф этиш, тантанали кунларни нишонлаш ҳақида методик маслаҳатлар бердик. Бундан буён мактаб ҳақида тантанали кунларни мазмуни ва шодиёна ўтказиш, турли мавзуларда тематик кечалар уюштиришни ташкил этиш мактаб раҳбарлари зиммасига юклатилди. Масъулиятсизлиги учун мактаб директори Х. Қудратов, тарбиявий ишлар ташкилотчиси Ш. Кенжаев ўртокларга «хайфсан» берилди».

«Мен 1985 йилда педагогика билим юртини тугатганман. Лекин ханузгача доимий иш билан таъминланмаганман. Совхозда 4 та борча бор. Агар уларга мен каби маълумотлилар қабул қилинганда ишсиз қолмаган бўлардим», — деб ёзди Фарғона вилояти Езёнов ноҳиясидаги Хонобод қишлоғида яшовчи Шохиста Фозилова бизга ёзган шикоят хатида. Биз унинг шикоятини Езёнов ноҳия ижроқўмига юбориб, қуйидаги жавобни олдик.

«Ҳозир Ш. Фозилова «Гулшан» болалар боғчасида тарбиячи бўлиб ишламоқда, — деб хабар беради Езёнов ноҳия ижроқўмининг раиси А. Саидов. Совхоз маъмурияти ва мактабгача тарбия муассасалари методисти ўртоқ Тоштемирова билан суҳбатлашиб ўртоқ Ш. Фозиловани доимий иш билан таъминлаш келишиб олинди».

«Еш куч»нинг асосий муштарийлари бу — мактаб ўқувчиларидир. Улар ўз атрофларида содир бўлаётган воқеаларга лоқайд қарамай, камчиликларни очиқ-ойдин ёзишгаётгани бизни қувонтира, улар йўллаган шикоятга мутасадди идоралардан олаётганимиз қуйидаги расмий жавоблар қайта қуриш даврига ишонч уйғотади:

«Комсомол ноҳия халқ таълими бўлими сизларга шуни ёзиб маълум қиладики, Ҳамза номли 2-ўрта мактабнинг 10-синф ўқувчилари томонидан «Еш куч» журнаliga ёзилган шикоят хати ўрганиб чиқилди. Шикоятда кўрсатилган фактлар тасдиқланди.

...Ўқувчилар ўз шикоятларида спорт тўғраракларига қатнаш учун спорт зали йўқлигини, кичик ошхона ва буфетда овқатланиш шароити етарли эмаслигини билдиришади. Қишда хоналарнинг етарли иситилмаслиги натижасида пальюларни

ечмай ўтиришларини айтишади. Пионер хонаси, лаборатория ҳамда кутубхонадаги тартибсизликлар, жисмоний тарбия дарслари даврида ечиниш хонаси йўқлигини кўрсатишган.

Ўқувчилар томонидан ёзилган фактлар ҳозир тугатилди. Ошхона учун хона ажратилиб, етарли шароит яратилди. Жисмоний тарбия дарсида кийимларни алмаштириш учун алоҳида хоналар қилинди. График асосида шахмат-шашка, волейбол, стол тенниси, қўл тўпи тўғрараклари ташкил этилди. Кутубхоначи, лаборант, бош пионервожатий лавозимида ишлаган шахслар ишдан бўшатилиб, уларнинг ўринларига мутахассис кишилар ишга олинди. Кўрсатилган тартибсизликлар, камчиликлар тўлиқ бартараф этилди. Мактаб коллективи, ноҳия халқ таълими бўлими шикоят хати юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилди. Ушбу масала мактабда, ноҳия халқ таълими бўлимининг кенгашида кўриб чиқилди ва камчиликларни тугатиш юзасидан тегишли тадбирлар ишлаб чиқилди. Мазкур мактабдаги таълим-тарбия ишларини ноҳия халқ таълими бўлими ўз назоратига олади. 422 ўринли янги мактаб биносини қуриш учун лойиҳа ҳужжатлари тайёрлашга киришилди», — деб хабар беради Комсомол ноҳия халқ таълими бўлимининг мудирин вазифини бажарувчи ўртоқ Т. Норқулов.

Мен Урганч педагогика билим юртини тугатганимга 6 йил бўлдию, хануз ўз соҳам бўйича иш топилмай сарсонман, — деб ёзган эди Хоразм вилояти Друзба шахрида яшовчи журналхонимиз Ф. Қурбонова. Шаҳримиздаги боғчаларда ишлайдиган тарбиячиларнинг армидан кўпи ҳеч қаерда ўқимагану, лекин мен қўлимда дипломим билан ишсиз юрганам ҳолда дипломсизлар 2 ставкадан ишлашяпти. Маориф мудирисига шуларни айтсам, «ишлаб юрганни бўшатишга ҳаққим йўқ, ўқимасаям» дейди. Албатта бу ўринда маориф мудириси ноҳақ. Биз журналхонимизнинг ҳақли талабини вилоят халқ таълими бўлими йўллаб, у ердан бошқарма бошлигининг биринчи ўринбосари Р. Ибрагимов имзоси билан шу йил май ойида қуйидаги жавобни олдик. «...Аризагўй Ф. Қурбонова Друзба шаҳар халқ таълими томонидан ишга жойлаштириш бўйича навбатга олинди ва ўз мутахассислиги бўйича янги 1990—1991-ўқув йилидан бошлаб иш билан таъминланади».

Демак, шу кунларда Ф. Қурбонова ўз соҳаси бўйича ишлашяпти.

«Биз билим юртидаги тартибсизликлар тўғрисида ёзишга қарор қилдик, — деб хабар беради Самарқанд вилояти Жомбой ноҳиясидаги 27-СПТУ ўқувчилари. Билим юртидаги кўп вақтимиз зое кетаяпти. Практика машғулотлари деярли ўтилмайди. Негаки билим юртининг мастерлари паст малакали, устахоналарда машғулотлар ўтишимиз учун асбоб-ускуналар йўқ. Барчамиз билим юртининг ётоқхонасида истиқомат қиламиз. Уқитувчилар ва мастерлар бизларни ҳақоратлайди ва дўппослашдан ҳам тойишмайди. Текширувчилар келиб қолса билим юртимизда байрам бўлиб кетади. Ҳамма домлар ўқувчиларга мулоим кулиб боқади, бошларини силайди. Шу кунни тартиб ҳам яхши, овқатнинг ҳам сифати аъло бўлади. Биз бу аҳволда ўқий олмаимиз».

Билим юртининг 8 нафар ўқувчиси имзо чеккан ушбу шикоят хатни биз текшириб, чора кўриш учун Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармасига юбордик ва у ердан бошқарма бошлигининг муовини М. Қаршиев имзоси билан қуйидаги жавоб хатини олдик:

«Жомбой ноҳиясидаги 27-хунар-техника билим юрти ўқувчилари томонидан йўлланган шикоят хати текширилиб, унда кўрсатилган хато ва камчиликлар асосан тасдиқланди.

Ҳақиқатдан билим юрти ётоқхонаси мослаштирилган хоналардан иборат бўлиб, маиший ва дам олиш хоналари жорий ремонт талаб даражасида эди. Ҳозир ётоқхоналарда ремонт ишлари бошлаб юборилди. Касб ўргатиш борасидаги камчиликлар ҳам тўғри, устахоналар яхши жиҳозланмаган, ошхонадаги овқат турлари ва сифати паст.

Шикоят хатида келтирилган хато ва камчиликлар 1990 йил 15 июнь кунини билим юртида халқ таълими бошқармаси вакили Х. М. Махмудов иштирокида муҳокама қилинди. I группада қўпол хатоларга йўл қўйганлиги учун ҳамда касб ўргатишни талаб даражасида олиб бормаганини

Йўллайдилар

хисобга олиб ишлаб чиқариш таълими устаси Уринбой Алимов ўз вазифасидан озод қилинди. Бошқа группа усталари ва кураторлари ўз группаларида таълим-тарбиявий ишларни бўшаптириб, группда носоғлом вазиятни вужудга келтирганликлари сабабли улар огохлантирилди. Ҳозирги кунга келиб билим юрти коллективи ўқувчиларга касб-ҳунар ўргатиш ва ўқув-тарбия ишлари талаб даражасида бўлиши учун чора-тадбирлар белгилаб олди. Вилоят халқ таълими бошқармаси билим юртидаги ўқув-тарбия жараёнини ўз назоратига олади».

«Мақтабимизда ўқувчилар ҳам, ўқитувчилар ҳам кишида пальто, рўмол ўраб ўтиришади. Негаки синфимиз омборга ўхшайди, ҳеч исимайди. Кўр-газмали қуроллар етишмайди. Натижада биз ўқувчилар етарли савод чиқара олмаяпмиз. Яна бир гапни айтсам, бу қиз миллат айиряпти, деб ўйламанглар. Нега бизда улуг оғаларимизга барча шароитлар яратиб берилди-ю, бечора, иссиқни-иссиқ, совуқни-совуқ демай ишлайдиган ўзбек пахтакорларига, бизга ўхшаган уларнинг фарзандларига шароит йўқ? Ҳаттоки ҳамма дарсларни битта синфда ўтамиз, рус ва чет тилидан эса алоҳида хонага эгамиз?! Нега?? Илтимос, бу ёзганларимни чўчимай ўз саҳифангга чиқар, токи уни ўқиб раҳбарлар сал қимирлаб қўйишсин» — деб ёзди ўз хатида Навбахор ноҳиясидаги 2-мактабнинг XI синф ўқувчиси Н. Шодиева. Биз ушбу шикоятни ноҳия халқ таълими бўлимига юбориб, мудир К. Эргашевнинг имзоси билан қуйидаги жавобни олдик:

«Н. Шодиеванинг «Еш куч» журналига ёзган хати атрофлича ўрганиб чиқилди. Хатда келтирилган фактлар асосан тасдиқланди. Ҳақиқатан, мослаштирилган бинога жойлашган мазкур мактаб замон талабига жавоб бермайди. Ўқувчи ёзган камчиликларни бартараф этиш учун ноҳия халқ таълими бўлими ва мактаб маъмурияти қуйидаги тадбирларни ишлаб чиқдилар:

— қишда ўқувчиларни совуқдан сақлаш учун Агросаноат уюшмаси 50 тонна кўмир берадиган бўлди;

— мактабга янги намунали бино қуриб бериш Агрострой трестининг 1992 йил планига киритилди;

— ўқувчиларга 15 минг сўмлик кўрғазмали курол, техника воситалари, юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар олиб берилди.

Янги ўқув йилида эса кўрғазмали куроллар учун 600 сўм, бадий адабиётлар учун 1000 сўм, қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар учун 2900 сўм маблағ ноҳия халқ таълими бўлиmidан ажратилди. Қолаверса, ўқув йили бошлангунга қадар фаоллар зали ва ошхонани ишга тушириб беришни «Гигант» совхозини ўз зиммасига олди».

«Қишлоғимиз йўлида қишда бирон техника қатнамайди. Ёзда чангдан одамни кўриб бўлмайди. Раҳбарлар асфальт қилиб берамиз, дейишганига 5 йилдан ошди. Қўшни Лангар қишлоғидан автобус қатнайди. Лекин у бахтли қишлоққа етиб олишимиз учун 10 километр масофани 2 соат пиёда босиб ўтишимиз, агар районга борсак азонда йўлга тушишимиз керак. Бизда сув масаласи ҳам оғир. Ҳар кун ичишга сув қидириш одамнинг жонига тегади. Мана икки йилдан буён дарёларимизнинг ҳам, булоқларимизнинг ҳам сувлари қуриб бормоқда. Одамлар эрталабдан тушгача сув олиш учун навбатда туриб, уни икки чақирим нотекис йўлдан уйимизга кўтариб келамиз. Бу йил қаердан сув ичамиз — хайронман. Ахир одам очликка чидаши мумкин, лекин, ташналикка чидамайди-ку», — деб қуйиниб ёзди ўз қишлоғининг муаммолари ҳақида Қашқадарё вилояти Чироқчи ноҳиясидаги Калинин номли мактаб ўқувчиси Гўзал Боллиева.

Гўзалнинг мактубига ноҳия бош архитектори У. Холмўминов имзоси билан қуйидаги жавобни олдик:

«Боллиева Гўзалнинг «Еш куч» журнали редакциясига ёзган хати ўз жойига бориб тегирилганда қуйидагилар аниқланди. Г. Боллиеванинг яшаб турган қишлоғига 10 километр асфальт йўл планлаштирилган эди, ҳозир қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Йўл битгач, маршрут бўйлаб албатта автобус қатнайди. Ичимлик сув масаласида қишлоқ аҳли булоқлардан фойдаланиб турибди. Булоқларнинг суви қуригани йўқ».

«Еш куч» аралашуви билан ҳал бўлган бу муаммога шу билан нуқта қўймоқчи эдик, лекин ноҳия архитекторининг жавобидаги қуйидаги жумла бизга шубҳали туюлди.

«Хатда ёзилган бошқа фактлар тасдиқланмади». Ҳолбуки, Гўзал узунгина хатида «қишлоғимизда ёшлар учун ҳеч қандай иш йўқ, бизда фақат ўқитувчиларгина ишлаб маош олади» деб ёзган эди. Ноҳия раҳбарларидан бири эса «қишлоқда ҳамма иш билан таъминланган» демоқчи. Қанийди шундай бўлса... Эҳтимол, ўқувчи адашгандир. Ҳар ҳолда кичик ноҳиянинг бош архитектори жумҳуриятнинг катта журналларидан бирини алдашга журъат қилмаса керак?..

Мақтаб ўқувчиларида адолат туйғуси кучли бўлади. Айниқса, жамоат ишларида фаол, аълочи ўқувчилар салгина адолатсизликдан ёниб кетдилар.

«Мен 28 январда ноҳия олимпиадасига бориб, биринчиликни қўлга киритдим. Лекин 4 март куни вилоят олимпиадасига ўқитувчимиз негадир иккинчи ўринни олган тенгдошимни эмас, бошқа бир дугонамизни олиб борди. Иккинчи ўринни олган дугонам бундан қаттиқ изтиробга тушди. Вилоят олимпиадасида мен иншодан «5» олдим. Оғзақидан эса баъзи сабабларга кўра қувилдим. Ноҳия олимпиадасида қатнашмаган дугонам менинг илгари ёзган иншоимдан фойдаланиб, республика олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Мен бу воқеани эшитиб ҳамон руҳан изтироб чекапман.

«Еш куч», бизга ҳақиқатни топишда ёрдам бер! Ноҳия олимпиадасида қатнашмаган ўқувчи вилоят кўригида қатнашса? Вилоят олимпиадасида менинг шеърларимни иншо сифатида ёзиб, республикага чиқса, шу адолатданми?

Сенга ишониб қолувчи Қашқадарё вилояти Ульянов ноҳиясидаги М. Турсунзода номли мактаб ўқувчиси Лола Тўраева».

«Лола Тўраеванинг шикоятларида барча фактлар тўла тасдиқланди», — деб бизга хабар қилади Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармасининг бошлиғи С. Зоиров. Ҳақиқатан адабиёт ўқитувчиси Э. Шоймардоновнинг вилоят олимпиадасига уч ой мактабда машғулотларга қатнашмаган ўқувчи Тўлганой Ашуровани олиб бориши, бу ўқувчига эса ноҳия бўйича раҳбар бўлиб келган Т. Жумаевнинг имконият яратиб бериши, вилоят олимпиадасининг ташкилотчиси У. Кенжаев томонидан эса мактаб ўқувчилари олимпиадаларини ўтказиш тўғрисидаги Низом талабларининг бузилиши содир бўлган.

Ўтказилган текшириш якунлари вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Г. М. Аралова ҳузурдаги йиғилишда муҳокама этилди ва вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институти ўзбек тили ва адабиёти кабинетининг мудирини У. Кенжаев огохлантирилди.

Мазкур маълумот Ульянов ноҳия халқ таълими бўлимининг мудирини ўринбосари ҳузурдаги йиғилишда ҳам ўрганиб чиқилди. М. Турсунзода номли мактаб илмий бўлим мудирини Ш. Муртазоев ҳамда тил-адабиёт ўқитувчиси Э. Шоймардоновларга қаттиқ хайфсан, халқ таълими бўлимининг методисти Т. Жумаевага хайфсан берилди ва методист М. Аслонов огохлантирилди. Шунингдек, ўқувчи Моҳигул Эшонқулованинг вилоят олимпиадасига иштирокини таъминланмаганлиги учун Папанин номли мактаб илмий мудирини Тўйчиев ва тил-адабиёт ўқитувчиси Хўжаёровларга ҳам хайфсан эълон қилинди. Вилоят халқ таълими бошқармаси мактаб ўқувчилари олимпиадаларини мақсадга мувофиқ ўтказиш чораларини кўради».

Ҳақ жойига қарор топганидан хурсандмиз. Бу факт наинки Қашқадарё, балки бошқа вилоят халқ таълими бошқармаларида ҳам ўрганилиб чиқишга сазовар. Негаки, эндиликда ЎзССР Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўртоқ Шавкат Алимовнинг таъкидлашича, бундан буён республика ва вилоят олимпиадаси ғолибларига олий ўқув юрти эшиклари ланг очилади. Республика олимпиадаси ғолиблари жумҳуриятдаги барча олий ўқув юрларига ўз ихтисосликлари бўйича имтихонсиз қабул қилинадилар. Вилоят олимпиадаси ғолиблари эса ўша вилоят ҳудудидаги олий ўқув юрларига тўсиқсиз қабул қилинадилар. Демак, олимпиадаларни адолатли ташкил этиш кун тартибидеги муаммога айланади. Кўзбўямачи-

ликка йўл қўйганларга эса Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси белгилаганидан ҳам қаттиқроқ жазо чораси кўрилиши керак.

Байналмилал жангчилар—бизнинг дардимиз ва фахримиз. Ҳукуматимиз томонидан уларга берилаётган имтиёзлар йил сайин кучайиб бораётганлиги ҳам шундан. Афсуски, редакциямизга байналмилалчи жангчилар тез-тез мурожаат қилишиб, жойларда, айниқса, қишлоқларда яшайдиганларнинг оддий имтиёзлардан ҳам маҳрум бўлиб қолаётганликларини баён этишади.

Биз бу шикоятларни хал қилиш учун тегишли мутасадди ташкилотларга юборамиз. Редакция аралашуви билан байналмилал жангчиларнинг муаммолари хал қилинапти. Лекин улар редакцияга мурожаат қилгунча анча сарсон бўлишяпти. Шунинг учун вилоят комсомол кўмитасида байналмилалчи жангчилар шикояти бўйича махсус доимий комиссиялар очилса ёмон бўлмасди.

«Акам икки оёғидан яраланиб уйга қайтди. У «Қизил юлдуз» ордени ва бошқа нишонлар билан тақдирланган эди. Яқинда у уй қурмоқчи бўлиб ноҳия ижроия кўмитасидан 100 та шифер сўраган эди, «50 тадан ортиқ беролмайман» дебди ижрокўм раиси. Акам колхозда ишчи, ойлиги 130 сўм, бозорда эса шифернинг нархи фалон сўм. У шу масалада Чироқчи ноҳия партия кўмитасининг саркотибига кириб учраган эди, қуруқ ваъда олиб қайтди холос. Илтимос, «Еш куч», бизнинг Чироқчи ноҳиясидаги раҳбарларни бир уйғотиб қўй!» — деб ёзибди жангчининг укаси Мухиддин Даминов.

«Еш куч» журнали редакциясига Охунбобоев номли колхозда яшовчи М. Даминов хат ёзиб, хизмат бурчини Афғонистонда ўтаган акаси Нурмухаммад Даминов учун уй қуришга яна 50 дона шифер олиш ниятида ёрдам сўраган. Яна 50 дона шифер бериш қишлоқ Совети ижроия кўмитаси раиси ўртоқ М. Жумаевага юклатилди» — деб хабар қилади. Чироқчи ноҳия ижроия кўмитаси раисининг ўринбосари Ж. Жўраев.

Биз журналхонларимиз учун ўзига хос ҳисобот бўлган бу ёзишмаларимизни яна давом эттиришимиз мумкин эди, лекин почтачи ходимамиз яна бир даста хат-хабарларни олиб келди. Албатта, уларнинг кўпчилиги шикоятлардан иборатдир. Бу шикоятларнинг натижасини эса биз навбатдаги сонларимизда маълум қиламиз.

Бахтиёр КАРИМОВ,
хат, шикоят ва оммавий ишлар бўлими мудирини.

Муаммолар бартараф этилмоқда

Халқ депутатлари Шаҳрисабз ноҳия Совет ижроия кўмитаси Энгельс номли колхоздаги Калинин номли мактаб ўқувчилари томонидан «Еш куч»га йўлланган хати юзасидан текшириш ўтказиб қуйидагиларни маълум қилади.

Хатда спорт майдончаси қуриш, йўлни асфальт қилиш, мактабга ўқувчиларни транспортда ташиш каби муаммолар кўтарилган.

Ушбу мактаб замонавий типда қурилган бўлиб 480 ўқувчига мўлжалланган. Унда янгича услубдаги иситиш системаси ўрнатилган бўлиб, спорт зали, буфет, кутубхона мавжуддир. 1989 йилда 418 ўқувчига мўлжалланган 341 минг сўмлик қўшимча бино қурилиши бошланди. Ушбу бино 1991 йилда ишга туширилади. Шунингдек, лойиҳа асосида мактабда ошхона, спорт зали, мерганлик тирини ва марказлашган иситиш системасининг қурилиши ҳам амалга оширилади.

Бундан ташқари махсус спорт майдони учун 2 гектар ер ажратилиб, айни вақтда унинг лойиҳа-ҳужжатлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Мақтаб билан қишлоқ орасидаги масофа 2 км 300 метрни ташкил этади. Йўлнинг 1 километри асфальтлаштирилган бўлиб, 1,3 километрини асфальтлаштириш колхоз правленияси томонидан 1990 йилга планлаштирилган. Ҳозир йўлга шағал тўкилиб текисланди.

СССР Министрлар Советининг қарорига биноан мактаб билан қишлоқ ўртасидаги масофа 3 километрдан ошган тақдирдагина транспорт қатнаши амалга оширилади. Бунда эса масофа 2 км 300 метрни ташкил этмоқда.

Шунга қарамадан ноҳия халқ таълими бўлими томонидан ГАЗ—51 маркали транспорт маъмуриятга берилди. Бу транспортни қоидага мувофиқ жиҳозлаш ва ўқувчиларни ташишни ташкил этиш мактаб директори зиммасига юклатилди.

Ноҳия ижроия кўмитасининг раиси
Г. МАМАТОВ.

Сайф Зафар Бухорийнинг «Дуррул мажолис» — «Мажлислар дури» асари Султон Саид Ҳожи Муҳаммад ўғли томонидан XX асрнинг бошларида форс тилидан туркийга таржима қилинган. Асар 1911 йил Тошкентда Орифжонов тош босма нашриётида туркий тилда чоп этилган.

Эътиборингизга ушбу асардан бир парча хавола этамиз.

Ота ва онага яхшилик қилмоқ баёнида

Айтибдурларки, Ҳақ Субханаҳу ва Таоло дейдики, «эй бандалар, агар менга бандалик қилсанглар ва мени азобимдан халос бўлишни истасанглар ота бирла онанинг ҳақиқага яхшилик қилинглари, ҳеч қачон озор берманглар, шундагина менинг жаннатимга сазовор бўлурсизлар, чунки ота ва онанинг розилиги менинг розилигимдир».

Ҳадиси шарифда шундай дейилур: «Ақулвалидайн ва ақулустаз Лайахдулжанната илла биттабати», яъни «Ота-она ва устозни ранжитган фарзанд жаннатга кирмайди, агар узр ва тавба билан кирмаса. Яна ота ва онанинг амрини маҳкам тутинглари ва айтганини бажо келтиринглари, чунки сизларнинг пайдо бўлмоғингизга улар сабаб, аларнинг кўнглини оғритсангиз жон бермоғингиз қийин бўлур».

Айтибдурларки, бир қуни Саййиди Олам саллаллоҳу алайҳи васаллам қабристон яқинига келдилар ва гўрдан нола ва зорланиш овози чиқаётганини эшитдилар. Гўрдан «Ан-нару ан фавқи ваннару ан тахти ваннару ан йамини ваннару ан шимали», яъни «устимда оташ, остимда оташ, ўнгимда оташ ва чапимда ҳам оташдир» деган нола эшитиларди. Расули худо, қабристонга кимки ўлик қўйган бўлса келсин, дедилар. Чақиртирдилар, ҳаммалари йиғилиб келдилар.

Ҳар қайсингиз ўз хешларингизнинг (қариндош-уруғларингизнинг) гўрининг боши-

га келинглари деб айтдилар. Шундан сўнг ҳар қайсилари ўз хешларининг гўрлари бошига келдилар. Бир қари кампир қўлида асо бирла ўша овоз чиққан гўрнинг ёнига келиб тўхтади. Шу пайт Расул алайҳиссалом хотиндан бу гўрда сени киминг ётур, деб сўрадилар. Ул хотин — бу гўрда менинг ўғлим бордир, лекин мен ўғлимдан безордурман, деди. Расул алайҳиссалом нима учун ўғлингдан безорсан, деб сўрадилар. Менга кўп озор бергандир, шунинг учун мен ундан рози эмасман, дебди хотин. Ундай бўлса, энди рози бўлгил, дедилар. Асло рози бўлмади. Шу пайт Расул алайҳиссалом дуога қўл кўтариб айтдилар, эй бори Худоё Худовандо ўртадан пардани кўтаргил, токи бу хотин ўғлининг азобини кўзи бирла кўриб билсин. Дарҳол парда кўтарилди, шунда кампир ўғлининг гўрининг тўрт атрофида ўт ёниб тургани ва ўғлини куйдириб азоб бераётганини кўрди. Кампир ўғлини бу ҳолда кўриб ўзини гўрга отди ва эй оллоҳ энди ўғлимдан розиман, азоб бермагил сен ҳам рози бўлгил, деб илтижо қилди. Шу заҳотиёқ кампирнинг дуоси қабул бўлиб, азоб роҳатга айланди. Шунинг учун айтибдурларки, ота-она рози — худо рози, деб.

Яна айтибдурларки, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг замонларида бир фарзанд мастликда онасининг кўзига бир уриб кўр қилди. Онаси кўзини ушлаб расули худонинг олдиларига бориб, эй Расуллоҳ (худонинг элчиси), ўғлим мени мастликда шу аҳволга солди, деб айтди. Энди ўғлидан эшитинг. Ўғли мастликда ётиб ухлади, бир соатдан сўнг уйқудан ўйғонди. Одамлар унга мастлик билан онанинг кўзини уриб кўр қилдинг, дейишди. Шунда ўғли қайси

қўл билан шундай беодоблик қилдим, деб қўлига пичоқ олди. Сўнгра қўлининг устига пичоқ қўйиб, эй қўл менинг онамнинг ҳақиқага нега бундай ношойиста (ярамас) ишни қилдинг, деб қўлини кесиб бандидан жудо қилди ва қонини томизиб расули худонинг олдиларига борди. Бечора онасининг кўзи ўғлининг кесилган қўлига тушиши биланок, ўзининг кўзининг алами кўринмади, ўғлининг олдига чопиб келиб, эй ўғлим сенинг қўлингни ким кесди, деб сўради. Ўғил онасининг оёғига йиқилиб, эй меҳрибон онам менинг бу қўлим беадаблик қилиб сизнинг кўзингизни кўр қилибди, шу сабабдан ўзим кесиб юбордим, деб айтди. Шундан сўнг онаси ўғлига шафқат қилиб, ўғлининг кесилган қўлидан ўпди. Расули худо буларнинг аҳволи тўғрисида андишада эдилар. Шу пайт Жабраил алайҳиссалом етиб келдилар ва эй Сайид Олам фармон бўлдики азоб вақти эмас, шафқат вақтидир, ҳар иккаласининг ҳақиқага дуо қилгил, дуо сендан, карам қилмоқ оллоҳдан, деб айтдилар. Шундан сўнг расули худо кампирни чорлаб, бу бечора заифанинг кўзини аввалгидек соғлом қилгил, деб дуо қилдилар. Дарҳол дуолари мустаҷоб (қабул) бўлиб, кампирнинг кўзи сиҳат топди. Шунда кампир Пайғамбар алайҳиссаломнинг оёқларига бош қўйиб йиғлади ва ўғлимнинг ҳам қўлини яхши бўлиши учун дуо қилинг, деб илтижо қилди. Пайғамбари худо дуо қилдилар, қўли аввалгидан ҳам зиёдароқ бўлди.

Энди хулоса шуки, ота ва онага ҳурматда бўлиб, зинҳор ранжитиб озор берманглари.

Маҳмуд УМАРОВ,
шарқшунос.

Мумиёнинг хосияти

Шарқ табобатида мумиёдан даволовчи воcита сифатида уч минг йилдан кўпроқ вақт мобайнидан фойдаланиб келинади. Мумиё Эронда, Арабистонда, Урта Осиёда, Ҳиндистон ва Хитойда кенг тарқалган.

Мумиё ва унинг пайдо бўлиши ҳақидаги тўлиқ маълумотни Алҳаким Муҳаммад Ҳусайн-хон Алавининг «Махзанул-Адвия» («Иқлим турлари») деб номланган китобидан билиб олиш мумкин. Унда айтилишича, қадим замонда Эронда Фаридин деган подшоҳ яшаган. Кунлардан бир кун унинг лашкар-бошилари овга чиқади. Овчилардан бирининг кўзи жайронга тушади ва унга қарата камондан ўқ узади. Ўқ унинг умуртқасига санчилади. Иккинчи марта отилган ўқ эса оёғини шикастлайди. Лекин жайрон йиқилмасдан чопишда давом этиб тоғдаги горга кириб гойиб бўлади. Овчиларнинг уни топиш учун қилган барча ҳаракатлари бехуда кетади. Бир ҳафтадан кейин овчилар ўша жайронни елкасида камон ўқи билан далада ҳеч нарса кўрмагандай ўтлаб юрганни кўришади. Улар жайронни тириклай тутушиб кўздан кечиришади ва унинг яраланган жойларига мумсимон модданинг сурилганини кўришади. Сўнгра овчилар ўша горга кириб, худди шундай моддани топишади ва уни шохга элтади. Фаридин донишмандларга бу моддани ўрганиб, унинг хусусиятларини аниқлашни буюради. Донишмандлар горни бориб кўриб, тош ёриқларидан қандайдир қора модданинг сизиб чиққанлигини ва ҳайвонлар уни ялаб, гўшлар чўқишиб ўз касалликларига малҳам топаётганликларини аниқлашади. Бу хабарни шохга етказишади. Фаридин гор оғзига қоровул қўйиб,

бир йилда бир марта йиғилган мумиёни олиб ўз хазинасига қўша бошлайди.

Аслида мумиё сўзи грекча бўлиб, «танани сақловчи» деган маънони билдиради. Араблар эса уни аракул-жибол, яъни тоғ тери, Бирмада чао-туи (тоғ қони), хиндлар шалоджиди, Сибирь, Бурятия ва Олтойда мумиёни барахшин (тоғ ёғи, тош ёғи) дейишади.

Ўтмишдаги машхур табобатчилар — Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Муҳаммад ибн



ал-Беруний, Муҳаммад Ҳусайнхон Алави, Ар-рози Абу Баҳр Муҳаммад ибн Закария, Довуд ал-Антаки ва бошқалар мумиёни олиш ва фойдаланиш усулларини кўрсатиб кетишган. Ундан суяк синиши, чиқиши, захарланиши, асаб системасининг фалажлигини, вақти-вақти билан тутадиган бош оғригини, тутқаноқни, ошқозон — ичак йўлларидаги ярани, сил ва бошқа шу каби касалликларни даволашда қўлланилади.

А. РАҲИМОВ тайёрлаган.

Луғат дафтарингизга

АИРИЛИК — АИРИЛИҚ

Айрилик — айри, айри бўладиган, айри боп; ўзгалик, бошқачалик.

Айрилик — жудолик, фироқ, ҳижрон, ажралиш.

АЛИФ — ОЛИФ(А)

Алиф — араб алфавитидаги биринчи ҳарф ва унинг номи;

Олиф(а) — одатда лак, мой, бўёқ кабиларни тайёрлашда қўлланадиган тайёр мой, олиф мой.

АЛАМ — АЪЛАМ

Алам — маънавий эзилиш, чекиш, оғрик, руҳий изтироб, ҳасрат, ситам, изтироб, қийналиш, қасд, ўч, қасос; ғазаб, нафрат; захр, байроқ, тур.

Аълам — араб-билгич, билагон, Шариат қонунқондалари юзасидан берилган фатвони тасдиқ ёки рад этувчи диний арбоб, бош муфти;

Инқилобгача қозилик лавозимига кўпинча шариат қонунларидан беҳабар одамлар сайланган. Ана шундай қозилар аълам маслаҳати билан ҳукм чиқарган. Инқилобгача Ўзбекистонда ва Урта Осиёда ҳар бир қози ёнида аълам мансаби мавжуд бўлган; исм.

АЛИМЕНТ — ЭЛЕМЕНТ

Алимент — ўздан ажралган хотинига (сағир, балоғатга етмаган болалари учун) ёки меҳнатга яроқсиз оила аъзоларига ёхуд хотин томонидан илгариги эрига қонун асосида тўлаб туриладиган нафақа.

Элемент — оддий воситалар билан бўлиб бўлмайдиган модда; унсур; ток манбаи.

АЛПОЗ — АЛФОЗ

Алпоз — вазият, аҳвол, ҳолат кўриниш; йўсин, тарз, равиш.

Алфоз — сўз, ибора.

Бобур илм ва тарбия ҳақида

Жумҳуриятимиз адабий жамоатчилиги октябрь ойида юртдошимиз, буюк шоир, адиб ва тарихчи олим Заҳириддин Бобур томонидан ёзилган «Бобурнома» асарининг 460 йиллик тўйини нишонламоқда. Қуйида биз сизларнинг ҳукмингизга Бобур асарларида тилга олинган маърифатга чорловчи шеърлардан ҳавола қиламиз.

Ким ёр анга илм толиби илм керак,
Ургангали илм толиби илм керак.
Мен толиби илму толиби илме йўқ,
Мен бормен илм толиби, илм керак.

Нафсининг касбидур ҳавою ҳавас,
Руҳ олдидадур булар ярамас.
Нафе душман дурур, яқин билгил,
Дўстим бу сўзимни чин билгил.

Хулқингни рост этгил ҳар сориғаки борсанг,
Аҳсанга дер бори эл, гар яхши от

Бори элга яхшилик қилгилки, мундин яхши
йўқ,
Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин
яхшилиг.

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур,
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидур.
Яхши киши кўрмагай ёмонлиг ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидур.

«Тарбия соати» ҳақида икки фикр

Ҳурматли редакция! Севимли журналимиз «Еш куч» «тарбия соати» саҳифасини очиб жуда яхши иш қилди. Чунки бу ҳақда мен ҳам анчадан буён мулоҳаза қилиб юрар эдим...

Менимча мактабда тарбия соати 35—40 минутга мўлжалланган бўлиб, маълум бир тема асосида ўқувчилар таълим-тарбиясини юқори савияга кўтариш учун мазмунли, қизиқарли, маълум бир мақсадни кўзда тутган ҳолда ўтказилиши мақсадга мувофиқдир.

Ўқитувчи тарбия соатини ўтказишдан олдин бу дарсга пухта ҳозирлик кўриши, ҳаётий воқеалардан мисоллар келтириши, ҳар хил адабиётлардан фойдаланиши лозим. Ўқитувчи бунинг учун конспект ёзади, бу конспект синф папкасида туриши керак.

Аслида ҳар бир дарсга учта мақсад қўйилди. Буларнинг иккинчиси тарбиявий мақсад ҳисобланади. Маълумки, ҳар куни, ҳар бир дарсда ўқувчиларга таълим ва тарбия узвий равишда бериб борилади. Бундан ташқари тарбия соатидаги маълум бир темада ўтказилган дарсда ўқувчиларни қизғин мунозарага, баҳслашувга жалб қилиш уларга таъсир ўтказмай қолмайди. Шунинг учун «тарбия соати» кўпроқ касб танлаш, табиатнинг севиш, тарихий саналар, байрамлар, дўстлик, одоб-ахлоқ, тинчлик, жамоатчилик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, яхши фазилат, бурч ва виждон, ростгўйлик ва ҳалоллик, мардлик, ўзаро ҳурмат каби мавзуларни ўзида мужассамлаштирган бўлса, анча таъсирчан бўлиши аниқ.

Айрим ўқитувчилар ўқувчиларнинг кундалигига темани фақат номигагина ёзди-

радилар. Сабаби журналда ҳам тарбия соат учун алоҳида қатор ажратилган бўлиб, ҳар ҳафтада қайд этиб бориш керак. Кундалик ва журналда ёзилган дарс ўтилди. «Тарбия соати» да эса «Бугун кимлар «2» олди?», «Кимлар тарбиясизлик қилди?», «Ким дарсга кеч қолиб келди?», «Ким дарсга қатнашмади?», «Ким группа машғулотирига иштирок этмади?» каби саволлар билан дарсни



яқунлайдилар. Бу саволлар аввало ўқитувчининг кундалик назорати бўлиши керак.

Менинг истагим: ҳозирги кунда барча синфларда, айниқса, бошланғич синфларда (чунки билимга ҳам, тарбияга ҳам пойдевор бошланғич синфларда қўйилади) «тарбия соати» алоҳида аҳамият касб этиши шарт. Бунда ўқувчилар хулқида, хатти-ҳаракатида, тафаккурида, маънавий дунёсида эзгулик уруғи нишона бера олсин!

Ҳурматли редакция! Мен мазкур саҳифа янаги йилда ҳам давом этишини хоҳлайман. Бунда ёшлар ҳаётига оид таъсирчан материаллар бериб боришларингизни илтимос қиламан.

Ҳурмат ва эҳтиром билан «Еш куч» журналининг ихлосманд муштарийси.

Руҳсора ЭШОНОВА,
Бухоро вилояти Қорақўл ноҳиясидаги
Махтумқули номли 2-ўрта мактаб
бошланғич синф ўқитувчиси.

Салом «Еш куч!» Мен мактабимиздаги «тарбия соати»нинг ўтилиши ҳақида гапирмоқчиман. Утган йили 9-синфдалигимизда тарбия соатлари фақат дарс тайёрлаш билан ўтди. Биз ўқиб келмаган дарсларни ўқиб ўтирардик. Синф раҳбаримиз билан эса йил давомида бирор марта тарбия ҳақида гаплашганимиз йўқ. Фақатгина бир марта депутатликка номзоди кўрсатилган Бойхон Ҳайитов билан учрашув бўлган холос. Ҳозир болаларнинг тарбияси ёмонлашиб бормоқда. Бошқа синфларда эса тарбия дарси «жазо дарси» бўлиб қолмоқда. Очиғи, бир ҳафта давомида «2» олганлар ва тарбияси оғир болаларга жазо бериш билан дарс ўтилади. Ҳар тарбия соатида аҳвол шу. Ахир бу билан болаларнинг тарбиясини яхшилаб бўлармиди?

Шунинг учун тарбия соати дарсида одоб, ахлоқ темасидаги асарлар билан биз ўқувчиларни таништирадилар, газета-журналларда эълон қилинаётган ўз-ўзини ёқишлар ва шунга ўхшаш фожиаларнинг сабабларини айтсалар, уларнинг олдини олиш ҳақида гапирсалар яхши бўларди.

Асад ИТОЛМАСОВ,
Нишон ноҳиясидаги «ЎзССР 60-йиллиги»
номли мактабнинг 10-синф ўқувчиси.

Уйга вазифа

Юқоридаги икки фикрдан келиб чиқиб сизларга қуйидаги саволларни бермоқчимиз.

1. Мактаблардаги «Тарбия соати» ҳақидаги сизнинг фикрингиз?

2. Журналда эълон қилинаётган бу саҳифа Сизга маъқулми? Еки... Сабабини изоҳланг! Жавобларингизни кутамиз.

Қатралар

Тарбия соати,
Ўқувчи қаноти.

* * *
Таълим билан тарбия,
Эгизак фарзандку-я,
Лекин тарбиясизлик
Қоп-қора қозон куя.

* * *
Ўқувчи қондаси,
Унинг тиниқ ойнаси.

* * *
Тарбия бўлмаса, балки одамзод,
Ҳайвондан фарқ қилмас эди умрбод.

* * *
Тарбия билан қалбингни беза,
Ота-онангдан олгин андоза.

* * *
Тарбия кўрганлар ҳаётнинг нақши,
Кўрмаган гўёки палахмон тоши

* * *
Тарбия инсоний хислатлар қони,
Эзгулик юрагин жонию-қони.

* * *
Тарбия ҳар қандай бойликдан афзал,
Тарбия Навоий яратган ғазал.

«Безори»нинг маъноси

Болалар! Безори сўзини қаердан келиб чиққанлигини биласизми? Ҳа, сиз бу сўзни яхши биласиз. Уни онда-сонда бўлса-да, эшитиб турасиз. Лекин безориларни жуда ёмон кўрасиз. Шундай эмасми?

Кимки, қаерда бўлмасин, ўзини туттолмас, одамлар уни безори деб чақиршади.

Безори деган сўз инглизча исм эканлигини кўпчилигингиз билмасангиз керак. 1890 йили Англия пойтахти Лондонда Безори исмли киши яшаган экан. Гарчи унинг асл исми бошқача бўлса ҳам, одамлар уни айтишмас экан. Чунки унинг оти жисмига мос келмас экан-да. У ўта интизомсиз, тартибсиз бўлган экан. Ўзини бир зум ҳам тугиб юролмас, ўтиролмас, ётолмас экан. Шу тариқа инглиз луғатига яна бир янги сўз киритилган экан. Демак, она тилимиздаги ҳар бир сўзнинг ўз тарихи, ўз хислати, ўз хусусияти бор экан. Безори сўзи шу тариқа инглиз тилидан жаҳонда барча тилларга, шунингдек ўзбек тилига ҳам кириб келганлиги сир эмас. Безори сўзи турли тилда турлича айтилади. Масалан, инглиз ва рус тилларида безори сўзи «хулиган» дейилади.

Ҳасан ОТАҚУЛОВ,
Тошкент вилояти Бекобод ноҳияси,
42-мактаб муаллими.

9-сондаги топишмоқларнинг жавоби

Пиёз, киприклар, майиз, соат, компас, ёнроқ, шам, тўлқин.

Тошкент вилоятидаги
Муҳаммад Юсуф
Малик Муродов

ХУЖАНДАГА КЕЛИБ

МУРИНЛАР

Яқинда Ленинобод вилоятининг Хўжанд туманидаги 43-ўрта мактабда ўтказилган учрашувда ажабтовур бир манзаранинг гувоҳи бўлдим. Мактаб ўқувчилари нигоҳларидаги тушунарсиз ҳайратни, ўқитувчиларида эса қутилмаган янгликдан довдираб қолишга ўхшаш ҳолатни кузатдим. Ва шунда ҳаёлимга бир фикр келди... Уни ҳали тўла ўйлаб улгурмасимданоқ болаларга ҳайрат ва қувонч олиб келган меҳмонлардан бири — Худойберди Тўхтабоев айтиб қолди: «Кўпроқ айни мана шундай давраларда учрашувлар ўтказиш зарур экан!» Ҳа, бизга «Еш куч» журналининг бир гуруҳ ходимлари меҳмон бўлиб келишганди.

Ана шу ҳайрат ва қувонч остида ўтган учрашувдан сўнг мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари ширин туш кўргандай бўлиб юришди. Ҳамма-ҳаммаси — севимли ёзувчиларнинг — севимли «Еш куч» журнали ходимларининг қутилмаганда ташриф буюришлари, уларнинг ҳаёт, инсон, имон, адабиёт ҳақидаги ўзига хос фикрлари ширин туш каби эди.

Буларнинг ҳаммаси ўз йўлига, лекин учрашув ўта самимий ўтди. Мактабнинг ўз йигин зали йўқлиги, бошқа тадбирлар ўтказиладиган қишлоқ клуби қулфланиб кетилганлиги туфайли, кўшни боғча-яслидаги залда ўтказилган учрашувга унда қатнашишни истаганларнинг ҳаммаси сиймай қолди. Ўқувчилар, ўқитувчилар азиз меҳмонларига ўз ташвишлари, мактаб муаммолари ҳақида сўзлаб беришди.

Янгиқишлоқлик 682 ўғил-қиз таълим-тарбия олаётган бу даргоҳда 53 ўқитувчи ишлайди. Болалар билан суҳбатлашиб кўрсангиз, билимлари чакки эмас. Қизиқишлар хилма-хил, интилишлар ҳам турлича. Лекин қизиқиш майлиқу-я, интилишлар йўлини маълум чегара кесиб туради. Ана шу чегара айниқса касб ўрганишда яққол кўринади. Ўғил болалар исташса-исташмаса, боғбон-механизатор деган касбни ўрганишади. Қизлар эса тикувчилик билан қаноатланишга мажбурдирлар. Тўғри, боғбонлик, тракторчилик, тикувчилик ҳаётда асқотадиган касблар. Лекин истакни, уқувни ҳам ҳисобга олиш керак-да. Қизиқиб ўрганилмаган, истасанг-истамасанг, шу, дея зўрлаб ўргатилган касбни номигагина эгаллаш ёшлиқнинг олтинга тенг лаҳзаларини беҳуда ўтказишнинг ўзгинаси-дир.

Жорий йил охирида мактаб учун янги бино қурилиши бошланиши кўзда тутилмоқда. Ҳозирча эса, анчагина қийин шароитда иш юритишга тўғри келмоқда. Бу ҳақда гапираркан, мактаб илмий бўлим мудири Ф. Нафиков шундай дейди: «Мактабимиз икки сменада ишлайди. Ҳар икки навбатда ҳам синфхоналар лиқ тўла. Натижада факультатив машғулотлар, тўғарақлар ишида, улгурмовчилар билан ишлашда жуда қийналамиз. Фан кабинетлари ҳақида гапирадиган бўлсак, ўқитувчиларимиз техник воситаларни синфма-синф кўтариб юришади. Фан кечалари ва бошқа тадбирлар ўтказиш учун қишлоқ Кенгаши клубини сўрашга тўғри келади...»

Биз бошингиз айланса, елкангиз айланмайдиган Пионерлар уйи, тикувчилик дarsi ўтиладиган синф ва яна бошқа қатор синфларда бўлганимизда илмий бўлим мудири гапларининг юз фоиз ҳақлигига яна бир бор ишондик.

Адабиёт ўқитувчиси А. Дониёров фақат мактаб миқёсидаги эмас, балки вилоятдаги бошқа ўзбек мактаблари учун муҳим бўлган муаммолар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди:

— Мен 19 йилдан буён шу мактабда адабиётдан дарс бераман. Кўпинча дарсликлар, ўзбек адиблари асарлари етишмайди. Қўқон, Наманган, Тошкент, Бекобод шаҳарларига китоб излаб борамиз. Хайриятки, Ленинободда «Ўзбек китоблари» магазини очилди. Тагин бир фикрим, биз ўз тарихимизга ҳали бошқача қарашдан бутунлай қутулганимиз йўқ. Бўлмаса, нега мўғуллар Чингизхон ҳақида кино ишлашяпти-ю, бизнинг киночиларимиз Бобур, Темури ҳақида фильм суратга олишмаяпти?

«Еш куч» ходимлари билан ўтказилаётган учрашув пайтида математика ўқитувчиси Тўхтахон Искандарова сўзлар экан, кўзлари беихтиёр ёшга тўлди. Йигирма йил олдин бизга ундай яшаймиз, бундай яшаймиз, деб ёрқин келажакка ишонтиришарди. Ҳаммаси сароб бўлиб чиқди. Энди келажакка ишониш-ишонмаслигимизни билмай турибмиз. Нега ўшанда бизни алдашди, нега?!

Саволлар кўндаланг, кескин, тигли. Лекин айнан шу мактабнинг ҳаёти билан, ўқитувчилар, ўқувчилар билан яқинроқ танишсангиз, саволлар сўндираётган охириги умидингиз чўғ олаётгандай бўлади. 8-синф ўқувчиси Маъруфжон Мамажоновнинг оёғи синиб, анчадан бери тўшақда экан. Ўқитувчилари унинг тиришқоқлигини, ётган жойида фанларни «яхши» ва «аъло» баҳоларга ўзлаштираётганлиги ҳақида гапирди. Тиришқоқ болани кўргимиз келди. Унинг уйига борганимизда математика ўқитувчиси Мавлуда Пардабоева янги дарсни тушунтираётган экан. Маъруфжоннинг акаси, опаси муаллимлар ҳақида оғизларидан бол томиб гапирди. Юртда «яхшилиқ қилгин-да, сувга оқиз», дейдилар. Ҳеч қандай савол жавобсиз қолмагандек, яхшилиқ ҳам ерда қолмайди. Асосий иш вақтидан ташқари, вақтни қизганмай, оиласидан орттириб, тўшақда ётган болага сабогини бериб кетаётган яхшилар бор экан, ҳали келажакдан умид қилса бўлади. Дунёда устун бўлиб турган яхшилиқ, эзгулик, диёнат барибир бир кун ўз кучини кўрсатади.

Хайрлашув чоғида кўпгина ўқитувчилар, ўқувчилар, «Еш куч»нинг хайрли иши ҳақида, Ленинобод вилоятида ярим миллион нафардан ортиқ ўзбеклар яшаётганлиги, «Еш куч»нинг ҳам, Ўзбекистондаги бошқа нашрларнинг ҳам уларнинг ҳаётига кўпроқ эътибор беришлари, бошқа жумҳуриятлардаги тилдошларини унутиб қолдирмасликларини сўрашди.

Мактабда «Еш куч»ни севиб ўқишади. Журналда бериладиган мақолалар юзасидан баҳс-мунозаралар ўтказиб турилади. Ўқувчиларнинг қизиқиш доираларига қараб, уларга ёқаётган руқунлар ҳам хилма-хил. Яхписи, уларнинг ўз фикрлари билан танишайлик.

Зарифа ТҮИЧИЕВА, 10-синф ўқувчиси:

— Мен «Еш куч»ни икки йилдан бери мунтазам ўқиб бораман. Айниқса, «Қатортолга мактаблар»ни ёқтираман. «Гулсум Шоймонованинг пу-

шаймони ва тавбаси» мақоласини ўқиб, мунозара ўтказдик.

«Еш куч» орқали яна айрим фикрларим билан ўртоқлашмоқчиман. Биз қишлоқ қизлари сочимизни қирқ кокил қилиб ўриб оламиз. Бу ўзбек халқининг азалий урф-одати бўлиб келган. Лекин баъзи қизлар ўзларини маданиятли кўрсатиш учун сочларини минг мақомга солишади, кесиб ташлашади. Бу миллий ғурурни поймол қилиш, миллий туйғуни ҳис қилмаслик бўлса керак. Севимли шоиримиз Эркин Воҳидов бежиз ёзмаганлар:

*Бир замонлар фахр этардинг,
Қоп-қаро сочинг билан.
Сен бугун қошимдадурсан
Турфа қирмочинг билан.*

Зулфия ҚҮЛБЕКОВА, 10-синф ўқувчиси:

— Мактабимиз кутубхонасидан қизиқарли китобларни топиб ўқиш жуда қийин. Бирорта китобни изласанг, тополмайсан, киши. Айниқса, ўзбекча китоблар жуда оз.

Мен «Еш куч»да одоб-ахлоқ, севги-муҳаббат, меҳр-оқибат ҳақидаги мақолалар янада кўпроқ бериб борилишини истардим. Бу мақолалар эндигина ҳаётга қадам қўяётган биз каби ёшларга албатта ёрдам берган бўларди. Тенгдошларимизнинг турмуш ҳақидаги тушунчаларини ўзгартириб, яхшилиқ ва ҳалоллик, гўзалликка бўлган эътиқодларини оширарди...

Азиза ЭРАЛИЕВА, 11-синф ўқувчиси:

— Яқинда туманимизда ўтказилган олимпиадада иншо ёзиш ва ифодали шеър ўқиш бўйича мактабимиз ўқувчилари биринчи ўринни олишди. Бунда «Еш куч», «Ёшлиқ» каби журналларни ўқиб боришимизнинг ҳам таъсири бор. Журналда чоп этилаётган ахлоқ-одоб, меҳр-шафқат мавзудаги мақолаларни, «Аниқ фанлар академияси» қўшсаҳифасини, ёш ижодкорларнинг шеърларини қизиқиш билан ўқиб борамиз. «Қизлар давраси», «Иқбол» конкурсида журнал материалларидан фойдаланамиз.



Ўқитувчи Мавлуда Пардабоева: «Маъруфжон, қани ўзинг ечиб боқчи!»

Тўхтаҳон ИСКАНДАРОВА, ўқитувчи:

— Мен «Еш куч» журнални мунтазам ўқиб бораман. Унда босилаётган ёшлар ижодидан берилаётган шеърлар, ҳикоялар, «Аниқ фанлар академияси» материалларини ёшларимиз учун ўта зарур ҳисоблайман. «Қатортолга мактублар», «Қатортолдан мактублар» туркумидан эълон қилинаётган хатлар жамиятимизда қанчалик оғриқли масалалар борлигини кўрсатади. Инсон учун энг зарур бўлган эзгулик, одамгарчилик қолиб, одамларимизнинг қанчалик паст кетиб, қингир ишларга қўл уришгани, ширин ёлғонларга ўралашиб қолишганлигини ўқиб, афсусланасан.



Менинг «Еш куч» журнали ходимлари ва ўқувчиларига тилагим: Доимо ноҳақликларни енгиб ёки олдини олиб, ёрдамга муҳтож, ноҳақликлар олдида иложини топа олмаётган ёшларимизга мададкор бўлинг.

Ҳошимжон ЭРҒАШЕВ, 11-синф ўқувчиси:

— «Кулғихонамиз будир»га кўпроқ жой ажратилса. Кулгисиз яшаб бўлармиди. Ишонмасангиз, сариқ девни енган адашимдан сўранг!

«Еш куч»нинг хўжандлик мухлислари кўнглида ҳали жуда кўп гаплар бор. Уларнинг кўплари биз журнал ходимлари билан учрашувдан қолиб кетибмиз, ўзлари билан кўришганда фикримизни айтаемиз, дейишмоқда.

Айтгандай, вилоятнинг бошқа мактабларида бўлгани каби ушбу билим даргоҳида ҳам аллақачон «Еш куч»га 1991 йил учун обуна бўлиш қизиқ кетди.

Орол нажот кутади

Нажот кутар мажруҳ Орол.

Шўр босган денгиз.

Оқ тузларга кўмилмоқда

Майдонлар чексиз.

Мадорсиз тўлғанаркансан, сен Орол

Юрагимни ўртайди савол:

— Нечун сенинг сувларинг чекина орта,

Етказдилар, қадринг ўйламай, завол.

«Ҳаётни бўстонга айлантирамиз!»

Дея, сундирдик Орол қўлларин.

Орол қуригунча бўлди бепарво,

Туз босгунча гулбоғ йўлларин.

Қорақум канали бўлиб аждаҳо,

Жайхуннинг сувини тортар домига.

Экин майдонлари кенгаяр гоҳо,

Сир кетади унинг комига.

Қумга ботиб ётган кемалар

Яна қачон олға сузади?

Шовиллаган тоғдай тўлқинлар

Қачон сукунатни бузади?


Қачон бепарволикка қарши,

Курашади бир бўлиб эллар?

Қачон Орол сувга тўлади,

Ва топади таскин бу диллар?

Озода МАМАРАУПОВА.



10-синф ўқувчиси Зарифа Тўйчиева: «Ажойиб учрашув бўлди-я...»



Шоира қиз — 8-синф ўқувчиси Озода Мамараупова.

Суратларни Шарифжон МАМАЖОНОВ олган.

«Еш куч» ташкил этилибдики, ленинободлик муштарийлар сони йил сайин ортиб бормоқда. Вилоятнинг туман ва қишлоқларидан мактубларда келган ҳар бир фикр-мулоҳаза ва таклиф-истақлар «Еш куч» учун азиз ва ардоқлидир. Мазкур кўш саҳифалар ушбу ўзаро оқибатларимиздан бир мужда, холос!

Икки йил мукадам Ленинобод Давлат педагогика институтининг ўзбек филологияси факультетининг аспиранти бўлган «Хўжанд садолари» адабий маҳфилнинг ўзгаришлари учун ўзига хос ижодий муҳит яратган. Шунинг учун унинг машғулоти фақат талабалар эмас, балки турли касб эгалари ҳам фаол иштирок этишмоқда. Маҳфил аъзоларининг дастлабки машғули вилоят ва қатор туман газетларида тез-тез босилмоқда. Гарчанд, Тожикистонда яшаб ўзбек тилида ижод қилаётган ёшлар учун кенг имкониятлар яратилмаган бўлса-да, уюшманинг иш бошлаши ана шу йўлдаги дастлабки кадам бўлди. Эътиборингизга «Хўжанд садолари» адабий уюшмасининг айрим қатнашчилари шеърларини ҳавола этмоқдамиз. Бу машғул қусур ва нуқсонлардан ҳоли эмаслиги табиий. Лекин талаба ёшларининг саъю ҳаракатлари, изланишлари, дастлабки қадамлари яхши самаралар беришига ишонса бўлади.

АВЛИЕХОН,
адабий маҳфил раҳбари.

Узоқ шарқ

Бу шамоллар кимнинг оҳидир,
Ерга бағрин бериб додлайди.
Узун тили аччиқ ва тахир
Денгизлар ҳам қирғоқ ялайди.
Оқчарлоқлар ёғар осмондан,
Торғилади овоз торлари.
Сув юзига урмоқда бадан,
Езнинг оппоқ жонли қорлари.
Бу дарахтлар дарахт бўлмаган,
Тупроқ ёрган ер билаклари.
Бу вулқонлар ҳали тинмаган,
Ернинг қора замбараклари.
Бу қарғалар қарға бўлмаган,
Табиатнинг худопешлари.
Ридо кийиб кўнгли тўлмаган,
Бутхонасиз чин дарвишлари.
Ой кезади кўкда димиқиб,
Енишидан куйиши кўпроқ,
Ўтмишини қўйган унутиб,

ОППОҚ ХАЁЛ

Хотиралар кўмилган ўчоқ.
Узоқларда гувиллар шамол,
Узоқларда сарсондир бебахт.
Тебранади... кўзида малол,
Қўлларини синдирган дарахт.
Яна қандай хотира сўзлай,
Қум соҳилда ёлғиз турибман.
Қирғоқдаги акка бир тошдай,
Хаёллarga ботиб турибман.
Узоқларда сарсондир шамол...

Абдулла НАСРИДДИНОВ.

Тарона

Уриқларнинг қора танида
Орзуларим оппоқ гуллади.
Шўх ирмоқлар созини чалиб,
Бахтдан қиқир-қиқир кулади.
Тонг шабнами сирға бўлибди,
Ғунчаларнинг қулоқларига.
Қандай жавоб беришга лолман,
Қушчаларнинг сўроқларига.
Қўзиғулнинг митти кўзлари,
Ҳайрат билан очиқ қолибди.
Ариқларнинг лаби кўкариб,
Қуёш бўлса изин солибди.
Оппоқ хаёл — соғинч гуллари
Жўш урдирар туйғуларингни.
Оқ либосли келинчак — Баҳор,
Олиб қочар уйқуларингни.

Бихалича АҲМЕДОВА.


Айрилиқнинг бағрида
Сенсиз мангу ўтарман.
Сўнгра ишқ осмонига,
Юлдуз бўлиб кетарман.
Юлдузларнинг кўксига
Минг бир яра бўлган қиз.
Аламдан йиғлайвериб,
Кўзи қаро бўлган қиз.
Кўзларнинг қорасига
Сўзларимни ўйиб ёз.
Ишқнинг ўтқир тафтига
Тақдирим деб куйиб ёз.
Кўз ёшлари тўкилиб,
Осмонда дур бўлган пайт,
Пок тунларнинг қўйнида,
Бир тутам нур бўлиб қайт.

Нигора ЖАЛИЛОВА.

* * *

Қора тунлар туманли бўлар,
Қисилади осмон кўзлари.
Булутларга осилган ўйлар,
Шубҳа бўлиб сандан сўйлади.
Кўкка боқиб, ундан кутаман,
Гумбурлайди чақмоқ сўзларим.
Тикилганда кўкдан қулаган,
Юлдуз бўлиб сўнди кўзларим.
Овозимда титрайди осмон,
Бағрим-туман, у ҳам ўтади.
Нафасларим етгайдир омон,
Қўлларингдан тугиб қайтади.

Нўъмон АҲМАДАЛИЕВ.



Билмадим, биргина инсон шунчалик ирода, қудратни қаёқдан оларкин? Айримлар тирноқча аламини кўтара олмай ўзини ёқиб учун гугурт қидираётган, айримлар салгина оғриқдан дунёни бузгудек дод солаётган, айримлар бошига тушган жиндеккина ташвишни енга олмай ичкиликка қўл бўлаётган бир замонда дардга полвон бўлиб, ўн тўрт йилдан буён тўшақда ётган, ётганида ҳам «берсанг ейман, бермасанг ўламан», қабилида эмас, балки ўзининг ҳаёт эканлигини, демак, одамларга нафи тегишини ҳар лаҳзада исботлаб турган бу йигитни кўриб, ҳали оламда матонат борлиги, чинакамга яшаётган кишилар ўзинг билан бир ҳаводан нафас олаётганига шуқур қиласан.

Ўн тўрт йил. Оғзининг бир чеккасидан чиқиб кетадиган рақам. Бу йилларни кимдир енгил-елпи ишларга сарфлайди, кимдир нуқул маишат билан ўтказади, ҳаёт маъносини чақа олган кишилар эса олтинга тенг йилларнинг ҳар лаҳзасидан тўғри фойдаланиш учун уринадилар. Маҳмуджоннинг бир шиори бор: «Инсон ҳар қандай шароитда ҳам

инсонлигича қолиши зарур!» Унинг тўшақда ётган жойида туриб, қишлоғидаги кўпгина муаммоларни ҳал қилишда ҳамқишлоқларига ёрдам бераётганини кўриб, шиор шунчаки шиор эмаслигини англайсиз. Серғайрат йигит аввал ўзи араб ёзувини, форс тилини ўрганди. Энди бошқаларга (шогирдлари орасида болалар ҳам, катталар ҳам бор) ўргатапти. Унинг табиат ато этган яна бир хислати бор — шеър ёзади.

Хўжанд туманининг Қатагон қишлоғида оғир дардни енгиб, инсоннинг неларга қодирлигини амалда исботлаб яшаётган Маҳмуд Қосим ўғлининг улкан иродаси ҳақидаги гаплар (асло мишмишлар эмас) оғиздан оғизга ўтиб, аввал Ленинобод вилоятида, сўнгра жумҳуриятга, кейинроқ эса кўшни жумҳуриятларга бориб етди. Бир кун унинг уйига бир даста қип-қизил лола кўтарган ўн тўрт-ўн беш ёшлардаги қиз кириб келди. Оёғида уйда қиядиган пойабзал, эгнида ҳам ранги уникқанроқ кўйлак. Қишлоғидаги кўп қизларни танирди, уни танимади. Қиз на бу қишлоқдан, на атроф-теварақдаги қишлоқдан экан, у саксон чақирим наридаги тоғдаги шаҳарчадан бўлиб, лола тераётди, Маҳмуджонни эслайди ва албатта бу кўклам гулларини унга элтишга аҳд қилади...

Ҳозир Маҳмуджон ҳам, ойиси, ака-укалари, янгалари ҳам қутилмаган ташрифларга кўникиб қолишган. Икки юз чақирим наридан еттинчи синф ўқувчиси сўраб-суриштириб, Маҳмуджонлар хонадонини топиб келади-да, шоир акасининг юзларига юзларини суртади. Ўзбекистоннинг Сирдарё вилоятидан йигит-қизлар уни бир мартагина кўриб кетиш мақсадида эшик қоқишади. Кун ора талабалар у билан суҳбат қургани келишади...

Маҳмуд Қосим ўғли — Маҳмуд Жўшқин тахаллуси билан шеърлар ёзаётган ажойиб инсон ҳақида қанча ёзса, шунча оадек туюлаверади. Лекин биз бу гал унинг ўз сўзларини журналхонлар

БУ ДУНИЁДА

СОҒИНЧИ ТУЛДОР

Бошим айланяпти, кўзим тиняпти,—
деди аёл секин эрига.
Қувончдан кўзлари отилиб кетди-я
Соғинчи сиймайин терига
Шу кимсасиз, бечора эрининг.

Зикрулло РУЗИЕВ.

Эслама

Эслама
кўксингда бир тутам ўт ёнса.
Ногоҳ
бўғзингда нафасинг кетса димиқиб.
эслама...
Моҳтоб, десам,
Моҳтоб, десалар,
Ногоҳ
моҳтоб юзидаги доғларни кўриб,
эслама...
Мени, ўзингни, ҳеч кимни...

Алишер НАРЗУЛЛАЕВ.

Танҳоликдаги ўйлар

Идроклар йўлингда қолди мунгайиб,
Виждонлар ухлади остоналарда.
Сен аччиқ ҳақиқат, бағримни тилиб,
Бахт дея кўйдирдинг саробларингда.
Туйғулар тош йўлда қолдилар беҳол,
Армонлар чўзилди маънос, умидсиз.
Емғирлар қамчилар аёвсиз, алҳол.
Мен ёлғиз боряпман бугун ҳам сенсиз.
Армонли йўловчи ва жим-жит олам,
Юлдузлар беркинар абдилятга.
Мен кириб боряпман, сенсиз бугун ҳам,
Ширин тушлар кўрган келажагингга.

Эргаш ОДИЛОВ.

* * *

Сиздан бир жуфт қарсақ илинжим,
Бироқ, қаршингиздан ўтолмам гунгдай.
Ва сизнинг тарафдан бўлмагай тинчим,
Ўйларим эмассиз узайган тунда.
Илкингизни тутманг, бошни эса ҳам.
Еки туртиб ўтманг тирсагингиз-ла.
Чўнтакка яширинг, азиз бўлса ҳам
Менга бағишланган қарсагингизни.

Абдулла САИДОВ.



диққатига ҳавола этишни маъқул кўрдик.

— Узинг ҳақингда гапириш жуда кийин, эзиш эса ундан минг марта азоблироқ. Ўн тўрт йилдан бери бемор ётган ўглининг юзига умид боғлаб, уйлантириб, неварга кўриш орзусида бўлган оназоримнинг меҳр тўла нигоҳларига тоб бера олмай, бу азобни ҳам енгишга аҳд қиламан.

— Ҳа, мен ўн тўрт йилдан бери юролмайман, юролмайман эмас, ҳатто ёнбошга ҳам ағдарила олмайман. Шифтга термулиб ётишдан ўзга чора йўқдай гўё. Урта мактабни тугатиш арафасида, учувчи бўлман, деб ширин-ширин орзулар қилиб юрган пайтимда кутилмаганда шу дардга йўлиқдим. Ҳаммасини ёзаверсам, бир китобдан ортиб қолар. Лекин қоғоз ҳам, қалам ҳам кутиб қолаверади. Нимадир тўхтаб қолади. Ниятим — саломатлигим қайта тикланган кунни «Виз галаба қилдик, одамлар», дея катта мақола ёзиб, мендан меҳрини аямаганлар номини ва ўн тўрт йиллик умримнинг ҳар бир дақиқасини тасвирламоқчиман. Худо ўша кунга етказсин.

ҲАЁТ деган сўз тушунчаси нима? Агар, менга шу сўзни ёйиб бер, десалар, шундай деб ёзган бўлардим: Ҳукм, Айрилиқ, Ёнмоқ, Тоқат. Шундай экан, сизнинг дунёга келишингиз учун ҳукм ўқилган, туғилдингизми, демак, яшашга мажбурсиз. Умрингиз давомида нимадандир айриласиз, нимадир топасиз, баъзан ёнасиш, баъзан ўчасиз. Бунинг учун сизда тоқат, бардош, матонат, ирода доимий равишда ўз кучини кўрсатиши шарт. Мен баъзан шу сўзларни ёйиб, дафтарга ёзиб қўяман.

Кейинги вақтларда рўзномаларда, журналларда «тез ёрдам беринг, бўлмаса, ўзимни бир бало қиламан... ёқвораман, осаман, суьга ташлайман...» қабилдаги гапларни ёки ўзини-ўзи турли усулларда ўлдирганлар ҳақидаги ваҳимали хабарларни тез-тез ўқийдиган бўлиб қолдик. Қуръони шарифда ўз-ўзини ўлдирган кишига жаноза ўқилмайди, дейилган. Демак, у бошқача йўл тутуши зарур

эди. Ахир, ҳаётда ҳамманинг ўз ўрни, ўз ҳаёт йўли бор. Ҳар қандай шароитда ҳам одам ўзини кўлга олиши, иродали бўлиши керак. Лекин қандай қилиб? Бу томони энди ҳар кимнинг ўзига боғлиқ. Менга эса, тўғриси, китоб ёрдам берди. Мен шеъриятни севаман. Шеърият — умримнинг маъноси. Ҳозир янги ёзган шеърларимдан бирини журналхонлар ўқисин деган истак бирдан кучайиб кетди:

Даъват

Менга раҳм билан қараманг зинҳор,
Сиздан шафқат сўраб ёлборганим йўқ.
Майлига, умримда бўлмасин баҳор,
Мен сиздан гулдаста сўраганим йўқ.
Тақдирим тош экан, демак, бор гулим,
Уйламанг, сиз мени, қотиб қолган тош.
Менда ҳам бор ахир нур — равои йўлим,
Менинг ҳам кўзимдан оқар севинч ёш.
Қаранг кўзларимга, кўзимда бардош,
Менинг овозимда, сўзимда бардош.
Менга етарлича дарс берган ҳаёт,
Ҳаттоки, мен босган изимда бардош.
Раҳм кўзи билан қараманг кўзга,
Дардингизни тинглаб ётаман фақат.
Ростини сўзласам, агар мен сизга,
Ўзингиз бергансиз сабр ила тоқат.

Ётиб қолганимга ўн тўрт йил тўлди. Бу давр ичида бекорга яшамадимми, деган савол мени мудом қийнайди. Дунёга келиб, одамларга фойданг тегмаса, бундоқ одамдай яшаб ўтмасанг, алам қилади-да одамга. Саволимга жавоб излай туриб, ҳамюртим, гончилик истеъдодли шоира, ҳозир номи икки жумҳуриятга таниш Зулфия Ҳобоева ҳақида ўйлаб кетаман. Зулфия она билан хат орқали мулоқотда бўлиб тураман. Гарчи у кишига юриш қанчалик оғир бўлса-да, ҳолимдан хабар олиб турадилар. Зулфия она бир мактубла-

рида шундай деб ёзгандилар: «Маҳмуджон, биз ўзимиз дардмандми, лекин бизнинг зиммамизда икки дард бор: бири шеърият, бири халқ дарди. Биз ҳар иккисини ҳам баробар олиб бормоғимиз шарт ва зарур. Галаба қилишимиз керак. Буни сиз мендан кўра яхши биласиз. Биз шунинг учун яшаймиз, унутманг!»

Мен доим бу буюк инсон олдида чуқур таъзим-даман.

Ҳаёт бир сахнадек гап. Сахнага чиқдингми, ҳар ким ўз ролини қойиллатиб, маҳорат билан ижро этмоғи лозим. Айтайлик, мен бемор ролини ижро этапман. Уни истеъдод билан, маҳорат билан ижро этиш менинг бурчим. Виз бир кун галаба қиламиз.

Ҳар кимнинг ўзида куюнчак бир дард, Кимдир кўрқиб турар, кимдир ўта мард. Ким бўлсин, барибир азалий дунё, Ахир, бу дунёда яшамоғи шарт.

...Бир кун Маҳмуджоннинг олдида келган меҳмонлар бири кўйиб, иккинчиси таналаридаги оғриқлардан — кўл оғриғи, бош оғриғи... оёқ оғриғидан шикоят қила бошлашди. Мийиғида кўлиб ётган Маҳмуджон охири ўзини тутиб тура олмади: «Эҳ, бу дунёда касаллар кўп экан, хайрият мен соғломман», деди. Яқинда вилоят газетасида журналист Шариф Нуриддиннинг бир мақоласи босилди. Унда Маҳмуджонни кўргани борган шоир Одил Икромнинг сўзлари ҳам келтирилган: «Виз Маҳмуд Жўшқинни кўргани бориб, кўнглини бироз бўлса-да, кўтариб, хурсанд қилмоқчи эдик. Аксинча, Маҳмуджон бизнинг кўнглимизни кўтариб, хурсанд қилиб, жўнатиб, юборди».

Ленинобод саҳифаларини ёзувчи
Ўринбой УСМОН тайёрлади.

ЯШАМОҒИМ ШАРТ

АГАР СЕНИ

АЛДАСА ХАЁТ...

Кичкина қалби узоқ давом этган оғир ҳаётни кўтариб, охири курашишга ожизлик қилиб қолган одам қай йўлни танлаб, кимдан мадад сўраши керак? Аянчли тақдирим ҳақида мен сизларга жуда кеч ёзаётгандирман. Эҳтимол, бундан бир неча йил олдинроқ ёзганимда!.. Мен ҳам ҳаётда ўз тенгимни топиб бахтиёр яшаб кетармидим? Ҳаёт мени қаттиқ жазолади. Қайси гуноҳим учун, ҳануз билмайман. Фақат йиғлайман. Инсон бўлиб дунёга келиб, бегубор ёшлиги, бутун орзумиди ер билан яксон бўлган умримга, дарё бўлган кўз ёшларимга қуяман. Фарзанд кўриб муродига етолмай, оғир кунда «онажон» дейишга зор қилиб ташлаб кетган онажонимчи? Балки, онам бўлганида ҳаётим бутунлай бошқача бўлармиди? Лекин, онасиз бир мен эмас-ку? Нега бошқалар ҳаётда ўз ўринларини топиб кетадилар? Яхшиси аччиқ қисматим ҳақида бир бошдан ёзай...

1972 йил баҳорда онам қаттиқ бетоб бўлиб қолдилар. Мен ўшанда 10 яшар эдим. Дарддан тузалмай онам ҳаётдан кўз юмдилар. Онам касалхонада ётганида мен ҳам кўричак билан оғир касалхонада ётганман. Онамни қандай кўмганларини билмайман. Ушанда биз-отам билан 2 ўғил, 4 қиз қолиб кетдик. Акам армияда, онам 15 ёшда, энг кичик синглим 2 ёшда эди. Кейин акамни чақиртириб олдик. Қийин аҳволда қолганимиз учун акамни уйлантирмоқчи бўлишди (Акамни ўйга дейишга тилим бормаиди). Отам онамнинг синглисини акамга олиб бермоқчи бўлди. Онамга қаттиқ куйган бобом ва момомлар бунга рози бўлишмади. Шу-шу отам бизларни бобомлардан ажратиб уйларига юбормай қўйди. Борсаларинг ўлдирман, деб қўрқитди. Ана шундан кейин қийин ҳаётимиз бошланди. Отам жуда баджаҳл, бағри-тош одам эди. Бизларни бўлар-бўлмасга урар, сўкар, нон ўрнига заҳар едириб, сув ўрнига қон ичиради. Уйга ҳатто ун ҳам олиб келмасди. Ҳаммамиз ёш эдик. Эрталаб ухлаб қолсак «болам, тур» деб турғизиб ўрнига юрак бағримизни тилка-пора қиларди. Мени ва 2 ёшли синглимни урган ҳар бир мушти ҳамон юрагимдан кетмайди. Биз ундан шунчалик қўрқардикки, гўё кўзига кўринсак бизни еб қўядигандай. Қанийди ўша пайт еб қўйганда! Сўнг, тақдир экан, отам ҳам бел оғриги билан бир-икки йил тўшакда ётиб қолди. Бутун рўзгор, мол-ҳол ёш бошимизда қолди. Кунларимиз оч-яланғоч, йиғлаб-сиқтаб ўтарди. 8-синфдан кейин отам онамни ўқишга юбормай қўйди. Мактабдан ўқитувчи ёки болалар келса, уларни кетказиб онамни «сен бораман дегансан» деб қаттиқ эзарди. Мен ҳам мактабга кўрқиписа бориб келар, отам бизга умуман дарс қилдирмасди. Газета-журнал ушласам, сени газетасин, деб юрагимни қон қиларди. Кечалари, отам ухлагачигина дарс қилардик. Синфда энг аълочи, фаоли эдим. Негадир бошқа болаларга ачиниб кетардим. Чунки улар ҳаётда тўқис, бахтиёр яшасалар ҳам умуман китоб ўқимасдилар. Нега мени ҳам отам уларникидай эмас, деб ич-ичимдан эзилардим. Отам мени тенгқўрларим борган ерга юбормасди, табиийки улар кийган кийимни киймасдим. Ҳатто қирчиллама қишларни ҳам капрон рўмош, илма-тешик жемпирда ўтказардим. Оқибатда совуқ ҳаётимда ўз таъсирини ўтказмай қолмади.

Синфда бирор нарсага пул йиғиш, олимпиада мусобақалари яқинлашса юрагим зирқирарди. Ўқитувчилардан, дўстларимдан уялардим. 1976 йили акамни уйлантириб, онамни турмушга бердик. 1979 йили мен 10-синфни тугатдим. Бу йиллари мен ҳаётда қийналган бўлсам ҳам, дўстларим олдида гўё бахтиёр одам эдим. Ҳеч кимга тик гапирмас, қалби пок, камтарин бўлишни яхши кўрардим. Шунинг учунки, синфимиздан, таниш-билишлардан болалар хат ёза бошлашди. Мен уларнинг барчасига мулоимлик билан рад жавобини берам, чунки отамдан кўрқардим. Қолаверса ўзим ҳам «у билан севишибди» деган номни олишни асло хоҳламасдим. Ор қилардим. Отам кимга берса ўша билан бахтиёр яшашни кўнглига тук-

кан эдим. Шундай қилиб 80-йили отамнинг жияни ўғлидан совчи юборди. Буни эшитиб амакимлар ҳам совчи қўйишди. Бутун аянчли қисматим мана шундан бошланди. Уртада талаш бўлдим. Отамга иккиси ҳам оғайни эди. Бу пайтда отам бироз ўзгариб, кутилмаганда менга қўйиб берди. Мен иккаласини ҳам ёқтирмасдим. Лекин шулардан бошқача бермаслигини билганим учун иложсиз амакимга рози бўлдим. Бу пайт у армияда эди. Отам йиғит армиядан келгандан сўнг беришини айтди. Бу орада жуда кўп болалар ёлвориб хат ёзишди. Қанча-қанча совчилар келди. Отам уларни «қизим эгали» деб қайтарди. Шу йили мактаб директори мени мактабга ишга чақирди. Буни отамдан сўраш қанчалар оғир бўлмасин, журғат этиб сўрадим. Чунки мактабда ишлашни жуда-жуда хоҳлардим. Отам бир гап билан қалбимни вайрон қилди... «Жесирларга қўшилма» деди. Йиғлай-йиғлай далага ишга чиқдим. Шундан сўнг кутилмаганда пешонамга дард қараб турган экан. Оёғимда қаттиқ оғриқ пайдо бўлди. Оғриқ операция бўлган жойимга тарқалди. Пахтазорда юрагимда оёқларимни зўрга судрардим. «Нега пахтаи оз тердинг» деб бригадир уришар, уйда қолишга... отамдан кўрқардим. Чунки, отам ёшлигимиздан бир жойимиз оғрига ҳам ётқизмасди. Худо урғур,— деб ҳақоратларди. Охири юролмай қолдим. Вошимда ҳам кучли оғриқ пайдо бўлди. Касалхонама-касалхона юзурдим, нагижа бўлмади. Кимнингдир маслаҳати билан сиҳат-саломатлик кўрсатувига ёздим. Турғунлик йиллари эди, хатимни шикоят деб тушуниб, врачлар ҳам юрагимни қон қилди. Йўлланма бериб Тошкентга жўнатишгач, у ерда 50 кун ётдим. Ҳеч қандай диагноз топишолмай уйга жавоб беришди. Ҳамма текширишлар яхши чиқаверар, оғриқ эса кучли эди. «Бошим» деб уззукун чирқирардим. Отам ақалли бирон маротаба «болам, аҳволинг қалай» деб сўрамасди. Лекин шунча дард билан ҳам умуман ётиб қолганим йўқ. Ҳеч кимга билдирмаслик учун юриб турар, томорқадаги барча юмушларни бажарардим. Шундан сўнг 2—3 йил ўтиб мен тенгилар турмушга чиқди, қишлоқда уйланмаган йиғилар кам қолган эди. Отамга амакимлар «биз келин қилмаймиз, кимга берсангиз бераверинг» деб айтишди. Отам аслида жиянига бермоқчи эди. Амакимнинг онаси отамни йиғлаб-ёлвориб кўндирган эди. Энди эса...

Бу йиллар ичида соғлигим ўз-ўзидан анча тикланди. Қўлимдан келмаган иш йўқ эди. Рўзгор тутиш, бичиш-тиқиш, томорқа, дала иши, барчасини эплай олардим. Инсонга муомала, феъл-атворим билан оилада, дўстларим орасида бошқача эдим. Бу билан мағрурланмасдим. Амакимлар касалга чиқарса ҳам элу-халқ тўғри тушуниди. Кейин ҳам қишлоқдан, танишу-билишлардан бир неча совчилар келди. Кўпчилигини отам қайтарди. Ваъзилари эса бир келиб қайта келишмади. Хуллас, пешонамга совчиларнинг ҳеч бири ёзилмади. Мен буларни ёзгилману, лекин, ўша пайтлар мени ўз тақдирим унчалик қизиқтирмас, бутун хаёлим, қайғум укамнинг тақдирида эди. У онам бориди, яъни 5—6 ёшларида эпилепсия, (тутқаноқ) дардига йўлиққан эди. Ҳаётимдаги барча азоб-уқубатларим, оғир кунларим бир бўлса, укамнинг дарди дард устига чипқон эди. Дарди укамни олдинлари фақат кечаси безовта қиларди. Буни ҳеч кимга билдирмасдик, фақат мен руҳан эзилардим. Худо бу кунимизни ҳам кўп кўрди. Укам 9—10-синфларга борганида дарди шунчалик кучайдики, кечами-кундузми тутиб қолаверарди. Ана энди бутун дунё кўзимга қоронғу кўри-на бошлади. Юракларим қон бўлиб йиғлардим. Эй худо, нега мени бунча қийнайсан, гуноҳим нима? Ҳаётдан тилим қисик, ўқиб ўтганимни деб нола қилардим, афсуски ноламини ҳеч ким эшитмасди. Укамни гоҳ лойдан, гоҳ сувдан чиқариб олардим. Бутун хаёлим, кўзим унда юрарди. Ҳатто тўйга борсам ҳам нималар бўлганини кўриб турардим, уйга келиб эслолмасдим. Ич-этим ёнарди. Биров кўрса дарди йўқ, бахтиёр одам деб

ўйларди. Фақатгина телбамисол танам юрганини ўзим билардим. Отам эса баъзан куйиб йиғлар, баъзан ўзини билмай дард тутиб ётган укамни қаттиқ... урарди. Эҳ, бунчалар азобни кўрган кўзларим кўр бўлиб қолганда қанийди!.. Сўнг отам бу дард эскичадан деб, бормаган мулласи қолмади. Егани нонга зор бўлган кунларимиз бор. Муллалар эса... ҳар бири 40 кунлаб ирим-сирим қилар, укам эса нега врачга кўрсатмадинлар, деб айтганини бажармас, бундан газабланган отам эса капкатта укамни яна урар, бўронли қишларда кечаси уни уйга киритмай, қон йиғлатарди. Буларга чидай олмай тоқати-тоқ бўлган укам бир кун озроқ пул билан Тошкентга кетиб қолди. Ўзимизнинг врачлар бунинг давоси йўқ, деган эди. Шундан бери менга яшашнинг бутунлай қизиғи қолмади. Унинг соғайганини бир кўриб ўлсам майли эди. Юрагимни ҳовучлаб яшардим. Тошкентда врачлар укамнинг бошини операция қилиш кераклигини айтишди. Буни эшитган акам жўнаб кетди. Мен ҳам бормоқчи эдим, отам юбормади. Энди менинг бутун танам музлаб, қотиб қолган эди. Йўқ, йўқ, буларни ёзолмайман... Биз учун ўта меҳрибон, беозор акам ҳам бизни деб кўп қийналди. Уша кунларда юраги, ҳолати қандай бўлгани фақат ўзига маълум, биз эса фақат узоқдан иложсиз тиловчигина эдик, холос. Минг марта шукурки, акам укамни 2 ойда соғ-омон олиб қайтди. Бу — 1985 йил эди. Кўзларимга ишонмасдим, қувончдан йиғлардим. Шундан сўнг ана азоб олдимизда экан. Укам жуда ҳам даргазаб, йиғлоқи бўлиб қолган эди. 5—6 кун ўтгач олдинги дарди жуда ҳам бошқача, даҳшатлироқ такрорлана бошлади. Бизга, атрофдагиларга қилган ҳар бир ҳужумининг ўзи даҳшат... Врачлар 6 ойгача шундай бўлишини айтган экан. Бу 6 ойда кўрган кунимизга маймулар йиғласин. Асрларга тенг бўлган ўша мудҳиш кунларим ҳамон кўз олдимдан кетмайди. Бағрим титрайди. Шукурки, кўп ўтмай оиламизнинг бахтига укам соғайиб кетди. Ҳозир у институтда ўқимокда. Қишлоғимиздан мен билан ўқиган бир йиғит менга хат ёзарди. Унинг ёшликдан яхши кўришини билардим. Лекин ёқтирмасдим. Аввал жавобини берган эдим. Унинг акасига тоғамнинг қизини келин қилишди. Шу сабаб у яна хат ёза бошлади. Аввалига кўнмадим. Сўнг холамларнинг насиҳатлари билан ўйлай-ўйлай рози бўлдим. Чунки яқин атрофда, қишлоғимизда мен тенги йиғитлардан фақат шу қолган эди. У менсиз яшай олмаслигини айтиб хат ёзарди. Буни унинг ота-онаси ҳам, бутун қишлоқдагилар ҳам биларди. Кейин у армиядан келгач, мен билан гаплашмоқчи эканини айтиб янгасини юборибди. Бунга мен учун кундузи шароит йўқ эди. Аввал кўрқиб рози бўлмадим. Сўнг ҳаётда ўтириб қолишдан чўчиб рози бўлдим. Мен ўзимга ишонардим. У ҳам самимий гаплашишга ваъда берган, гаплашишга чиқдим. Менинг қалбим қинғир юриш ва бошқа ёмон одатлардан бутунлай ёт эди. У кутилмаганда ота-онаси бир оғайнисининг қизини олиб беришмоқчи бўлаётганини айтиб, мен билан бирга қочмоқчи эканини айтди. Йўқ, йўқ, бу иш мен учун ўлимдан оғир эди. Бундай йўлга юрмаслигимни айтдим. Биз ўйимиз атрофда, орамизда 3 метрлар масофада гаплашиб тургандик, шу пайт не кўз билан кўрайки, устимизга отам келиб қолди. Кўз олдим қоронғилашиб кетди. Шунча ёшга кириб, ҳатто севишишни ҳам ор билган пок қалбим бир тийин бўлди. Нимага чиқдим экан, пушаймонлар қалбимни тилиб юборди. Индамай уйга кириб ётиб қолдим. Шу кеча ухладимми, йўқми, билмайман. Отам мени тушунар, деб ўйлагандим. Чунки ёшим ҳам анчага борганди. Лекин отам уларнинг бошқа ерга совчи қўйиб юрганини эшитган экан. Мен бундан беҳабар эдим. Эрталаб отам олдимга шундай ҳолатда кирдики, кўзимга у гўё жаллоддек кўришиб кетди. Мен энди пичоқ уришини кутиб турардим, ундай қилмади. Шунчалик қаттиқ зарба билан елкамга 3 мушт урдикки, бундан ерлар титраб кетмадимикан!.. Мен фақат «унга яқинлаш-

ганим ҳам йўқ» деган бир оғиз сўз айта олдим холос. Балки ўша номард йигит сўзида турганида, мен ўша кунларимни унутган, отам ҳам қилган ишидан пушаймон бўлармиди?.. Мен уни умуман севмасамда бахтиёр яшаб кетиш қўлимдан келишини билиб, қишлоқда отам-акаминг шаънига «қари қиз» деган доғ туширмаслик учунгина унинг олдига гаплашишга чиққандим. Мен унга жуда ҳам ишонардим. Кейин унинг оғайнисининг қизига уйланганини эшитиб, қаттиқ эзилдим. Чунки бу — амаклардан кейинги иккинчи алданишим эди. Дилим бузук бўлиб ёки севиб туриб алданганимда менга бунчалик алам қилмасди. Элдан уялдим. Лекин дардимни ичимга ютдим. Жавобини ҳаётдан кутдим. Бу — 1986 йил эди. Шундан сўнг бир амаки акам, отамнинг яна бир жиянидан сўраб келди. У бола мендан 2 ёшми кичкинароқ экан. Борди-келдимиз унча бўлмагани учун мен уларни яхши билмасдим. Уйланиб қолдим. Сөзчи бўлиб келган амаким оиламизда мени жуда яхши кўрарди, кўп насиҳат қилди. Мени бегонага чиқиб кетишимга кўзи қиймаслигини айтиб ёворди. Мен уни кўр деб эшитардим, йиғлай-йиғлай ўзларингиз биласизлар, дедим. 3—4 кун ўтгач улар «нон синдириш»га келишди. Мен бу пайтда ит қиёфага кириб қолдим. Танам кўйиб кетди. Йўқ, сингилтаклик қилиб эмас, асло! Бутун кўрган кунимни, азобларимни айтиб, тақдирим ҳам яна шундай гўмонли ерга қўшилаётганидан чидаб туролмадим, пешонамга муштлаб, қон қақшаб йиғладим. Тўпланган оғайниларимиз, йигит ундай эмаслигини айтиб, (улар оиласида 3 фарзанд, опаси ва акаси шундай экан) сўнги бор тақдирингни синаб кўр, дейишди. Улар нон синдириб кетишди. Шундан сўнги аҳволимни ёзишга сўз тополмайман, фақат йиғлардим. Юрагим тузилиб қолганди, барибир яшай олмайман, деб дод солгим келарди. Лекин, фотиҳа қилгананку, бошим қотганди. Уйдан чиқмасдим. Бир ҳафта ўтгач, отам кутилмаганда уларни чақиртириб, «бизни алдасизлар, кўёв кўр экан, қайтилиш қиламиз» деб қолди. Отам яна ваҳший тусга кирган эди, орага тушган барча оғайниларимиз ҳеч бири отамни кўндиролмади. Мен учун қанчалик оғир бўлмасин, отамнинг олдига ўзим чиқишга мажбур бўлдим. «Ота, энди индаманг, пешонамда борини кўраман, яна доғ бўлиб қоламанку» дедим. Отам гўё менга меҳрибон одамдай «улар алдашибди, сени йиғлатиб қандай чиқараман, бу ёғи ҳам бир гап бўлар» деди. Яна оиламизда давом этган бир ойлик зардобли можародан сўнг, қайтилиш қилишди. Энди мен учун яшашнинг кераги ҳам қолмади. Юрагим, бошим нима бўлиб қолгани ўзимгагина аён эди. Узимни ўлдирмадим. Жонимдан кўрққанимдан эмас. Фақатгина биз учун емай-киймай сил бўлиб кетган бегуноҳ акамни, янгамни, укамни ва 2 та синглимни, опамни йиладим. Бу пайтда отам беозор акам билан янгамга шунчалар захрини сочдики, уларнинг йиғлаганини кўриб дунёга келганимдан пушаймон бўлдим. Уйлаб-ўйлаб, ўзимга ўзим далда бердим. Балки кутилмаганда мен орзу қилгандай тенгим чиқиб, бахтим очилиб кетар. Лекин, бошим ҳеч қаерга сирмасди. Далага ишга чиқай десам, ҳамма қизлар синглимдан ҳам кичкина, уяламан. Отам қўймаслигини билсам ҳам (энди кўрқмасдим) овунарман, ҳам кийим-кечак оларман, деб мактабга бир неча бор иш сўраб бордим. Қисматга қасдма-қасд жой йўқ, деб иш беришмади. Чунки отам арзимаган сабаблар билан мактабни ҳам бир неча бор ногинч қилганди. Сўнг шаҳардаги хунар-техника билим юртига бориб ўқиб, хужжат олиб ишлаб туришга аҳд қилдим. Битта ўзим борсам қишлоқда гап бўлишимни ўйлаб ўзимдан 4 ёш кичкина бир қизни ҳамроҳ қилдим. Мен буни отам тушунар ва рози бўлар, деб кутгандим. Узим сўрай олмадим. Янгамга сўратдим. Кетса йўқолсин, дебди. Мен ширин гапи борми, рози бўлибди-да, деб ўйлаб, у қиз билан шаҳарга кетдим. Хужжат тўғрилаб, билим юртига секретарь-машинисткалик курсига топширдик. Кечқурун келсам отам оиламизга яна захар сочди. Менга шунчалик кўпол сўзларни айтдики, «Сен энди кўчада туғиб кетмоқчимсан, ўқишга бузуқлар боради, сени энди хотин ҳайдаган, ёки хотини ўлгандан бошқа ит ҳам олмайди. Сен маразан» деди. Чидаб туролмадим. Шунча йил кўрқиб, қисиниб гапиролмай яшаб келган одам «сиз яхши бўлганингизда мен ҳам яхши бўлардим, сизнинг болангизман» деб юборганимни билмай қолдим. Нега у қизнинг отаси «қизим, кирдингми, ўқийвер», дейдию, менинг отам... Уз отамдан шу гапларни эшитиб яшагандан кўра!.. Тўйиб кетдим, бошимга бир муштлаб ташқарига югуриб чиқдим. Узимга ўт қўймоқчи бўлдим. Акам орқамдан

югурди. Менга йиғлаб ялинди. Мен «акамжон, йўлимни тўсманг, менга бу оламда ёруғ кун йўқ, онажоним олдига кетай» деб фарёд кўтардим. Акам бу билан бизни ҳам барбод қиласан-ку, чида, тенгинг чиқар, бахтинг олдингдадир, деб мени уйдан чиқармади. 8 кун кечаю кундуз ўзлари ётган хонада олиб ётди. Шундан сўнг отам билан бутунлай гаплашмай кетдик. Отам ўзи ётган уйга киргизмай қўйди. Мен гоҳ деразадан чиқиб, гоҳ тоғамларникига кетган баҳонада яна билим юртига қатнай бошладим. Кўпроқ прогул қилиб бўлса ҳам бир амаллаб 6 ойлик курсни тугатиб хужжат олдим. Бу орада 1—2 жойдан илгари уйланган болалардан одам келди. Мен рози бўлмадим. Хужжат олсам ҳам мактабдан иш беришмади. Акам билан қўшни ноҳияга қатнаб мактабда котиба бўлиб ишладим. Менинг ўша аянчли йилларимда янгам ҳомиладор эди, кўзи ёриш пайтида қаттиқ дардга йўлиқди. Чақалоги нобуд бўлди. Мана 2 йилдирки янгам ҳеч ўзига келмаяпти. Бунга ҳам мен сабабчи. Ҳомиладорлик пайтида оилада бўлган даҳшатли можаролар таъсир қилгандир. Бундан бир йил олдин отамнинг амакилари синглимга одам қўйиб келин қилишди. Бу мен учун оғир эди. Иложим фақат кўзимга етди, ўзимни ўзим юлиб йиғладим. Уйдагиларнинг ҳам юрагини эздим. Синглимнинг тўйида қатнашмай кетиб қолдим. Мени фақатгина биринчи ўқитувчимиз айтиб берган қўйидаги шеъригина ҳаётда олиб юрарди.

«Агар сени алдаса ҳаёт,
Сен ноумид бўлма ҳеч қачон.
Ёмон кунлар ўтар бегумон,
Яхши кунлар келади — ишон!»

Мен ҳар бир тонгни умид билан оттирдим. Охири тоқатим-тоқ бўлди. 1988 йилнинг охирилари эди. Уйда синглим билан озгина келишмовчилик баҳона бўлиб кенг жаҳон кўзимга тор кўришиб кетди.

Устимдан керосин қўйиб, гузурт қақдим... Буни улар сезиб қолишди. Акам менга ташланиб, кийимларимни ечиб олди. Буни кўрган отам «индаманглар, эртага одам чақириб, ўзим кўман» деди. Яна акамнинг бағри хун бўлди, менга тасалли берди... Шундан 5—6 кун ўтгач, мени сўраб бобомларникига совчи келибди. (Мен 6—7 йилдирки бобом, тоғамларни излаб, уларникига келиб турардим) Унинг хотини ўлган экан. Олдин айтишмади. Сўнг билсак, хотини ўзига ўзи ўт қўйган экан. Бобомлар бермоқчи бўлишди. Қон қақшаб йиғладим, наҳотки, менинг тақдирим!.. Йўқ, турмушга чиқмайман. Наҳотки, менга элу-халқнинг кийган оқ либоси насиб қилмаган бўлса! Тоғамлар, холамлар анча насиҳат қилишди. Ҳаётни тушунтиришди. «Яхши жой экан, шунча қийналдинг, энди еб-ичиб даврингни сурасан» дейишди. Мен ҳеч қачон инсон яхши жойни кўзи қийиб жонидан кечмаслигини айтиб йиғладим. У касалликдан шундай қилган экан, ёмон бўлганда ҳам энди сенга бошқага бўлади, дейишди. Бу пайтда мен йиғлаб, қақшаб, эзилиб чарчаган эдим. Гўё мажолсиз эдим. Уларнинг келишини узоқ кўзидим. Буларни бобомларга таниш бўлган бир кампир орага тушиб олиб келган эди. Узоқ ўйлаб, ўша йигитни гаплашишга чақиртирдим. У келмади. Совчилар ишидан жавоб бермаганини айтишди. Сўнг эшитсам касалхонада экан. Мен олдиндан ўқитувчи бўлишни ич-ичимдан орзу қилардим. Отамнинг остонасидан ўлмай чиқсам, албатта, бу ниятимга етишини мақсад қилиб қўйгандим. Буларга ниятимни айтиб, менга қанчалик оғир бўлмасин, рози бўлдим. Улар ҳеч кимдан кам қилмай тўй-томоша билан олишини, барча ниятимга етказиб тўқис яшагини ваъда қилиб нон синдириб кетишди. Мени толе учрашиш, у ер, бу ерга сайрга чиқиш бахтидан ҳам бенасиб яратган экан, ҳатто чақиртириб ҳам келтира олмадим. Лоқал, байрамларда кўнгли учун бир оғиз табрик сўзига ҳам тенг бўлмадим. Кейин тўйни белгилашди. Шу орада, ёнимиздаги қўшимизнинг хотини ўзини ёқиб юборди. Бу воқеа менинг бутун қалбимдаги, танамдаги бурқсиб ётган қора туғунни аланга олдириб юборди. Энди тўйни ҳеч кимни чақирмай, жимгина ўтказишга, ўйин-кулгини бIRON дам олиш жойида ва йигитникида ўтказишга келишишди. Иложсиз, рози бўлдим. Барча қизлар ўйин-кулги билан ўйнаб-кулиб чиқса, мен отамнинг уйдан қақшаб чиқдим. Қай сўз билан ёзайки, мени улар ҳам бутунлай алдашган экан. Мен улардан дангиллама тўйни талаб қилмасдим. Кичкинагина концерт қилганда ҳам майли эди. Ахир мен ҳам инсон эдимку. Менинг бағрим кемтик эдику. Мен тенги-тушим кийган «оқ либосдан» бенасибмидим? Улар таққан никоҳ узугига тенг эмасмидим... Қанча йиғлаб-сиқтамайин, ҳатто ЗАГСдан ҳам ўтказишмади. Мени алдаб ёлғондан узук олган бўлди. Менга ҳаётнинг алдагани етмасмиди?! Нега мени ҳамма алдайди. Шароити оғир экан, мен ҳам тушунардим. Фақат алдаганида майли эди. Булар алдаб ишини



Расми Муроджон УНГАРОВ чизган

БОЙСУН БОЛАЛАР УЙИДА

Термизда Бойсун автобусига ўтирдим. Унда кўпчиликки оналар ва болалар ташкил этар эди. Ҳатто бир аёл 5 та боласи билан чиқибди. Мен ҳайрон бўлиб «Нега болаларни шундай узоқ жойларга олиб келдингиз?» деб сўрадим. У менга болаларга нарса олишга келишганини, кейин касалхонага учраганини айтди. Ноҳиядаги касалхона ёмон жиҳозланган. Кейин шифокорларнинг малакаси ҳам етарлича эмас экан.

Мен ўйга чўмаман. Ахир тобора кучайиб бораётган жумҳуриятимиздаги болалар ўлимининг кўплиги шифокорларнинг бугунги кун талабига жавоб бермаслигида эмасмикин? У аёл Шерободда тушиб қолди.

Шу пайт ёнимдаги чол «Мухбирга ўхшайсиз болам?»

Агар ёзсангиз, бизнинг аҳволимизчи ёзинг! Бизнинг Бойсунда сув танқислиги зор, бу аҳвол Шерободу, Шўрчида ҳам бор»,—деди.

Шу тариқа Бойсунга ҳам етиб келдим. Агар аҳвол боёғи отахон айтганича бўлса, болалар қай аҳволда яшашар экан? Бойсун болалар уйининг директори Баҳриддин Равашов билан учрашдим. У киши мени болалар уйининг тарихи билан таништирди.

12-сонли Бойсун болалар уйи 1928 йили ташкил этилган экан. 1934 йилда Бойсундаги болалар уйига С. М. Будённий ташриф буюрган ва болалар уйига унинг номи берилган. Ушбу болалар уйидан олимлар, зиёлилар ва танқили ишчилар етишиб чиққан. Уларнинг кўзга кўринганларидан бири академик, тарих фанлари доктори Ренат Надиришн Қозон университетига кафедра мудирини бўлиб ишлаган.

— Биз бу ерда болаларга ҳамма шароитлар яратиб берганмиз,— дейди директор.— Аслида болалар уйи етим болалар учун мўлжалланган. Лекин ота-онаси ҳаёт бўла туриб, болалар уйида тарбияланадиганларга нима дейсиз?

Бу ердаги 150 боланинг фақат 20 таси етим холос, қолганларининг ё отаси, ё онаси бор. Бир қанчасининг эса ҳам отаси, ҳам онаси бор. Бизда ўн бир миллатга мансуб болалар тарбияланади. Улар аҳил ва бир-бирига меҳрибон.

Болалар уйига Бойсун партия ноҳия кўмитаси, вилоят ва ноҳия комсомоллари моддий ва иқтисодий томондан ёрдам бермоқда.

— Масалан, Сурхондарё вилоят кўмитаси 3000 сўм, шаҳар партия кўмитаси эса 1500 сўм пул билан ёрдам берди. Биз ёрдамчи хўжалик қуришни мўлжалламоқдамиз.

— Болаларга қўлимиздан келганча, бор кучимизни аямасдан бутун меҳримизни бағишламоқдамиз. Болалар уйида вокаль-чолғу ансамбли, футбол, волейбол ва бошқа спорт тўғараклари, тасвирга тушириш ва кино тўғараклари бор. Бу ердаги болалар ёзда пионер лагерларига ва дам олиш уйларига юборилади.

Кейин мени болалар билан суҳбатлашдим. 9 ёшли Орзиков Фарҳодни уйида ойиси ҳар кун урар экан. Онаси отаси билан ажрашган. Охири қўшнларининг раҳми келиб болалар уйига ташлаб кетишган экан.

Мирзақулов Бахтиёр — 4-синфда ўқийди. — Мени онам ташлаб кетган,— дейди у. Бу ердаги ўртоқларим яхши. Тарбиячилар ҳамиша яхши муомалада бўлишади.

Шерматов Игорь: — Мен бу ерга келганимда ҳали эсимни танимасдим. Мени отам ташлаб кетган. 6 йил аввал. Уйга ҳеч қайтиб бормаيمان. Бу ер яхши, ўртоқларим кўп.

Расулов Жума — 2-синф ўқувчиси. Кўчадан ўзи келган, ҳужжатсиз. Ўзи билан уч яшарлик укасини ҳам олиб келган.

Ҳамроева Алёна — 1-синфда ўқийди. Ички ишлар бўлимидан келган. Онаси енгилтабиатли бўлиб, бор пулини ичкиликка сарфлагани учун уни оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишган.

Бу болалар уйида ота-она меҳрига зор болалар яшайди...

3. СОДИҚҲУЖАЕВ.

битказишгандан хурсанддир, лекин менинг чилчил бўлган қалбим-чи? У қайта бут бўлармикан, буларни кечирармикан?! Бунга ҳам чидадим. Энди менинг ҳаётдаги энг сўнги орзуим, умидим ўқиб, ишлаб, пешонамга битгани билан бахтиёр яшаш учун курашиш қолган эди. Булардан ўқишга руҳсат сўрадим. Булар ўқитамиз деб алдашган экан. Қолаверса пулсиз киролмайсан деб рози бўлишмади. Тушунгирдим, пули эмас, фақат розилиги билан сўнги орзуимга етишишга ёрдамлашишини илтимос қилдим. Кунлар ўтиб, рози бўлишди. Бу пайт май ойи тугаб қолган эди. Энди кеч бўлди, деб иш ахтара бошладим. 4—5 жойга иш сўраб бордим, жой йўқ, дейишди. Бунга уйдагилар «таниш-билишсиз бизда иш бермайди» дейишди. Мен бу ерда бир ғарибман, таниш-билишни қаердан оламан? Иш сўраб борган жойларимда аввал кимга тушганимни сўрашди, бир оз туриб жой йўқ, дейишди. Эзилиб кетдим, борганимга пушаймон бўлдим. Булардан ҳамма ҳазар қилишар экан. Сўнг бу йил сиртқи бўлимларга июнь ойидан қабул қилаётганини эшитиб қолиб, яна уйдагиларга ялина бошладим. Узоқ чўзиб, рози бўлишди, ҳужжатларимни тўғрилаб улгурганимча июнь ҳам тугади. Фақат сўнги омадимни синамоқчи эдим. Кирилмаслигим ҳам мумкин эди. Чунки узоқ руҳан эзилиш, аччиқ қисмат бор билимимизгина эмас, танимни ҳам кемириб адо қилди. Фақат аччиқ ҳаётимни иншо темаси қилиб олмақчи эдим. Токи, менинг ҳаётим, қисматим ҳеч кимнинг бошига тушмасин, ҳаёт бўсағасида турган сингилларимга сабоқ бўлсин. Бордию омад кулиб кириб қолганимда қизиқишим, интилишим туфайли ўзимни қўлга олиб, қийналиб бўлса ҳам бир ойни ўтказиб, сўнг ишга жойлашиб, ҳам ишлаб, ҳам чиройли рўзгор тутиб, ўтганларимни унутарман, ҳаётга қайта умид борларман, деб ўйлагандим. Афсуски, бунга ҳам етолмадим. Бошланғич синф ўқитувчиси бўлишдек ниятимга етишиш учун менга энг охирги қулай шароит ҳам фақат бу йил эди. Чунки мен орзу қилган меҳрибон, мени тушуна оладиган, оилага, бола-чақага қарашадиган, тажрибали, энг муҳими онам ўрнида онам бўла оладиган қайнона пешонамга ёзилмаган экан. Менга фақатгина урушжанжалдан, ғарзликлардан йироқ бўлган оила керак эди. Мен асло, бадавлат оила бўлсин дейётганим йўқ! Лекин мен ҳам инсонманку! Балки, бу оиладаги ҳозир жуда кам учрайдиган, инсоннинг қадр-қимматини тушунмаслик, етишмовчилик, энг асосийси оиланинг мезони бўлиш онанинг ўта мижгов, тажрибасиз, оилада ҳукмрон бўлишдек салбий характерлари бир бечорани ҳаётдан бездириб, кенг жаҳонни кўзига тор кўрсатгандир, у ёғи менга қоронғи. Мен учун энг ачинарлиси, олдинги даҳшатли фожиадан бу оилада ҳеч ким таъсирланмагани бўлди. Мана келин бўлиб тушиб келганимга ҳам 4 ой кетяпти. Мени ҳеч ким уриб-сўкиб ишдан қийнаётгани йўқ. Лекин шу пайтгача бир халга унинг тенги бўлмадим. Уйим бўлак, рўзгорда олдиндан ҳавас қилиб, эндиликда ўз жонимга ўт бўлиб ёпишаётган кўрпа-тўшакдан бошқа ҳеч вақом йўқ. Кичкина, одам чидаб бўлмайдиган жазирама иссиқ хонада яшайман, на соя-салқин, на сунъий елтигичим бор. Турмуш ўртоғим гаражда механик. Маоши 110—120, лекин ҳозиргача бирор марта ойдик олгани йўқ. Колхоздан қарзи кўп экан. Фақат ишляпти. Солиғи ёмон. Далага чиқай десам касалмандман. Олдин мендан меҳрибон, ширинсўз одам йўқ эди. Энди ўта тунд, баджаҳл бўлиб қолдим. Мени ҳаёт шу аҳволга солди. Кеча опамдан 20 сўм пул қарз олиб қўшнимга ун олиб келтирдим. Утиним йўқ. Ёз ҳам ўтди. Қишга на печка, на ўтин, на кийим-кечагим йўқ. Отаси бўлса бетоб, касалхонада.

Мен яшашдан чарчадим... Худо мени нега инсон қилиб яратган? Мен ёруғ оламда нима кун кўрдим, қайси кунимга рози бўлай?! Ахир, мен ҳам яшашни истайман, лекин... Менинг бутун орзуим, умидим, ҳавасим, қалбим, борлигим ер билан яксон бўлди. Мен мағлубман, курашишга мадорим йўқ! Мана бу хатни узук-юлуқ ёздим, дардим қоғозга сиғмайди. Агар ёзувчи бўлиб ҳаётимдан роман яратсам, қалби бўлса тошлар йиғламасмикан?! Бу хатни ёзиб ҳеч кимдан қасд олмақчи эмасман, ёхуд бировни жазоламоқчи ҳам эмасман! Бордию кўз олдим қоронғилашиб, ҳаёт кўзимга бир зумда қоронғи кўриниб кетса, бутун ҳаётим ҳаммага гумон, шубҳа бўлиб қолмаслиги учун ёзаяман. Балки, мени мен эгтибор ҳам бермаган, мен учун жонини беришга тайёр бўлган ишқий мактубларнинг уволи урандир. Балки мени отамнинг зарбали муштлари бахтсиз қилгандир?! Умримга,

орзу-ҳавасимга, хунаримга, хизматимга куюман. Мен ҳаётда ўз ўрнимни тополмадим. Ҳаммаси кул бўлди! Мен шу пайтгача ҳеч кимга, ҳатто умр ўйлдошимга ҳам сир бўлган, қалбимни тўғ бўлиб турнаётган дардларимни сўнги бор сизларга ёзаяман. Қалбимга чироқ ёқса ёримайди.

Агар қийинлашса яшаш тобора,
Бош олиб кетишдан ўзга йўқ чора!
Қўлларим қалтираб, хатим тушунарсиз бўлгандир, узр.

Сизларга чуқур ҳурмат билан

Анора.

Қашқадарё вилояти.

РЕДАКЦИЯДАН: Мана, сиз редакциямизга келган юзлаб нолакор мактубларнинг яна бири билан танишдингиз. Илтимосига кўра биз Аноранинг аниқ адресини журналда эълон қилмадик.

Редакция бугунги кунда Анорага ўз икони даражасида ёрдам беришни режалаштирган.

Шубҳасиз, мактубини ўқиган минглаб журналхонлар Анорага моддий, маънавий ёрдам беришга ошқадилар. Афсуски, турмуш қурган Аноранинг илтимосига кўра биз унинг адресини бера олмаимиз.

«Еш куч» журналининг шу йилги 1-сонидан — хабарингиз бор — «Нажот истаган кўнгил» мақоласи эълон қилинган эди.

Абдумўмин Эшқобилов ҳарбий хизматдан жўнатган ушбу мактубга ҳам журналхонлардан минглаб мактублар келган эди. Шу хат баҳонасида биз Абдумўминнинг қишлоғига бориб, унинг яқин қариндошлари билан суҳбатлашган эдик. Хусусан, унинг амакилари даврасида бўлиб, аскар яшаган муҳитдаги фожиа билан танишганимизда бир ҳодисадан гоёта мутаассир бўлган эдик.

Абдумўминнинг амакилари билан давра куриб ўтирганимизда унинг 60 ёшдан ошган намозхон амакисига савол бердик. «Амаки, мана Абдумўмин аскарликда бизга йиғлағудай бўлиб хат ёзди. Бояқш қишлоқда қолган оиласи қандай кун кечираётганлигини ўйлаб ташвишда экан. Отамнинг 25 сўм пенсияси билан уч жон қандай кун кечираётган экан, деб сўрабди. Қолбуки, улар шу 25 сўм пенсиясини ҳам олиша олмабди. Сиз 4—5 амакилар жигарларингизга қандай ёрдам бердиларингиз», деб сўрадик.

Кекса амаки томоқ қириб сўз бошлади: «Биз уларнинг бир йилдан буён пенсия олмаганини кеча эшитдик. Энди... ёрдам берардик, масалан мен ўзим шу кўчадан ўтганда бир неча бор кириб, тоқларингизга ҳашак ташлаб қўй, бўлма-са совуқ уриб кетади... деганман...»

Ушанда бизни амакининг етим жигарларига «ёрдами» ҳаминқадарлиги эмас (қишлоқларимизнинг аҳволи ҳаммамизга маълум, эҳтимол улар ўзларидан орттириб ёрдам беролмагандир), бошқа нарса ўйлангандир.

Суҳбат тугагач, тапқарига чиққанимизда, амаки бизни тўхташиб савол қотди.

«Ука, «Еш куч» да ишлар экансиз, шу ўтган йили қамоқда ётган бир боланинг хатини чиқарган эдиларингиз. Шу бола қамоқдан чиқсин, деб хат ёзгандик. Шу хатимиз нима бўлди — кечаю-кундуз шуни ўйлайман...»

Мен на дейман, кўбизим на дейди?.. «Эй амаки, сиз етти ёт беғонага қайгургандан кўра, ўз сағир жигарларингизга ёрдам берсангиз эскичасига ҳам, янгичасига ҳам тўғри бўлмасиди» дейдиган одам йўқ.

Бу воқеани эслашдан мурод, Аноранинг аянчли тақдирини ўқиб, унга ёрдамга шошилганлар, бир муддат тўхтаган! Ен-верингизга қаранг. Атрофингизда эҳтимол «Еш куч»га хат ёзмаган минглаб аноралар, абдумўминлар бордир. Уларнинг кўнглини олайлик, бир-биримизга шафқатлироқ бўлайлик. Аноранинг мактубини биз шу мақсадда ҳам эълон қилдик.

Бу ўрнида биз жамоатчиликка, раҳм-шафқатли инсонларга, ўзгалар учун ёрдам беришга доим шай турган олажаноб қалб эгаларига мурожаат қиламиз. Атрофингизда лоқал бир киши бахтсиз яшаётган экан, биз ўзимизни бахтли ҳисобли олаймиз. Аноранинг ташвишлари энди барчамизнинг ташвишимиз бўлиши керак. Бахтсаодат ахтарган бу муштипар аёлга қўлимиздан келган барча ёрдамни беришимиз керак. Энди ҳурматли муштарийлар сўз — сизга! Анорага хат йўлламоқчи бўлганлар уни редакцияга йўллашлари мумкин. Биз хатларни ўз эгасига етказамиз ва Аноранинг кейинги тақдир ҳақида янги йилнинг дастлабки сонларида ҳикоя қиламиз.

Худойназарнинг АРАЗИ

(ҳикоя)

— Худойназар, сувга кара!
Худойназар қўлидаги шўрвадан бўшаган товоқни ёнидаги шеригига бериб, офтобани олиб, елкасига сочиқни осди.

— Худойназар, чой!..

Худойназар офтобани ерга қўйиб, офтоба устига сочиқни ташлади-да, самовар томон чоғиди.

— Худойназар, шўрва обке!

— Худойназар, туз...

Тўйда уч кўр одам шўрва тановул қилишарди, келиб-кетувчилар билан кўрдаги одамлар яна кўпайиб борарди, хизматдагилар ҳам келиб-кетувчиларга қараб... Ҳавода эса фақат Худойназарнинг номи учди.

— Худойназар, самоварга кара!

Шўрвадан бўшаган товоқни олиб қайтаётган Худойназар самовар томон кетди. Самоварга тезак қалаб турган пайти кимдир келиб елкасига туртди. Мундай ёнига бурилиб Жума гаранни кўрди. Жума гаран қўли билан нима балолар деб ҳаракат қилар, чалакамчатти овоз чиқарар, аммо унинг ҳаракатиданам, овозиданам ҳеч балони тушуниб бўлмасди. Жума гаран «гапириб» тушунтиролмагач, қўли билан ҳовуз тарафни кўрсатди. Худойназар Жума гараннинг қўли бўйлаб қарадию, талашаётган эшакларга кўзи тушди ва самоварни ташлаб, талашаётган эшаклар тараф югурди. Ярим йўлга етганда, атрофни тутган кулгини эшитиб ўша тараф қаради. Қарадию, уни кўрсатиб кулишайтган тенгдошларини кўрди: бирининг оғзи қийшайган, бошқасининг лаби-даҳанида қочирик, учинчиси ошкора...

Томошаталаб тенгдошларининг ҳаракати унинг эсига акасининг гапини туширди: «Сен тўй-маъракаларда, қишлоқнинг, одамларнинг ҳожатини чиқараяпман деб ўйлайсану, лекин одамлар унақа деб ўйламайди-да, ҳатто ошналаринг сени ишга буюради, орқандан битта шариги кам деб устингдан кулади».

Худойназар томошаталаб даврага яхшилаб қаради, бир ошириб сўқмоқчиам бўлди, сўқмади, ўз йўлига кетаверди, фақат югуриб эмас, юриб...

Эшакларни бир-бирдан ажратиб қўйгач, тўқми оғиб қолган эшакнинг тўқимини тўғрилай туриб, алами келди, алам билан сакраб эшакни тепди. Аччиқ билан берилган зарба кучли эди, эшак кўтара олмади, қозигини суғуриб қочди. Худойназар... тоқрон ерга ўмгаги билан йиқилди. Турмади. Ўтаверди. Турса яна тенгдошлари кўрадигандай, кўриб яна устидан куладигандай... Кимдир елкасига туртгандай бўлди. Қарамади, ётаверди. Туртки сал кучайди. Туртган кишини уришиб бермоқчи бўлиб қаради ва кўзини пир-пир учириб турган Жума гаранни кўрди-ю, шаштидан қайтди. Сўқмади. Жойидан шарт туриб, эшак қочиб кетган тарафга йўл тутди. Одамлар кўзидан панага ўтгач, Тургон буванинг томорқасини оралаб, уйи тараф кетди. Ҳовлига киргач, яримта нонни қўлтиққа уриб, ярим чўмич сув кўтариб, омборга ўтди. Оёқ тагида ётган шолчани нари суриб, зах ерга кўксини бериб ётаверди.

Худойназарнинг аразиям ўзига ўхшаш содда эди, бордию омбортомга яширинсам, кўздан йироқ бўламан, ҳеч ким билмайди деб ўйлаганди. Йўқ, уни одамлар топишди. Топиш камлик қилгандай, эшикни очишни илтимос қилишди, ҳатто кечирим сўраганларам бўлди. Худойназар воситачиларнинг узриниям, илтимосиниям инобатга олмади. Улар гапирмади, мен эшитмадим деб ётаверди. Ўтиб-ётиб кўзи илинганақан, энасининг овозидан уйғониб кетди. Эшикни очмоқчи эмасди, энасининг «жон» лаб чақиритиш этмиш икки томирини юмшатиб юборди. Туриб эшик занжирини туширганини ўзиям билмай қолди.

— Нима бўлди, Назаржон?— Ҳалима хола ўғлининг устини қоқди, қўйлагини тўғрилади. Худойназар энаси чақирганида эригандай бўлди, аммо гапига жавоб қилмади.

— Айта қол, қоқиндиқ, нима бўлди?— Ҳалима хола ўғлини ачомлади, пешонасидан ўпди. Аммо бу ҳаракатам таъсир қилмади. Худойназар томошаталаб тенгдошларидан, одамлардан, тўйдан қаттиқ аразлаган эди. Яна озгина энасиданам... Чунки энаси доимо тўй-маъракаларда ҳадеб ўтиравермасликни, одамларнинг хизматини қилиб, ҳожатини чиқаришини панду насихат қиларди. Панд-насихатга амал қилганимдан тенгдошларим устимдан кулди деб энасиданам озгина хафа бўлганди. Энасининг суйиб эркалаши аразини пича

ёзди, аммо батамом тарқатмади, ўша учун чапга қараб тўғриллади:

— Ҳамиша маъракада одамларнинг ҳожатини чиқар дейсиз, мен шундай қилсам, буёқда одамлар устимдан кулади.

— Ҳа-я...— Ҳалима хола кулди.— Гап буёқда дегин. Одамлар сенинг устингданамас, ўзларининг устидан кулади...

— Маманазарингиз-чи,— деди у турқини бузмай, унингизам сен елиб-югурасан, ошналаринг бўлса устингдан кулади, насоғи менга тегади дейди.

— Ҳа, у эътиборсиз гапирган-да.

Худойназар норози қўл силтади.

— Э-э, ўргилдим, ҳаммасидан.

— Унақа дема болам...

— Бўлмаса нима дей,— Худойназар энасига қаради.— Айтинг, нима дей, энди тўйиниям, бошқасиниям елкаминг чуқури кўрсин, ҳаммасига тупуриб, эртагаёқ шаҳарга кетаман!

— Вой, ўлмасам,— Ҳалима холанинг кўзи тепасига битиб қолди.— Ўйлаб гапирясанми, сен шаҳарга кетиб қолсанг менинг куним қандай ўтади?

Худойназар шаҳарга кетмоқчи, ишга кирмоқчи эмасди, шаҳарга борса ишга кириш уёқда турсир, бирор кун яшай олмаслигини ўзиям биларди. Ҳатто шаҳарга юмуш билан тушган кунлариям, икки соатдан ортигига чидамай етмас, тезроқ иши битса, тезроқ йўлга чиқса, тезроқ қишлоққа етиб келса... Қизиқ устида гапириб юборди, гапига энасининг чиндан ишонганини кўриб... давом этди:

— Шаҳарга кетиб ишга кираман, мазаза қилиб юраман.

Ҳалима опа баттар шошди, гўё Худойназар ҳозир шаҳарга кетиб, бағри бўшаб қолгандай... кўзига гилт этиб ёш қуйилди. Худойназар кулиб юбормаслик учун чапга қаради ва энасининг қўлтигига кирди. Улар олдинма-кетин ҳовлига тушиб, Маманазарга дуч келишди.

Маманазар бир товоқ шўрва кўтариб, шўрванинг устидаги кўпган нон орасига гўшт солиб, келарди.

— Нима бўлди?— Маманазар укасига қараб қош учирди ва уйга қараб кета бошлади.— Юринглар сизларга шўрва обкеяпман, совимасин.

Маманазарнинг орқасидан уйга аввал Ҳалима хола, кейин қўлини ювиб, сочиққа арта-арта Худойназар кирди. Худойназар ўтириб-ўтирмай акаси унга қаради.

— Бирови эшак тепди деса, бошқаси эшакни Худойназар тепди дейди, тўйхонада дув-дув гап, нима бўлди ўзи?

Худойназар шўрвага яқинроқ борди, Маманазарга эътибор қилмай, Ҳалима холага қаради.

— Эна, сизам яқинроқ келинг, икковимизгаям етади.

Ҳалима хола ўғлига қўшилиб шўрвага нон тўғрай бошлади.

— Нима бўлди, айта қол!— Маманазар укасини туртди, туртки Худойназарнинг жаҳлини чиқарди.

— Манови зормандани ичиргани кўясизми-йўқми?

— Ич, ким ичма деяпти?— деди Маманазар.— Тўй боши шу шўрвани сени деб бериб юборди. Сенам гап сўрагандан кейин, оғзингга талқон солиб олмай, мундай жавоб қил-да.

Ака-укани муросага келтириш учун Ҳалима хола орага тушди:

— Энди, болаларим, силарнинг ака-укаларинг йўқ, қизларни қўшманглар, улар бировнинг хасми, силар бир-бирингга суянмасанг, қўллаб-қувватламасанг тўғри келган одам силарни тепиб ўтади, устиларингдан кулади...

— Омбортомга қочиб кирганинг озлик қилгандай, ҳали энамгаям шикоят қилдингми?

— Қўрқманг, эртадан бошлаб ҳеч ким шикоятма қилмайди.

— Бу нима деганинг?

Укасини тушунмаган Маманазар эна-болага бир-бир қараб олди.

Худойназарнинг гапини акасига Ҳалима хола тушунтирди:

— Тўйда одамлар укангнинг устидан кулибди, шунга аразлаб эртадан бошлаб Назаржон шаҳарга кетмоқчи бўлиб турипти.

— Қанақа, шаҳар?!

— Э-э, болам одам темирмас,— деди Ҳалима хола Маманазарнинг гапини бўлиб, бирига чидай-



Қиличбек Мустафоев — ҳаваскор ижодкор.

Ўзингизда катта таассурот қолдирган 5 та сара сарни санасангиз.

1. А. Қодирӣ, «Ўтган кунлар».

2. А. Қаҳҳор, Ш. Холмирзаев ҳикоялари.

3. Ч. Айтматов қиссалари.

4. Ҳозирги ўзбек наслрининг навқирон авлоди — М. М. Дўст, Т. Мурод, Э. Аъзамов, Х. Султонов ижоди.

5. Ф. Достоевский асарлари.

ди, иккинчисига чидайди, учинчисига албатта дарз кетади.

— Қанақа дарз, нималар деяпсиз ўзи?!— Маманазар овозини кўтарди,— ўғлингизни шаҳарга кетишига ким рози бўлади, у кетса қишлоқ сағир бўлиб қоладику. Менам Худойназар тўғрисида нотўғри ўйлаб юрганаканман, ўғлингизнинг кимлиги мана бугун билинди. Бир ўзи ўн одамга тотишим майли, «Худойназар-Худойназар!» лаб одамларнинг чақир-чақирини билан тўй тўйдек бўлиб турган экан ўғлингиз кетдию тўйдан барака-хайр кўтарилди. Мана бир-икки соатлар тўйда Худойназарнинг гурунги бўлди, бир-иккита оғзи полвон йигитларни тўйбоши обориб-обкелди. Буёғини сўрасангиз Худойназардай укам борлигидан бугун бошим осмонга етди. Ҳамма сизни алқаяпти...

Маманазар гап бошлаганда, Худойназар шўрвадаги нондан оғзига солганди, аммо уни чайнаб юта олмади. Оғзидаги-оғзида, бўғзидаги-бўғзида, бақрайиб қолди. Арази аллақачон тарқанган бўлса-да Маманазарнинг гаплари юрагидаги озгина ғуборини батамом ювиб юборди. Кўзидан икки томчи ёш думалаб тушди.

...Бойзоқ шўро бошлиқ кайвонилар ўғлингиздан кечирим сўраб келмоқчи. Войзоқ шўронинг таъбирича қишлоқда имони бутун мусулмон йигит битта — Худойназармиш. Ҳатто эртага ўғлингизни уйлаганингизда, совчиларга ўзи бош бўлмоқчи...

Маманазар оғзини тўлдириб гапирар, фақат унинг гаплари Худойназарга етиб келмасди. Унинг иштаҳаси бўғилиб, кулори чиппа битиб қолди. Қўлини мойликка артиб, товоқни нари итарди. Худойназар қишлоққа, одамларга кераклигини... ўзи ҳам қишлоқсиз, одамларсиз ҳаётида маъно йўқолишини шу лаҳзада англаб, одамлардан ўринсиз хафа бўлганлиги учун ўзини-ўзи койиди. Шаҳарга кетмоққа аҳд қилганини эслаб, уялиб кетди.

Уйдагиларнинг ҳой-ҳойлашига қарамай, Худойназар жойидан турди. Уйдан чиқдию, тўғри тўйхона томон кетди. Қишлоқ ўртасида Войзоқ шўро бошлиқ кайвониларга дуч келди. Даврага қўшилди.

У ҳамма нарсани кўриб, эшитиб турар, аммо нима бўлаётганига тушунмас, тушунмиш учун эса идроки етмасди.

Бир муддат ўтиб яна ҳаммаси эски изига тушди. Худойназарнинг аразлаганини, воситачиликка Войзоқ шўро бошлиқ кайвонилар борганини, Худойназарга юмушни камроқ буюриш кераклигини... унуттишди. Ҳавода Худойназарнинг номи уца бошлади:

— Худойназар, товоққа кара!

— Худойназар, чой!..

— Худойназар!..

ОСМОНИНГДАН



«Олим ёки толиби илм, олимларни тингловчи ёки илми суювчи бўлинг. Илмнинг душмани бўлишдан сақланг, акс ҳолда ҳалок бўласиз», дегандилар пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳи алайҳи васаллам. Худди шунингдек инсон ҳар қанча шаккок бўлмасин, вужудида яратганга иймон келтириш ҳисси борлигини доимо сезади. Бу туйғуни йўқота олиш инсоннинг қўлидан келмайди. Пайғамбаримиз самога боқиб, «Шундай анвар юлдузларни яратиб қўйган Аллоҳга нега одамлар иймон келтирмайдилар-а»,— дея йиғлаган. Юлдузларни одамлар йўқотолмаганларидек, қалбларидаги Аллоҳга бўлган иймонни ҳам йўқота олмайдилар. Фақат бугунги куннинг фожияси, биз ўз кўнглимиздаги иймонга эътиборсиз бўлиб қолганимизда. «Шарқ юлдузи» ойномасида эълон қилинаётган Қуръони каримнинг ўзбекчалаштирувчиси Алоуддин Мансур билан Исломи дини, умуман диний адабиётлар таржимаси борасидаги суҳбатимиз ана шундай бошланди. Ушбу суҳбатимиз айни чоғда «Қуръон тар-

жимони ким? У киши ҳақида ҳикоя қилинганлар» деб илтимос қилувчиларга ҳам жавоб бўлади деган умиддамиз.

— Алоуддин ака, мана «Шарқ юлдузи» журналида Қуръони карим илк марта ҳозирги ўзбек тилида сизнинг таржимангизда эълон қилина бошлади. Суҳбатимиз аввалида журналхонларимизга шу муқаддас китоб ва унинг таржимаси ҳақида маълумот берсангиз.

— Бисмиллаҳир роҳманир роҳим. Аввало Қуръонни фақат бир адабий асар деб қараш тўғри эмас. Бу илоҳий Китоб Тангрининг борлигига иймон келтирган кишига биринчидан Яратгanning қандай зот эканини танитади, сўнгра инсонга инсоннинг ким эканини, бу дунёга нима учун келганини, зиммасида қандай вазифалар борлигини ва яратган билан қандай алоқа боғлаши кераклиги, ўзи каби яралганлар, яъни атрофидаги олам билан қандай муомала қилиши лозимлигини... қисқача айтганда, қандай қилиб инсон ўзининг нисбатан қисқа умрини ҳақиқий инсондай яшаши зарурлигини ўргатади. Шунинг учун ҳам мана 1400 йилдирки, дунёда бу Китобни ўқимаган миллат, у таржима қилинмаган тил йўқ ҳисоби. Бизнинг аждодларимиз ҳам уни яхши билишган, ўқиб амал қилишган. Лекин афсуски неча ўн йиллардан буён халқимиз бу илоҳий асардан бебаҳра яшади. Унинг на ўзини, на таржима тафсилларини ўқиш имкониятига эга бўлди. Хайрият, бугунга келиб шоир айтмоқчи:

*Шукрим, ўтди ҳаҳолат даври,
уйғонди жаҳон,
Эл эшитгай нени билсанг айт,
ҳақиқатдан гапир.*

Мана энди бу азиз Китоб билан ўз она тилимизда учрашиш имкони туғилди. Шу боисдан мен Қуръонни ўзбек тилига таржима қилиш тўғрисидаги таклифни бажонидил қабул қилиб, баҳоли қудрат бу муборак

ишга киришдим. Шу ўринда фурсатдан фойдаланиб кўнглимдаги бир гапни айтмоқчиман: Қуръон ким томонидан қайси тилга таржима қилинмасин унинг аслият даражасида бўлмаслиги аниқ. Чунки ундаги ҳар бир оят, ҳар бир калима, балки ҳар бир ҳарф шу қадар толиб айтилиб ўз ўрнига қўйилганки, бундай айтишга ёлғиз Яратгanning ўзи қодир.

Бу даъвойимизга Қуръон нозил бўлган даврда юз берган бир воқеа далил бўлса керак: Муҳаммад алайҳиссалом замонларида араб оламида адабиёт низоҳат даражада ривожланган бўлиб, адиблар орасида тез-тез мусобақалар ўтказилиб турилар ва ғолибларнинг асарларини Каъба деворларига илиб қўйишар эди. Кунлардан бир кунни саҳоба (яъни, пайғамбаримиз билан ҳамсуҳбат бўлган мусулмонлардан бири Қуръондаги энг ихчам — «Кавсар» сураси ёзилган варақни ғолиб асарлар ёнига илиб қўяди. Шунда уни ўқиган шоирлар бир овоздан «Бу башар сўзи эмас», деб гувоҳлик берадилар. Шунинг учун уламолар Қуръонни аслидек қилиб таржима қилиш имконсиз ишдир, фақат унинг мазмунинигина алоқадриҳол таржима қилиш мумкин деб ҳисоблайдилар. Мен ҳам мазкур таржимани Қуръон сари бир қадам деб баҳоланишини лозим деб билман.

— Қуръон яралгандан буён не-не даврлар ўтмади, лекин Китоб ўзлигини сақлади. Шу маънода «Биз Қуръонни туширдик ва уни сақлагаймиз» деган оят хусусида тўхталсангиз?

— Дарҳақиқат, Қуръонда «Бу эслатмани (яъни, Қуръонни) биз ўзимиз туширганмиз ва уни ўзимиз сақлагувчимиздир» мазмунини оят мавжуд. Асрлар оша мазкур оят Қуръоннинг илоҳий Китоб эканини қайта-қайта исботлаб келмоқда. Утмишни қўйиб турайлик, бизнинг асримизда бу азиз Китобга қарши

қанчадан-қанча хуружлар бўлмади? Уни ўтга ёқдилар, сувга оқиздилар, тупроққа кўмдилар. Вугина эмас. Яъни Қуръонни ёд олган ёки ҳаётини шу илоҳий китоб асосида ўтказмоқчи истаган ҳисобсиз кишиларни йўқотиб юборишди. Кейин-чи? Кейин эса бошқа миллионлар қўлларида, тилларида ва дилларида бир ҳарфи ҳам заҳаланмаган ҳолда шу азиз Китоб билан пайдо бўлдилар. Исломи таълимотига кўра Қуръон илоҳий китобларнинг сўнггисидир. Винобарин уни то қиёматгача йўқотмай, бузмай сақлашни Тангри ўз зиммасига олган. Шу боисдан бошқа илоҳий китобларга ўзгаришлар кириб, бузилгани ҳолда (масалан, Инжилнинг 70 дан ортиқ таржималари бор, лекин асл нухаси ҳеч қаерда мавжуд эмас) Қуръон пайғамбар алайҳиссаломга қандай нозил қилинган бўлса шундай сақланмоқда. Бу тўғрида япон олимлари жуда қизиқ тажриба ўтказдилар: XX аср мўъжизаси бўлган компьютер воситасида Қуръондаги ҳарфлар, калималар, оятлар ва суралар ўртасидаги юксак мутаносибликни ва теран изчилликни ҳамда унда қамраб олинган мавзулар ва амрифармонларнинг ўлмас-ўчмас эканини кўриб улар бу китобни бир киши эмас, бутун бир академия ҳам ёзиши амримаҳол деган хулосага келганлар ва бу тажриба ҳақида битилган рисолаларда адолатли бир фаразни ўртага ташлаганлар: «Бизнинг асримизнинг одамлари шу қадар тошбағир бўлиб кетганларки, ҳатто темир машина текшириб, исботлаб, иймон келтириб турган китобни ҳам инкор қиладилар».

— Домла, Исломи дини ҳақида суҳбатлашганда мавзу бари бир, иймон-эътиқодга келиб тақалади.

— Эътиқод нафақат кўнгил ободлиги, балки ҳар икки дунёнинг ободлигидир. Зотан илму фан равнақининг ўзи инсонни бахтли қилолмайди. Билъакс, эътиқоддан айру тушган

ИСЛОМ МАЪРИФАТИ: ЭЪТИРОЗ

619. Ҳозирги пайтда динга кенг йўл очиб берилмоқда. Диннинг биз ўқувчилар учун қандай фойдаси бор? 1—9-синфларда олган дин ҳақидаги тасавури билан ҳозирги 11-синфда матбуот ва телеэкран орқали ўқиб, эшитилаётган гаплар бир-бирига тамоман зид. Мактабни битирувчи тенгқурларим қандай ўйлашаётган экан бу ҳақда?

Х. ҲАНИТОВА,
Сурхондарё.

1183. Мен «Еш куч»нинг февраль ойи сонидаги «Қуръон ваҳийдан бошланган» мақоласини ўқиб тўғриси, аччиғим келди. Бунақанги мақолалар динни тарғиб этиш деб ҳисоблайман. Еки бунинг сабаби редакция ходимларининг динга эътиқоди баландлигидадир.

Шунга ўқшаш мақолани ўқиб қайта қуришни яна қайта кургинг келади. «Қуръон Оллоҳнинг мўъжиза каломи бўлиб, Муҳаммад пайғамбарга ваҳий орқали тушган китоб» қабилдаги эртакни эси кириб келаётган ёш болага айтишни ҳам раво кўрмайман. Бунинг ўрнига атеистик руҳдаги мақолаларни бериб кишиларга дунёни тўғри тушунишга ёрдам берсаларингиз фойдадан холи бўлмас.

Аччиқ таъналарим билан динни бутунлай таъқиқласин демайман, фақат миллионлар ўқийдиган кенг матбуотда динни тарғибот этилишига бутунлай қаршиман. «Қуръон ваҳийдан бошланган» мақоласи сўнгидан ажойиб атеистик мақола берсаларингиз яхши бўлар эди деб, Жомбой ноҳия ички ишлар хизматчиси милиция сержанти

Бахтиёр БАРАТОВ, Самарқанд.

748. Ҳозир шаҳар ва қишлоқларда мачитлар очилмоқда. Мен бунга қаршиман. Қишлоғимизда бир гаражни мачит қилиб беришди. Баъзида мактаб ўқувчилари тўн кийиб, бошига салла ўраб мачитдан чиқаётганини кўраман. Ахир нима фойдаси бор бунинг? Мачит қуришга кетган пулларга қанча-қанча мактаблар, боқчалар курса бўлади-ку. Болалар дарсини ўқисинми ёки мачитга чиқиб намоз ўқисинми?

Рустам КЕНЖАБОВЕВ, Наманган.

809. Афсуски, кўплаб ёшларимиз арабча ва форсча ёзувларни кўрганда эскича деб қарашади, тилини мутлақо тушунишмайди. Бу — ўша мудҳиш йилларнинг «тарбияси». Келажакда болаларимиз қўлида Европа халқлари асарлари билан бир қаторда дини, урф-одати ва тили яқин бўлган арабча ва форсча китобларни кўришни хоҳловчилар кўп. Буни йўлга қўйиш учун малакали мутахассислар кўпаймоғи керак.

Шоира АБДУРАИМОВА, Андижон.

723. «Еш куч»нинг 2-сонида журналхон М. Ерматованинг мактубини ўқиб ҳайрон бўлдим. Қаерда мактаблар учун етишмаётган маблагларга масжид қурилибди, қаерда дафтарлар учун етишмаётган қорозлардан диний китоблар чиқарилибди? Биз мусулмонларнинг қанчадан-қанча масжидлари бузиб ташланган, оморга айланрилган. Илм даргоҳлари, кутубхоналар аянчли аҳволда қолдирилган. Шу тўғриси халқимиз тил

ва имлосидан ажралиб қолди. Агар болаларимизни Исломи йўлида тарбияласак билимимиз, одамларга, табиатга меҳримиз ортади.

Жамолиддин ва Камолиддин, Қўқон.

1278. Диний сабоқларни чуқурлаштириш йўлида «Исломи» деб номланган журнал чиқарилса, Байрамали НИЕЗОВ, Қашқадарё.

РЕДАКЦИЯ ИЗОҲИ: Урта Осиё жумҳуриялари ва қозогистон диний бошқармаси томонидан «Совет шарқи мусулмонлари» жаридаси, «Исломи нури» рўзномаси чиқиб турибди. Уларни жойлардаги маҳаллий масжидлардан харид қилиш мумкин.

1239. Рамазон ойидаги ажойиб одатлардан завқланаман. Айниқса, хонадонлар эшигига келган болаларнинг қувноқ овози ўзгача таъсир қилади.

*Уч кун рўза тутиб келдик, эшигингизга,
Худойим ўғил берсин бешигингизга.
Ангуе уйнинг мўрисида тугун чиқапти,
Бизга қолган қатламалар бутун чиқапти.
Майрамазон, майрамазон, майрамазон.*

Бундай қўшиқларда хонадон эгаларига энг яхши тилаклар изҳор этилади.

«Арафа товоқ» ҳам қизгин ва мазмунли одатлардан!

Нодира МУҲИДИНОВА, Фарғона.

илим одамзодни ҳалокат ёқасига олиб бориб қўйиши тайин. Дунёдаги бор илму фалсафалар ақлни тўлдиради, аммо кўнгилга озуқа беришга қодир эмас. Дилни фақат пок эътиқод обод қилади. Яъни, эътиқодсиз дил — харобадир. Инсоннинг зиммасида ақлдан кўра қалбнинг ҳаққи кўпроқ. Инсоннинг тириклигини билдириб турадиган нарса ҳам унинг қалби. Зеро, сиз дам олганингизда миянгиз ҳам дам олади. Уни баъзан қаттиқроқ, баъзан эса секинроқ ишлатишингиз мумкин. Аммо бу беором қалб дунёга келганингиздан кетганингизгача билсангиз-билмасангиз, истасангиз-истамасангиз тинмасдан уриб-ишлаб туради. Демак, ИНСОН деган оламнинг маркази — пойтахти — қалб, уни пок эътиқод билан обод қилмоқ — бурчдир! Ажабки, эътиқод нопок дилларга сизмайди — худди шўр ерда гул унмаганидек! Ажабки, кўпинча ўша шўр диллар тоза кўнгиллар устидан, уларнинг эътиқодлари устидан куладилар — эътиқодсизлик эътиқоддан устун бўлиб олади. Лекин шундай қора кунларда ҳам юксак эътиқод эгалари ўз эътиқодлари йўлида қурбон бўлишни шараф деб биладилар. Бунга тарихдан истаганча мисол топиш мумкин. Мана, масалан, Октябрь инқилобидан кейинги сургун ва қиргинларда қанчадан-қанча улуг зотлар ўз эътиқодлари сабабли шаҳид бўлдилар. Қўқонлик бир фозил мўйсафиднинг ҳикояси орадан ўн беш йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса ҳам кечагидек қулоғим остида эшитилаверади: 20-йилларда аскарлар кунда-кунора уламо ва фузалоларни шаҳар чеккасидаги бир жарлик ёқасига олиб бориб олишар, улар кетганидан кейин, одамлар кўрқа-пуса келишиб шаҳидларни чуқурдан тортиб чиқариб қабристонга олиб бориб кўмишар эди. Виз болалар пана-пастқам жойларга яшириниб бу дахшатни томоша қилардик. Бир кун ич-тўрт кишини

олиб келиб, командир энди отишга буйруқ бермоқчи бўлиб турганида узокдан бир киши кўринди ва шошиб шу тарафга қараб кела бошлади. Афтидан қўқонликка ўхшамас эди. Яқин келгач, жар ёқасига тизиб қўйилган кишиларни кўрсатиб, аскарлардан, «Булар кимлар?» деб сўради. Командир, «Булар руҳоний, диндор унсурлар бўлгани учун отувга ҳукм қилинган. Агар жонингдан умидинг бўлса йўлингдан қолма!» деб пўписа билан жавоб қилди. Шунда қаллиги киши, «Ундай бўлса, шошмай туринглар», — деб ўзи ҳам маҳбуслар ёнига бориб турди ва деди: — «Мана энди отинглар. Сал кечиксам, мен ҳам булар билан кетмай, сенлар билан қоларканман». Муҳаммаджон, мана шу ҳикояни эшитганимдан буюн буюк туркигўй адиблар — Абдуллоҳ Қодирӣ, Абдулҳамид Чўлпоннинг ўлими ҳақида ўйлайман, «Улар ночор, ноилож ўлиб кетган» деган фикрни ҳеч қабул қила олмайман. Назаримда улар ўзгалар тирик қолиш учун ҳар қандай разолатдан қайтмаётганларини кўриб турсалар-да, эътиқоддан кечиб яшайдиган ҳаётни ихтиёран тарк этиб, пок эътиқод билан шаҳид бўлишни танлаганлар. Ва адашмаганлар! Зотан, бу ҳаёт нақадар ширин, нақадар тотли бўлмасин, эътиқоддан кечиб яшашга арзийдиган даражада қимматбаҳо эмас!

— **Рух парвариши жасадинг хоҳишларидан устун демокчисиз-да? Инсоннинг жасади ердан-тупроқдан бўлиб, жони осмондан — руҳлар оламидан тушиб жасадаг қирган, десак бўладими?**

— Ҳа-ҳа, шунинг учун ҳам оёғи ердан узилган одам жисман ҳалок бўлса, қалб осмондан узилган — эътиқоддан кечган одам руҳан ҳалок бўлади. Ҳақиқий осмондан ажраб қолган одам назаримда иссиқхонада — сохта осмон остида ўстрилган ўсимликка ўхшайди: на мазаси бор,

на ҳиди. Чунки жон инсоннинг ҳеч қачон ўлмайдиган асли-моҳияти, жасад эса бир муддат кийиб юрилиб, эскириб, яроқсиз, ҳолга тушгач ечиб қўйиладиган либос кабидир. Шунинг учун ҳам баданингизнинг бирон аъзоси қасалланса, кесилса ё шилинса ўша аъзо эмас, балки жонингиз оғрийди. Мана шу аён ҳақиқатдан кўз юмган киши адашади.

Менимча, кейинги пайтларда, хусусан аёллар ўртасида кўпайган арзир-арзимас баҳоналар билан ўз-ўзини ҳалок қилиш каби бемаъни одатлар ҳам мана шу ҳақиқатни — жон абадийлигини англамасликдан келиб чиқмоқда. Ҳақсизлик азобидан, айрим ҳолларда эса шармандаликдан қутулиш учун ўз-ўзини ўлдириш, ёндириш вазвасасига тушиб қолган иродаси заиф опа-сингилларимиз шу қилмишлари билан ҳаммасидан қутуламан деб ўйласалар қаттиқ адашадилар. Чунки жасадлари куйиб қол бўлиши билан улар ҳеч нарсадан қутулмайдилар — жонлари куймайди, ёнайди. Жонлари, мана шу қилмишлари тугайли баттар азоба қолади, холос.

Ҳаёт нақадар оғир, нақадар аччиқ бўлмасин, арзир-арзимас сабаб-баҳоналар билан кечиб юборилаверадиган даражада арзон матох эмас!

Қиссадан ҳисса шуки, пок эътиқод кишини диёнатсиз яшайдан сақлагани каби, арзимас сабаблар билан ўзини ҳалок қилишдан — ўз жонига жабр қилишдан ҳам сақлайди.

— **Домла, яна таржимага қайтасак. Қуръонни ўзбекчалаштириш жараёни қандай кечяпти? Шу ҳақда икки оғиз сўзласангиз.**

— Қуръон таржимаси менга насиб этган экан, бунинг учун Аллоҳга беадад шукур. Вақти келади, оддий бадий асарнинг туб моҳиятини ҳамма бирдек тушунавермайди. Қуръони каримни мутолаа қилганда эса англаш чандон оғир. Шу бис таржима асносида Ибн Касийр, Қуръон

тубий тафсирларидан, Абдуллоҳ Андалусийнинг «Ал-муҳаррулул-важийз» тафсиридан, «Тафсирул-жа-лолайин», «Тафсирун Насафий» ва бошқа манбаларни қиёсий ўрганишга тўғри келяпти.

— **«Ёшлик» журналида Ғаззолийдан таржимангиз босилди. Қуръонни ўзбекчалаштириш билан бир вақтда бошқа ишларга имкон топаётган экансиз.**

— Ислому тарихида ўчмас из қолдирган Абу Ҳомид Ғаззолийнинг «Ихёу улумид-дин» асаридан парчаларни бир неча йил бурун таржима қилганим, алҳамдулиллоҳ мана, шу йилга келиб ёруғ олам юзини кўрди.

— **Кечирасиз, араб тилини қаерда ўргангансиз? Узингизни таништирсангиз.**

— Уш вилоятининг Қорасув шаҳриданман. Болалигимдан диний тарбия олганман. Вухоро мадрасасида, Тошкентдаги маъҳадда ўқиган эмасман... Устозларим бор. Қолаверса, мустақил мутолаа... Шу ўринда ҳозир ёски ўзбек алифбосини ўрганишга бўлган оммавий қизиқишни қўлаб-қувватлаган ҳолда кўпчиликнинг назарида жуда мушкулдек туюлаётган бу машғулотнинг аслида анча осонлигини — қалбимизга, қонимизга яқин бўлган араб ёзувини, ҳатто тилини ўрганишга кунт ва ҳавас бўлса бас, ниятлар амалга ошаверини таъкидламоқчи эдим.

— **Домла, Ислому оламида ҳозирги ёш авлод ўқини зарур бўлган бошқа адабиётлар ҳам бўлиши табиий. Уларнинг айримларини санаб ўтсангиз?**

— Ислому тарихида бири бидан қадри асарлар кўп, уларни ўзбекчалаштиришни йўлга қўймоқ керак. Узим Ғаззолийнинг юқорида тилга олинган асарини, шунингдек, Абдуллоҳ Шубровийнинг «Унвоул баён» номли гўзал асарининг таржимасига киришганман.

Сухбатдош — Муҳаммад ИСМОИЛ.

ВА ЭЪТИРОФЛАР

1625. Виз «Ислому — инсонийликка даъват», «Ислому ва аёл», «Қуръон ваҳийдан бошланган» каби мақолаларни ўқиб тарбия олаёпмиз.

Самарқанд вилояти Ургут ноҳияси 6-мактабининг 10-синф ўқувчилари.

1377. «Ислому — инсонийликка даъват» суҳбатини ташкил этганларга раҳмат. «Оқилга худони танитур дафтар» деганлар Шайх Саъдий. Виз бу йўлда ҳеч нарсани аямаслигимиз керак.

Мавлуда ШУКУРОВА, Қашқадарь.

1206. Журналнинг ҳар сониди ибратли арабча китоблардан лавҳалар таржима қилиб босилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Уларга ишонийшонмаслик эса ҳар кимнинг ўзига ҳавола.

Дилбар БЕКУРОВА, Самарқанд.

552. «Еш куч» журналининг шу йил 2-сониди босилган «Қуръон ваҳийдан бошланган» суҳбатини муқаддимасида самарқандлик мактаб ўқувчиси Отаёровнинг эътирозини ўқиб, таажжубда қолдим.

Аслида хафа бўлиш ҳам балки ноўриндир. Чунки ҳали тафаккур доиралари кенгайиб улгурмаган ўсмир қизнинг бундай саёз хулосаларни билдириши, устозларнинг ўтмиш йиллардаги таълимларининг таъсиридир. Мақсуда Отаёрова эътирозларидан намуна келтирмаман: «...Ахир ҳозир мактаблар учун топилмайдиган маблағлар, дафтарлар учун етишмаётган қоғозлар худо учун маҷиб қуришга, диний китоблар чиқаришга сарфланса ёшлар тарбияси нима бўлади?» Жонкуяр синглимизга бу тариқа жавоб берамиз:

Авалло, сиз, ўтмишда боболарингиз қуриб кетган масжид ва мадрасаларда ҳанузгача Совет мактаблари жойлашиб, шу мамлакат болалари таълим олиб келганиги, музейларга айлантирилиб давлатга моддий манфаат етказяётгани ва омборхоналар бўлиб, корхоналарнинг маҳсулотлари сақланиб турганигини билишингиз керак эди.

Иккинчидан ҳеч қайси бир диний масжид ва мадраса мамлакат бюджети ҳисобидан қурилмаслигини ҳам эшитмагансиз чоғи. Диний бошқарма Иттифоқдаги барча ёрдам фондларига ҳар йили неча ўн минг сўмлаб ҳисса қўшаётганини балки мактабингизда айтишмагандир. Қоғоз хусусига тўхталсак, Сиз 20-30 йил давомида ёлгон саҳифалар битилган кўп жилдлик саноксиз китобларни, қўшиб ёзиш йилларидаги беҳуда сарф қилинган қоғозлар исрофини кимдан сўрадингиз? Китоб дўконларидаги чангда қолган ҳикоя ва романлар сизларга керак бўлган «дафтарлар» эканлигини билмайсизми?

Сизнинг қоғоз тўғрисидаги ташвишингизни, Ислому дини бундан 1400 йил илгари исрофни гуноҳ деб уқтириб қўйган. Ислому қоғозни беҳуда ишлатишни қаттиқ маън этиб турса-ю, сиз ўзингиз заруратхоналарда уюм-уюм бўлиб ётган қоғозларни кўриб, ачиниб куюнмайсиз? «Ешлар тарбияси нима бўлади?» деб қайгурибсиз. Мен ҳам сизга савол билан мурожаат қиламан: «Ешлар тарбияси нима бўлди?» Қаерга келиб тўхтади? Ўзбек қизларининг давраларда қўлариди қадаҳ билан ўтиришлари бу қайси муҳитнинг шарофати? Еки туғруқхоналардаги зояга етмаган оналар Пайғамбарнинг ким эканлигини билладими?..

Энди сизнинг сўнги жумлаларингизга кўз югуртирамиз: «Виз Оллоҳга сиринсак билимимиз ҳамда одамларга, ҳаётга, табиатга меҳр-муҳаббатимиз ортадим-камайдими?»

Шуни яхши ўқиб олингки, тузум дини қоралагандан бери юртимизда бирорта Нодирабегим ёки Кумушбидини тарбиялай олдикми?

Боболаримиз бизга тиниқ анҳорлар қолдирди. Бизчи? Уша сизнинг вилоятингиз марказида қад ростлаётган янги меҳмонхонанинг ҳиндистонлик меъморлари Самарқанд сувини бетон қоринмага ишлатиб бўлмади деб топишибди. Уша сувни инсонлар ичаётган эди-ку?!

Асрлар давомида лиммо-лим турган Орolni йўқотишимиз бу табиатга меҳр-муҳаббатни ортанми ёки камайганими?

Хуллас калом шуки, жароҳатланган жамиятга энди маънавий ва руҳий малҳам керак. Бу малҳам — фақат покиза имонга эга бўлишлиқдир.

Мусоҳон АБДУЛҲАЕВ.
СССР ФА умумфизика институту илмий тадқиқот лабораторияси Андижон бўлимининг хизматчиси.

РЕДАКЦИЯДАН: Журналдаги чиқишлар юзасидан келган хатлардан олинган ушбу кўчирмалар бежиз шундай аталмади. Зеро, бу ўринда журналхонларнинг ўзлари баҳалашмоқдалар, сирдан фикр олишмоқдалар. Ким ҳақ, кимнинг мулоҳазаси ўринали — буларни аниқлаш яна муштарийларга ҳавола. Сўнги изохнинг ҳожати йўқ эди аслида, фақат жомбойлик биродаримиз Б. Бартовнинг «бунинг сабаби редакция ходимларининг динга эътиқоди бандлигинидандир» деган таъна-сизга жавоб қайтаришни лозим кўрдик. Башарти Б. Бартов «Еш куч» эътиқодсизлар ихтиёрига қолиб кетган деб ўйласалар муқаррар янгиландилар.

АКС-САДО



Хоразмнинг ҳар гиштида
боболарнинг ижоди
Бутун-бутун халқларнинг
тарихича келади...

Ғафур Ғулом



Тарихчи эмасмиз — солномачилар билан баҳслашиш ниятимиз йўқ. Бу ёзмоқчи бўлганимиз ўз юртимизга — қадим тупроққа ҳурмат рамзи, ота-боболаримиз қолдирган меросга беписандлик, лоқайдлик, тўрачилик муносабатларидан норозилигимиз, кўкка ўрлаётган оҳимизнинг бир парчаси, холос.

Археолог эмасмиз — юз йил олдин кимдир қўйган гиштни, сувоқни жойидан кўзга тиши гуноҳи азим, деб биладиганлар хилданмиз. Ёзмоқчи бўлганимиз — кимларгадир академик, кимларгадир профессор, доктор, номзодлик илмий даражаларини олишда кўмаклашган, манба бўлган обидалар, минг йиллик осори — атиқалар. Археологлар қавлаб ташлаган қадим қалъалар қолдиқлари суви сиқиб ичилган анорни эслатади. Кераги олинди, диссертациялар ёқланди, қайсидир бегона юртлардаги музей Шарқнинг экзотик осори-атиқалари билан бойитилди. Яна нима керак? Бори бойликни асримиз бошида, ўттизинчи, қирқинчи йилларда қарвон-қарвон юклаб кетганлар ортда қолган кесак деворларни олиб кетиш учун яна қайтади, деб ўйлайсизми? Бе-е...

Ўзимизга ачинамиз, ўзлигимизнинг ўзаги йўқлигидан кунюнамиз. Майли, бизлар азалий меҳмондўст халқ — отамиздан улуг бўлган меҳмонлардан нима ҳам аярдик? Куни кеча момомизни ҳам қўш-қўллаб никоҳига топширишга, эвазига темир дашқол тақишга тайёр эдик-ку! Шунақа, кўксингизда санчиқ пайдо бўлсада чиданг — бор ҳақиқат шу.

... Чор Русиясининг босқинчи қўшинлари бешинчи юришда Хива хонлигини забт этди. Мағлубларга шафқат бўлмади. Хон навкарларининг жангари қисмлари қириб ташланди. Уруш қонуни шу, чидаш мумкин. Хотин-қизлар зўрланди, хўрланди. Бу ҳам босқинчиликнинг минг йиллик удуми. Улусни хонавайрон қиладиган, миллатни таҳқирлайдиган шартнома имзолашга мажбур бўлинди. Биргина банди: «... хонлик ҳудудидаги дарё ва денгиз сувида рус кемалари божсиз юришга ҳақли. Хонлик ихтиёрида бўлган кема ва солларга белгиланган тартибда солиқ солинадилар». Ўз уйингда ижарада яшашдек гап. Бунга ҳам чидайлик.

Тарихга «Гандимиён шартномаси» деб кирган (Гандимиён — Хива шаҳри яқинидаги қишлоқнинг номи) мағлуб ва ғолиб томон ўртасидаги шартномада ҳеч бир расмий ҳужжатда қайд қилинмаган талончилик — хонлик пой-

тахти Хива ва бошқа шаҳар-қалъалардаги бойликларнинг олиб кетилгани-чи? Гандимиён шартномасида гаров сифатида Хива хонлари ўтирадиган олтин суви юритилган бебаҳо тахт Петербурга олиб кетилди. Ҳозир бу тахт Оружейний палатада кўргазмага қўйилган. Замонлар ўзгарган, тузумлар алмашган, ҳукмдорлар янгиланган бўлсада тахт қайтариб берилмаяпти. Сўровларнинг сони йўқ...

Хонликнинг асрларки юритиб келинаётган барча архиви олиб кетилди. Архив эмас, бутун тарих олиб кетилди. Таассубки, биз сўнгги юз йилда бегоналар қўли билан, босқинчи томон манфаатини кўзловчи «сохта тарих»ни ўқидик, мажбур бўлдик.

Жангарилар қирилгани билан табиат қонуни-янги ўғлонлар ер юзига энаверадилар. Хива хони ёғоч тахтада ўтирса кети қавармайди. Аммо, халқимизнинг асрлар қаърида таркиб топган, шаклланган, миллат, халқ сифатида таркиб топган умр йўли солномалари, бор маданий бойликларнинг олиб кетилишини ҳеч нима билан тўлдириб бўлмайди.

Биз барча тарихий асарларда катта ҳурмат билан тилга оладиган, неча авлод тарихчиларимиз ўз устози деб билган зотнинг XIX аср охирида Петербург Фанлар Академияси йиғилишида айтган гапига эътибор беринг: «... босиб олинган халқларни ҳар доим асоратда, ўз қўл остида сақлаш ниятимиз бор экан, биз аввало уларнинг борики тарихий бойликларини қўлга киритишимиз, тарихини қайтадан ёзиб беришимиз керак. Биз ёзган тарихни ўқиб улар ўтмишини унутдилар, қўлларга айланадилар...» Худди шу академик «халқларни мутелиқда тутиш ниятингиз бўлса, уларнинг осмонўпар минора, мадраса, борки обидаларини ер билан бир қилинг. Чунки, бетакрор бу обидаларни кўрганларида уларда шубҳа уйғонади, ота-боболари ҳақидаги биз яратган тарихга шубҳа билан қарайдилар», деган фикрларни олға сурган. Фикр академия томошагоҳида қилиб кетмаган. У ҳаётга жорий ҳам қилинган.

Тўғри, қадимий обидаларимизнинг хонавайрон бўлиши, ер юзидан тамомла йўқ бўлиб кетишига табиатнинг ёмғир-қори, ҳалокатли ҳодисалари ҳам сабабчи бўлгандир. «Вақт уларни емириб ташлади», деб узоқ овутиш ҳам мумкин. Ва лекин...

Биз айтмоқчи бўлган нарса — фақат табиат кучларининг «ижоди» эмас. Унинг ихтирочилари «тарихимизнинг

энг кир ва қора кунлари»да юрт кезган турли тоифадаги келгиндилар, улар юргизган сиёсат, кейинги алғов-далғов замонларда, ҳатто «ривожланган социализм» шароитида ҳам «узоқларда балққан бахт юлдузи» нуридан кўзлари қамашиб, кўр-кўрона буйруқларни ижро этганлар, ўз тарихига тупурган раҳбарлар, лундасини айтганда манқуртлар — каттақон манқуртлар...

Бу мақола илмий тадқиқот эмас. Кўрганимиз, кузатганимиз, билганимиз ҳосиласи, хулосаси. Унда киноя кўпроқ — бу бемор вужуднинг алами. Унда танқид ўлчами кўп — демек сўз ва иш бирлиги йўқ.

Биз Хоразм — қадимги Хоразм харобалари ҳақида сўзлаяпмиз. Бу ҳозирги харитада ўймоқ ўрнидек жойни олган вилоят ҳудудидан ташқари чиқади. Қалтабинларча ўтказилган миллий чегараланиш сиёсати туфайли обғи-боши, танасининг ярмисидан кўпини йўқотган қадим ўлканинг қачонлардир дунёга ном таратган, етти иқлим наридан кўриниб, сезилиб турган улкан вужудининг ажралмас бир қисмида ётибди бу вайроналар. Хоразм давлати энг гуллаб-яшнаган эрамининг ўнинчи асрларида унинг улкан ҳудуди икки дарё ораллигида жойлашган эл-элатлардан ташқари ҳозирда мавжуд бўлган, мустақил давлатларнинг 27 тасини ва юздан ошиқ миллатларни ўз бағрига қамраб олганди. Тарих гувоҳ — туркий улуслар давлат бўлиб ҳеч қачон бу қадар улкан ҳудудга, давлатга бошқа асрларда эга бўлмаганлар. Ҳатто жаҳонгашта бобомиз Амир Темур ҳам ўзининг давлати чегараларини шу манзилларга қадар чўза олмади...

Қадимги Хоразм. Майли, ўткани ўтди. Биз унинг ўлик жасади устида турган ушоқ, муте, бир ҳовуч меҳнаткаш фуқаро. Ушбу замонда кўзимиз сўқир, қулоғимиз кар, тилимиз кесик. Қадимги боболарнинг айниган, ўзини-ўзлигини йўқотган дурагай зурриёдлари...

Хива ҳақида кўп бора ёзилган. Кимсан — очиқ музей-қўриқхона шаҳар. Совет Иттифоқида шундай мақом олган икки шаҳарнинг бири. Таърифи етти иқлим ошган. Қунора минглаб сайёҳлар Хивани кўриш учун қитъалар ошиб юртимизга ташриф буюришади. Кўрса, таассурот оلسа, хотирласа бўладиган нарсалар бор.

Жума масжид, Қалтаминор, Исломуҳжа мадрасаси ва минораси, Пахлаван Маҳмуд хилхонаси, Кўхна Арқ, Қарвонсарой, Муҳаммад Раҳимхон мадрасаси... Санасак кўп — юзга яқин.

Булар фақатгина Ичон қалъа ичкари-сидидаги обидалар. Дишон қалъа худудини ҳам ҳисобга олсак, меъморчилик обидаларимиз кўплигидан яна бир қарра қаддимизни ростлаб, фахрлансак бўлаверади. Аммо...


Аммо, кўкракка урадиган, мақтанадиган замонлар ортда қолганига анча бўлди. Борни бор дейишга одатланяпмиз. Билдик, дунёнинг саккизинчи мўъжизаси бизда, деб қанча жар солмайлик — нураб бораётган обиданинг бир гишти ўз ўрнига қайта тикланмайди, сайёҳларнинг сони ошгани — маҳаллий ҳукуматга ортиқча дахмаза, бошқа нафи йўқ. Нафини ўзгалар кўради...

Яна аммо десак, саккизинчи мўъжиза кунора кўркини йўқотиб бормоқда, уни таъмирлашга, қайта тиклашга масъул ташкилотларнинг қўли калта — жуда калта. Ун-ун беш йиллаб бир мадрасани таъмирлаш имкони эга бўлган ташкилотдан бошқа нима кутиш мумкин? Бу ёқда ўнлаб обидалар таъмирлашга навбат пойлаб турган бўлса. Кетаётган вақт, ўтган ҳар дақиқа — ниманидир йўқотиш, саккизинчи мўъжизанинг жозибадор гавҳар тизмасидан бир дур узилиб тушиши билан баробар...

Хиванинг Ичон Қалъа деворларини қайта тиклаш бошланганидан буён иккинчи беш йиллик кетяпти. Ҳозирча натижа шу — деворнинг ўндан бир бўлаги ҳам қад ростламади. Сўнгги йилларда бу ерда усталар кўринмай қолишди. Хом-ашё йўқми, ускунами? Ҳар иккаласи ҳам. Муҳаммад Раҳимхон II мадрасаси жуда йирик обида. Лекин йигирма йил аввал таъмирлаш мақсадида сайёҳлар учун тўхтатилиб, беркитилганди. Турибди. Ҳамон шу ҳолида навбат кутиб.

Шаҳарда турли-туман идораларга ижарага берилган, меҳмонхона, ошхона, суратхона, чойхона... хона-хона вазифасини ўтаётган обидалар қанчаю... Кум устида қурилган, захга тоби йўқ обидаларга замонавий талабларга мос, қувурли сув йўллари ўтказиб, ундан иложи борица фойдаланиш илинжидан бошқа мақсади бўлмаган айрим кимсалар сўнгги ўн йилликда неча асрлар қад ростлаб турган обидаларни авария ҳолатига олиб келишди. Пул ва давлат режасини бажариш қадим шаҳарни ҳалокат еқасига — харобаларга айлантириш палласига яқинлаштирди.

Ҳукуматимизда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий инқироз чуқурлашган, кунимиз тиланчиликка қолган замонда чет эл фирмалари мададига таянган ҳол-



да қадим шаҳарни сақлаб қолиш, дунёнинг энг серсайёҳ гўшасига айлантириш учун ишга киришиш фурсати келиб етган. Бу ҳаракат қайта қуришнинг алдамчи шамоллари билан бирга келганди. Ушанда вилоят раҳбарлари халқаро ҳамкорлик қилиш умидида бир неча фирмалар вакиллари билан учрашишган. Амирқонинг Норвегиядаги «Бирмес» фирмаси ҳамкорлик асосида, катта маблағ сарф қилиб Хивани қайта тирилтиришга ваъда берган, ҳатто вакиллар борди-келди қилиб, шароитни, аҳволни ўрганишганди. Лекин, пойтахтдаги қайсидир идорага бу «ўзбошимчалик» ёқинқирамади. Ҳамма иш тўхтатилди, ҳатто «ўзбошимча» раҳбарлардан айримлари ишдан олинди.

Кейин жаҳондаги энг бой мусулмон давлатларидан бири — Кувайт Хивани қайта тиклаш, сайёҳлар масканига айлантириш учун миллионлаб бегараз ёрдам беражани билдирди. «Юқори» дан розилик берилмади.

Сўнги умид Франция фирмалари билан шартнома эди. Фарангистонликлар шаҳарда халқаро тайёрагоҳ, меҳмонхона қуришни ўз зиммаларига олишган, барча сарф-харажатлар, лойиҳа-чизмалар тахт қилинганди. Лекин ана шу хизматлар эвазига биз томон бериши керак бўлган ўн минг тонна пахта толаси топилмади... Ажабланманг, пахта ватани бўлган Ўзбекистонда Ўзбекистон учун шу миқдор пахта толаси топилмади. Белбоғ сўраб, дўконга кирган камбағал бўзчини кўчага ҳайдаб чиқаришди...

Шу аснода яна умид нишонлари юз кўрсатди. Қадим шаҳарнинг тўйини нишонлаш ғояси туғилди. Дастлаб унинг ёшини 2400 деб олишди. Юбилейни белгилаш учун чақирилган Бутуниттифоқ кенгаши арафасида яна юз ёш қўшишди. Хивани оқсоқол Самарқанда тенглашди. Балки, ҳақиқатан бу икки кўҳна шаҳар тенгқурдир, балки бирортаси бу ёшдан анча каттадир. Айта олмаймиз. Лекин кенгаш қатнашчиларнинг юритган фикрларидан сўнг юртига ҳурмати ҳали сўнмаган одам «Э, кўй, шу сананинг кераги йўқ», деб қўл силташи табиий. Зеро, бобонинг ёшини талашиб-тортишиш — аҳмоқлик ва манқуртликдир.

Академик Массон Хива ёшини камида уч минг деб турганида, қалъа деворлари қолдиқларида узоқ йиллар қазишма олиб борган археологлар 2500 атрофида деб далиллаб, исботлаб турган бир пайтда академик Асқаров Хиванинг ёшини белги-

лади-қўйди — 2300. Бир ёш ҳам ортиқ эмас.

ЮНЕСКО 1993 йилда қадим шаҳарнинг тўйини ўтказиши керак. Лекин неча йиллигини? 2300, 2400, 2500?.. Билмадик. Орада қолган уч йилча муддатни ёш талашиб-тортишиб ўтказмасак гўргайди. Обидалардан ким хабар олади? Уларни бутун дунёдан ташриф буюрадиган меҳмонларга шу ҳолида кўрсатамизми? Олиб кетилган осори-атиқаларни қайтиб ола биламизми?..

Кўҳна Урганж — Хива сингари қадим шаҳар. Буюк Хоразм давлатининг пойтахти. Кўҳна Урганж ер билан яксон қилингандан сўнг, пойтахт Хивага кўчганини биламиз. Айни пайтда бу шаҳар «ленинча миллий чегараланиш» туфайли Туркманистоннинг Тошовуз вилояти ҳудудида — Хивага 200 чақиримнинг нари-берисида жойлашган. Хивани кўришга келган айрим сайёҳларни бу қадим шаҳар харобаларини томоша қилишга таклиф қилишадди.

Шаҳар харобалари — жами 600 гектардан ошқ майдон — музейга айлантирилган. Фақатгина бешта обида ярим хароб ҳолида сақланиб қолган. Қолганлари... бутун ҳудуд бўйлаб, тепа-тепа бўлиб уюлиб ётибди. Ҳамма ёқда тепаликлар, ғишт уюмлари, қабрлар... Чингиз босқини арафасида икки миллионга яқин фуқароси бўлган, йирик ва кудратли шаҳардан қолгани шу. Чингизийлар бу қайсар шаҳар аҳлисини аёвсиз қирди. Тарих шохидлик беришича, истилочилар—64 минг нафар жангчининг ҳар бири ўртача йигирма урганжликнинг бошини олган. Юз минглаб ҳунармандлар ҳайдаб кетилган. Сўфизмнинг энг йирик намоёниси Шайх Нажмиддин Кубро — етмиш яшар қария шаҳар ҳимоячилари сафида жанг қилиб шәхид бўлган...

Кўҳна Урганжга кейинчалик ўз қаддини тиклаш насиб этмади. Тўғри, мўғуллар босқинидан сўнги икки аср давомида ва кейинроқ бир оз ўзгаришлар бўлди, мадраса, минора, карвонсарой, масжидлар қурилди... Аммо, икки миллион аҳолилик қадим шаҳарни қайта тиклаш ҳеч бир шохга насиб этмади. Шунингдек, бугунги коммунист раҳбарларга ҳам...

Ал Беруний, Абу Али ибн Сино каби Шарқнинг улкан мутафаккирлари таҳсил олган, тарихимизга Маъмур академияси деб кирган Кўҳна Урганждаги илм маскани харобаси — улкан тепалик йироқ-йироқлардан кўринади. Улуғ инсонлар илм олган, яшаган даргоҳга эътиқод рамзи сифатида академия харобалари кўмилган тепалик устига ўликларни қўйиш вақт ўтиши билан

одатга, ҳурматга айланган. Халқ «Қирқ мулла» деб атайдиган бу тепалик ён бағирларидан биридаги кичкина тешикчага қулоқ оссангиз, ичкаридан ажабтовур товушлар эшитилади, гўё улкан айвонда юзлаб талабалар мук тушиб, қироат қилишмоқда, дунё илмидан сабоқ олишмоқда...

Шаҳар харобалари ўрнида иш қизғин. Йўқ, таъмирчилар ҳақида гап кетмаяпти. Шу ерлик кишилардан ташкил топган қурувчилар (балки бузувчилар, деб аташ тўғридир) гуруҳи экскаватор ёрдамида қазишма олиб бормоқда. Оёқ остида ётган инсон суякларини кўриб, харобани яна харобага айлантираётган, боболар хокини аёвсиз оёқ-ости қилаётганларга нафратингиз кўзиди, юрагингиз эзилади. Бир кун келиб бу ёруғ дунё бошига худди шундай кун тушишига ишонасиз...

Кўҳна Урганжни сайёҳлар учун макон қилганларга ҳам осон тутиб бўлмайди. Музейхоналарнинг раҳбарлари ойликдан-ойликка зўрға кун кечириб юрган оддий фуқаролар бўлишса... Яна қайдам.

Ун аср илгари Хоразмга ташриф буюрган араб сайёҳи Еқут уни «ўн минг шаҳарли давлат» деб таърифлаган. Шунанқа. Ҳар томонлама гуллаб-яшанаган ўлкада йироқлардан кўз тушса ҳайратланидиган қалъалар — шаҳарлар шу қадар кўп бўлган. Биргина ўнг қирғоқнинг ўзида асримиз бошларида беш юз қалъа харобалари сақ-

ланганди. Ҳозир бармоқ билан санаб, ҳисобини чиқазасиз...

Атиги икки ўн йиллик аввал Қорақалпоғистон мухтор жумҳуриятининг жанубий ҳудудида янги, кўриқ ноҳия ташкил этилди. Унга Эллиқалъа номи берилди. (Изоҳ: жой номи шу ҳудудда мавжуд қалъалар номидан олинган эмас. Шу ерда мавжуд Желлик (Еллик, шамолли мазмунида) қалъа номи бузилиб шундай ишлатилган). Қўриқми, демак ер ўзлаштириш керак. Худди шундай ишни «қалб жасорати» деб билганлар тузатиб бўлмас хатога — жиноятга йўл қўйишди. Юртимиз тарихида Тешиктош, Обираҳмат, Омонқўтон каби энг қадим аجدодларимиз яшаган қўналға — Қават макони пахта даласига қўшиб юборилди. Бунёд бўлганига минг, икки минг ва ундан ошқ йил ўтган қалъаларнинг деворлари бузиб ташланди, экин майдонларига қўшиб юборилди.

Асримизнинг ўттизинчи йилларида академик Толстов икки марта қадим Хоразм маданияти изларини ахтариб, экспедициялар уюштирди. Ун ва чап қирғоқдаги (Амударё назарда тутилади) ўнлаб қалъаларда қазишмалар олиб борилди. Неки топилган, қазиб олинган бўлса узоқ ўлкалардаги бой музейларнинг мулкига айланди.


Қўй қирилган қалъа уч қаватли, айлана услубда қурилган йирик иншоот бўлиб, ундан бир қанча суяк солинган ассуарий (ғаладон) топилган. Бу ассуарийлар Ленинграддаги Эрмитажда турибди. Хоразмда зардуштийлик дини даврининг тимсоли, гувоҳи бўлган қалъа хусусида бир қатор фаразлар мавжуд. Академик Толстов айлана шаклдаги қалъани зардуштийларнинг қабристонини, деб тахмин қилган. Вафот этган марҳумнинг жасади ҳамма томонидан шамол ўтиб турган қалъа қаватларига қўйилади. Унинг гўштини қушлар еб кетишгач, қолган суякларини йиғиб олиниб, ғаладонларга солинади. Эрмитаждаги мазкур ассуарийлар бунинг исботи.

Тожикистонлик таниқли академик Осимов эса эраимиздан олдинги ўн тўртинчи асрга мансуб қалъани коинотни ўрганиш учун хизмат қилган иншоот, деб тахмин қилади...

Бугун Қўй қирилган қалъа — бор-йўғи хароба. Аҳвол шу тарзда давом этса яқин ўн йиллардан сўнг бу ерда нима бўлганини эслайдиган нарсанинг ўзи қолмайди.

Уч ярим минг йиллик тарихга эга қалъа харобаларини ўрганиш пайтида унда жуда пухта ўйланган канализация бўлгани, катта-кичик сардобалар (сув сақлагич) қурилгани аниқланган.

(Охири 32-бетда)





Сталин ҳақида, сталинизм ва шахсга сизгиниш танқиди билан боғлиқ мактубларни редакцияга ўқувчи ва талабалар, муаллимлар, ишчи ва зиёлилар йўллашган. Мактубларни қайта-қайта, синчилаб ўқиб чиқдим. Узоқ вақтгача уларга муносабат билдиришга ботинолмадим, аммо юрсам-турсам хаёлан муаллифлар билан ўзимча гойибона тортишиб, баҳслашиб юрдим. Мундоқ дадил ўтириб, дуойи салом битгандай жавоб ёза қолишга юрагим безиллар, кўнглимдаги оғриқ-алам худди эски зирақчадай безовта қилар, шунчаки ақл ўргатиш, панд-насихат ёки танбех билан иш битмаслиги аён эди.

Эсимда, бир гал қишлоққа борганимда синфдош дўстларим билан Сталин ҳақида тортишиб қолдик. Улар — ашаддий сталинчилар зўр бериб халқлар «дохийси»ни ҳимоя қилишар, мен якка-ёлғиз, баҳоли қудрат эътироз билдирар эдим. Гапларим, далил-исботларим беҳуда-бефойда кетаётганидан аччиғланиб, ахирги ўзимни тўтолмадим, уларни саводсизликда, гумрохлик ва жаҳолатпарастликда айбладим. Қўлдош, Адҳам яқин дўстларим бўлгани учун (улар фикрими ўзгартирдими-йўқми билмайман) ҳаддим сиғиб, шундай дедим.

жонлик А. Аҳроров.— Лекин шунга қарамай автобуларда, бекатларда, чойхоналарда кекса отахонларнинг суҳбатларидан **СТАЛИН УНЧАЛИК ЕМОН БЎЛМАГАН** (таъкид бизники — Ш. О.) экан деган фикр ҳам пайдо бўлади. Биз ёшлар кимга ишонайлик? Мен тенгдошларимда икки хил фикр пайдо бўлиб қолишидан қўрқаман. Илтимос, шуну тушунтириб берсаларингиз».

Самарқандлик Э. Пўлатов, қашқадарёлик Н. Зикриллаеваларнинг мактублари ҳам асосан ана шу мазмунда.

Авалло, ҳали-ҳамон «халқлар дохийси»га меҳру ихлоси сўнмаётган, асл ҳақиқатни, соғлом фикрларни тан олмаётган ветеран-оқсоқолларни тушунишга уриниб кўрайлик. Маълумки, 30—40 ва 50-йилларда оммавий қатли ом (репрессия) билан бир қаторда чинакам қаҳрамонлик (айниқса Улуғ Ватан урушида) ва меҳнат кўтаринчилиги, романтикаси ҳам бўлган. Аммо бу ишларнинг ҳаммаси бир киши — Сталиннинг номи билан боғланди. Бу ҳақидаги афсона узоқ вақт, мутасил қулоқларга қуйилди. Қон ила, жон ила сингдрилган бу афюн, бу гоё — тушунча бутун бир авлоднинг, ҳатто келгуси авлоднинг ҳам онгу шуурини заҳарлади. Одамзод психологиясининг табиати шундай — бир марта чуқур ўрнашиб қолган гоёни ситиб чиқариш жуда мушкул иш.

«Варибир халқнинг фикрини ўзгартириш қийин» (Сталинга муносабат маъносида — Ш. О.) дейишади бухоролик бир группа ишчилар номидан Маждидова, Баракаева, Ҳидоятова, Муҳитдинова, Ражабова. Афсус-надомат билан қайд қилишга мажбуримиз: ҳозирча шундай бўлиб турибди. Аммо ҳамиша шундай бўлиши мумкин эмас! Сталинизм моҳиятини англаш, уни қайта идрок этиш жараёнини сунъий равишда тезлатиш шахсга сизгиниш йилларидаги сиёсий-мажбурий тадбирлардай мақсадга мувофиқ бўлолмайди! Муҳими — шундай жараён давом этмоқда! Мактуб муаллифлари гарчи матбуотда Сталин ҳақида эълон қилинаётган танқидий материалларни тез-тез тилга олсаларда, бу манбаларни чуқурроқ ўқиб, ўрганганлигига шубҳаланиб қолдим. Акс ҳолда улар ўзларини қизиқтирган жуда кўп саволларга, муаммоларга жавоб топган ва бу ахамунозарамиз ҳам бўлакча оҳангда, бошқача йўсинда ўтган бўларди.

Мактубларда биронта аниқ манба келтирилмайдиган, фактлар юзаки талқин қилинади, фикрлар

қилинди. Уларнинг бир миллионга яқини партия аъзолари эди.

Зўравонлик, ёвузлик билан ўтказилган коллективлаштириш сиёсати туфайли қишлоқ хўжалигига етказилган улкан талофотдан ҳали-ҳамон ўзимизга келолмаяпмиз. Колхозчилар худди крестной деҳқонлар каби яшаб турган жойларидан бошқа ёққа силжимамай, қулдай меҳнат қилишга мажбур эдилар. Ҳатто отларга паспорт-хужжат берилар, колхозчилар эса бундай граждандлик ҳақ-хуқуқларидан маҳрум қилинганди. Ҳечдан кўра кеч дегандай, эндиликда бу борадаги адолатсизликлар бартараф қилинмоқда. СССР Олий Советининг аграр-депутатлар ташаббуси «Коллективлаштиришнинг сталинча методларини СССР халқларига қарши қилинган жиноят» сифатида баҳолаш ҳақидаги декларацияни муҳокамага қўйдиришни таклиф қилдилар.

Уруш йиллари бутун бошли халқлар туғилган юртидан, киндик қони тўкилган тупроғидан мажбурий сургун қилинди. Поволжьедан немислар, Шимолий Кавказ ва Қримдан қалмиқлар, чеченлар, ингушлар, қорачайлар, қрим татарлари, месхети турклари ва бошқа халқлар зўрлаб кўчирилди. Қувғин қилинганлар орасида мусулмонлар тахминан уч миллион эди. Бадарга қилинганларнинг бир миллионга яқини (кексалар, аёллар, болалар) очлик ва қийинчиликларга бардош беролмай ўлиб кетди.

Мамлакатимизнинг гоҳ у, гоҳ бу ерида қўзғолиб қолаётган миллий низоларнинг бир учи бевосита сталинизмнинг ана шу даҳшатли жиноятига бориб тақалади.

Зўрлик билан кўчирилган халқларга қарши барча репрессия чораларини ғайриқонуний ва жиноий деб ҳисоблаш тўғрисида СССР Олий Совети махсус декларация қабул қилди. Зеро, бутун бошли бир миллатни, унинг урф-одати, тили, гурурини таққирлашга ҳеч кимнинг ҳақ-хуқуқи йўқ.

Репрессия йилларида кўплаб таниқли саркардалар, малакали ҳарбий мутахассислар ноҳақ қатл қилинди.

Ақл бовар қилмайдиган жиҳати яна шундаки, немиш-фашист босқинчилари Москва остоналарига яқинлашиб қолган, мамлакат тақдирини хавф остида турган, малакали ҳарбийларга муҳтожлик кучайган бир маҳалда ҳам Қизил Армиядаги ялпи қирғинбарот давом эттирилаётган эди.

СТАЛИН ШАХСИ: МУТЛАК ХУҚУМНИ КИМ ЧИКАРАДИ?

Мактуб муаллифларининг мафкурасини бир силтов билан ўзгартириб, бутунлай бошқа одамга айланттириш фикридан йироқман. Айни чоқда улар билан жиддий тарзда баҳслашгудай бўлсам, жайдари мантиқ ҳам мушкулдими осон қилолмаслигини билганим учун дардим ичимда. Ахир матбуотда, расмий доираларда Сталин ва сталинизм ҳақида айтилаётган сон-саноксиз мақолалар, китоблар, рад қилиш қийин бўлган даҳшатли далил-хужжатларки сталинчиларга заррача таъсир этмаётган, фикрини ўзгартирмаётган экан, Сталин даврини ўз кўзи билан кўрмаган (худого минг қатла шуқур), бу борада мутахассис бўлмаган каминанинг қўлидан нима ҳам келарди? Аммо масаланинг бошқа жиҳати ҳам бор. Биз маънавий ҳуқуқимизни фақат ўзимиз кўрган, гувоҳ бўлган даврлар ҳақидагина мулоҳаза юритиш билан чеклаб қўйсак, кўп нарса йўқотамиз, ҳақиқатни ҳеч қачон тўла-тўқис англаб етолмаймиз, тарих саҳифалари маънавий мулкимизга айланмай қолаверади, ундан сабоқ чиқаролмаймиз. Шунинг учун ҳам манбалар, биринчи галда архив хужжатлари, матбуот ҳамда ўтмишнинг жонли гувоҳларига суянмай илож йўқ. Дарвоқе, қўлимдаги мактублар ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Бу хатлар бир қарашда содда, жўн туюлсада, ҳар қалай муаллифларнинг асл ҳақиқатни билишга интилишгани, зиддиятли фактларни баҳоли қудрат муқоёса қилишга уринишгани билан диққатга сазовор. Ҳақиқатга эришиш йўли эса ҳеч қачон силлиқ, равон бўлмаган. Буни мактуб муаллифларининг фикрлаш тарзидан ҳам билиш мумкин.

Бир хил фактдан, воқеа-ҳодисадан чиқариладиган хулоса ҳар хил бўлиши мумкин, аммо охир-оқибат ҳақиқат биттадир!

«Мана ҳозир матбуотда кўплаб Сталинни қораловчи материаллар чиқаяпти, — деб ёзади анди-

исботланмайди. Сталин ҳақида далил-хужжатлар асосида эмас, балки қулоқдан-қулоққа ўтиб юрган ва эндиликда ёлгон-уйдирмалиги, ғирт мантиқсизлиги исботланган ахборотлар, мишмишлар асосида мулоҳаза юритилаётгандай туюлади.

«Эҳтимол Сталин хато қилгандир ёки қўполлик қилгандир, лекин у айбдор эмас, атрофдаги одамларга ишонган, шулар туфайли хатолик содир бўлгандир, лекин барибир у улуғ одам, дохий» қабилидаги фикр-мулоҳазалар тез-тез учрайди.

Эндиликда бу «хатолик» ва «кўполликлар» нақадар қимматга тушганлиги аён бўлиб бормоқда. Сталиннинг жиноятлардан беҳабарлиги, атрофдаги одамларга ишонганлиги ҳақидаги афсона аллақачон фош қилинган: «халқлар дохийси» бевосита қонли репрессияларга дирижёрлик қилган, айни чоқда жиноятга яқин одамлари ҳам шерик бўлган.

«Аргументи ва факты» газетасининг 1989 йил 5-сонида босилган мақолада айтилишича, сталинизм қурбонлари сони 40 миллион кишига етар экан. Бу Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлганлар сонидан икки баробар кўп демакдир. Эҳтимол, қурбонлар сони бундан ҳам кўпдир.

1927—1929 йилларда сургунлар, сиёсий изоляторлар, қамоқхоналарга миллионлаб кишилар ташланган. 1930—1932 йиллардаги даҳшатли қулоқлаштириш сиёсати туфайли ўртаҳол бир неча миллионлаб деҳқон оилалари она юртларидан бадарга қилинди. 1932—1933 йиллардаги очарчилик туфайли 6—7 миллион киши қирилиб кетди. Ҳатто очдан ўлмаслик учун бугдойзорлардан бошоқ терган «бошоқ ўғрилари» ҳам жазодан қочиб кутулолмадилар.

1937—1938 йилларда — «ежовчилар» ёки «буюк террор» йиллари деб аталган қатағонда 5—7 миллион киши оммавий равишда репрессия

Таниқли мутахассислар Сталиннинг қўпол, но-тўғри ташқи сиёсати бўлмаганда, ҳарбийлар ёппасига репрессия қилинмаганда, қўмондонликда жиддий хатоларга йўл қўйилмаганда эди, умуман Улуғ Ватан уруши ҳам бошланмаслигини, қурбонлар ҳам бундан озроқ бўлишини ва уруш бу қадар узоққа чўзилмаслигини асосли далиллар билан исботлашди.

Айрим журналхонлар матбуотда Сталиннинг фақат камчиликлари бўрттириб кўрсатилаётгани, хизматлари эса мутлақо ёритилмаётганидан норози бўлиб ёзадилар: «Ватан, халқ олдида Сталиннинг хизматлари бордир, ахир!» дея хитоб қилади хатирчилик рус тили ўқитувчиси Эшмурод Пўлатов. Худди шу фикрни номлари юқорида зикр қилинган бухоролик ишчилар ҳам қувватлаб, «Бизнинг фикримиз — Сталин ҳеч қачон хоинлик қилмаган» дея ҳаёлга келмаган ғаройиб мулоҳазани ўртага ташлайдилар.

Сталиннинг хизматлари ҳақида мутлақо гапирилмаяпти деган фикрга қўшилиш қийин. Партия хужжатларида, айрим матбуот материалларида Сталиннинг маълум хизматлари қайд қилинган. Хоинлик ҳақидаги гап эса мутлақо уйдирма, халқлар «дохийси»га жиддий тарзда бундай айбнома қўйилаётгани йўқ. Қолаверса, Сталинни атай қоралаш учун йўқ жойдан «ғуноҳ»лар ўйлаб топиш шарт эмас, чунки бор жиноятларнинг ўзи ҳам етиб ортади.

Биринчилардан бўлиб сталинизм жиноятлари ҳақида бонг урган ва асосиз равишда мамлакатимиздан бадарга қилинган (Сталин даврида эмас, Брежнев даврида) ёзувчи Солженициннинг «Гулаг архипелаги» романини ўқиган китобхон ўзича сталинизмнинг фашизмдан ҳам баттар, даҳшатли система бўлганлигига ишонмай иложи қолмайди.

Репрессиялар, оммавий қирғинбаротлар тари-

хий заруратмиди, деган масала ҳам кўп баҳмунозарларга сабаб бўлмоқда.

«Қаттиққўлликга келсак (Сталин назарда тутилмоқда — Ш. О.), шароит шундай бўлишини талаб қилган. Бу албатта менинг шахсий фикрим» (Г. Раҳимова, Андижон).

«Совет давлати тикланаётган даврда шундай қаттиққўл раҳбар керак эди» (А. Тошбоев, Чимкент).

«Сталин ҳарбий қўмондонларни ўлдириб, қолганларини қаттиқ тутган. Сталин шуларни ўлдирмаганда, улар сотилиб кетардилар» (Г. Сафарова, Хоразм).

Наҳотки шундай бўлса?! Наҳотки мақсад йўлда, у ҳар қанча эзгу, олижаноб бўлмасин (Сталиннинг мақсади айримлар ўйлагандек фақат совет ҳокимиятини мустаҳкамлашдангина иборат бўлмаган), ҳар қандай дахшатли, ёвуз восита-чораларни яроқли деб ҳисоблаш мумкин? Унда яхшилик билан ёмонлик, эзгулик билан қабохат ўртасидаги чегарани йўқотиб қўямиз-ку!

Бухоролик ишчилар, «Тўғри, Сталин қўполлик қилгандир, лекин гуноҳсиз одамларни ўлдирмагандир-ку» дея «дохий»ни ўзларича ҳимоя қилиб, унга астойдил меҳру муҳаббат, садоқат изхор қилдилар.

Дарвоқе, миллионлаб сталинизм қурбонларининг гуноҳи нимада эди, — деган табиий савол туғилади.

Илья Эренбург Испаниядан қайтиб келгач, жуда кўплаб ижодкор дўстларининг қамокка олинганини эшитади. Бунинг сабабини сўраганда бир дўсти машҳур арман шоири Египше Чаренцнинг ҳибсга олинганини эслатиб, шундай деган экан: «Арманистонда Чаренци ҳаддан ташқари севардилар». Ҳа, Чаренцнинг энг катта гуноҳи унинг она халқиға суюқли, фидойи фарзанд бўлганида эди! Ҳа, сталинизмнинг қонли террор сиёсати авж олган йилларда она халқиға муносиб фарзанд бўлиш ҳам гуноҳ, ўқимишли, маърифатпарвар бўлиш ҳам гуноҳ, мустақил фикрли, адолатпарвар бўлиш ҳам гуноҳ эди!..

Сталин жаллодлари ҳатто Ленинни Разливда асраб қолган ишчи оиласини ҳам омон қўймаган. Демак, дохийға муҳаббат ҳам, инқилобға садоқат ҳам гуноҳ! Чунки оламда фақат битта одам — у ҳам бўлса Сталин ягона дохий бўлиши керак эди-да!

Сталинизм жиноятлари фақатгина қатли ом, қиргинбаротлар билангина чекланмайди, албатта. Сталин айна чокда Ленин васиятларига ҳам хиёнат қилди, казарма социализмини барпо этди; мамлакат тараққиётини бутунлай нотўғри изга буриб юборди.

Шахсга сирғиниш йилларида зарбага учрамаган, талофот кўрмаган бирон-бир соҳа қолмаган, фан, санъат, адабиёт намоедалари, жамики аҳли зукколарға қарши ялпи қиргин бошланганди.

Энг холис, одил фан бўлмиш тарих эса бутунлай қайтадан тўқиб-бичилди, сиёсатнинг қулиға айлантирилди. (Минг афсуски, тарихимиз халиҳамон оёғи осмондалигича турипти.)

Сталин XVI партия съездида халқларнинг сиёсий томондан бирлашиши билан тилларнинг қўшилиши масаласини қориштириб, тилларнинг бирлашиб, зонал тиллар, кейинроқ ягона тил пайдо бўлиши тўғрисидаги «назария»сини эълон қилди. Файласуфлар, социолог ва тилшунослар дархол бу «назария»ни ўзларича асослаб, тилларни бирлаштириш ғоясини тарғиб қила бошладилар. Тил сиёсатида ленинизмдан нақадар узоқлашиб кетишимиз, миллий тилларнинг камситилиши, миллий нигилистлар, манқуртларнинг пайдо бўлишида бу «назария» машғум рол ўйнаган.

Репрессия йилларида маданий меросимиз айнақса қақшатқич зарбага учради. Жуда кўплаб ноёб кўлэмалар, ёдгорликлар йўқ қилиб юборилди. Бу дахшатли қатагон фақат марказларда эмас, ҳамма жойларда рўй берди.

Ўзбек халқининг асл фарзандларига нисбатан қилинган қонли репрессияларнинг аламли доғи-хасрати ҳамон қалбимизни ўртайди. Халқимизнинг Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Султон Сегизбоев, Назир Тўрақулов, Инъомжон Ҳидралиев каби буюк давлат арбоблари, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Сўфизода, Отажон Ҳошим сингари юлаб адиблари сталинизм қурбони бўлдилар. Бегуноҳ қатл этилган табаррук зотларнинг хотираси олдида ҳаммамиз бурчлимиз.

Ҳар бир инсон ҳаёти ўзича азиз ва муқаддасдир. Юқорида номлари зикр этилган шахслар жумҳуриятимизда маълум ва машҳур бўлгани учун ҳам репрессия ҳақида гап кетганда биринчи галда ўшаларнинг табаррук сиймолари кўз олдимизга келади. Бу табиий, албатта. Айна чокда юртимиздан жуда кўплаб бегуноҳ оддий кишилар, зиёлилар (хорижда ўқиб келган зиёлиларнинг аксарияти сотқин, чет эл жосуси деган уйдирма, сохта айбнома билан қатл қилинган) ҳам аёв-

сиз қатагон қилинганки, уларнинг хотиралари олдида ҳам бурчлимиз.

Кексаларнинг гувоҳлик беришича, Андижоннинг биргина Қизил Юлдуз кўчасидан 1937 йилда ҳибсга олинган зиёлиларнинг деярли ҳаммаси қайтиб келмаган. Жон сақламоқчи бўлганларнинг айримлари ҳатто хорижға қочиб ҳам қутулмаганлар. Езувчи ва адабиётшунос Еқуб Яквалхўжаевнинг хикоя қилишича, отаси бола-чақаси билан Сталин репрессиясидан қочиб, Хитойда яшаган. Сталин жаллодлари отасини ўша ердан ҳам тутиб олиб кетганча йўқ қилиб юборишган. Дарвоқе, тарихимизнинг, сталинизм жиноятларининг бу қирраси хали ўрганилганча йўқ.

Сталинизм, шахсга сирғиниш, фикрлашдаги маҳдудлик, ички эрксизлик, қўрқоқлик иллатини онгу шууримизға, қон-қонимизға сингдириб кетди-ки, ундан ҳали-ҳамон қутулолмаяпмиз. Бу ҳақда таниқли драматург В. Розов шундай бир ибратли гапни айтган: «...Сталинча қабохатларнинг асосийларидан яна бири фақат зўрлаб ўтказилган коллективлаштириш, отиб ташлашлар, Гулаг архипелагига эмас, айна чокда у инсон қалбини мажруҳ-ногирон қилиб қўйди».

Ҳамма нарсани кадрлар ҳал қилади деймиз. Тўғри, ҳеч кимға сир эмаски, биз ҳозир яхши кадрларға, мураккаб ва қийин вазифаларни бемалол уддалай оладиган малакали мутахассисларға, мамлакатни инқироз ботқоридан қутқаришға қодир, халқни орқасидан эргаштира оладиган доно раҳбарларға ҳар қачонгидан ҳам муҳтожмиз. Наҳотки шундай улкан мамлакатда замонаға муносиб кадрлар етишмасе?!

Ҳа, улар бор эди, улар янада кўпайиши, ўз хунар-малакаларини келгуси авлодға мерос қилиб қолдириши мумкин эди. Афсуски улар сталинизм даврида қирлиб кетдилар. Яхшилар кетгач, уларнинг ўрнида кимлар қолиши маълум... Таъбир жоиз бўлса, биз ахоли сифати ҳақида гапиришға мажбурмиз.

Бутун бир авлодни қайта тарбиялаш қайта қу-

ТАРИХ САБОҚЛАРИ

ришнинг энг қийин вазифаларидан эканлигини кўриб турибмиз. Бу муаммонинг нақадар мушкул ва мураккаб эканлигини ҳаётнинг ўзи, туриш-турмушимиз исботламоқда.

Кўриняптики, бугунги жуда кўп муаммолар, иллатлар бевосита сталинизмға, шахсга сирғинишға бориб тақалади. Бу кишанлардан халос бўлиш ва ниҳоят ўзимизни эмин-эркин ҳис этиб, ҳақ-хуқуқимизни, ўзлгимизни танишимиз учун аввало сталинизмни охиригача фош этишимиз, унинг моҳиятини яхши англаб олмоғимиз («Неға биз ўтмишни титкиляпмиз, келажакни ўйлаш ўрниға» деб ёзади сурхондарёлик Н. Менгбоева) ва шунинг оқибатида ижтимоий-миллий онгимизни бирмунча юксак даражаға кўтармоғимиз лозим бўлади. Бусиз халқимизнинг буқилган қаддини, топталган ғурурини тиклаш қийин.

Мактубларни қайта-қайта ўқирканман, тафаккурдаги, фикрлаш тарзидаги саёзлик ва қоқоқлик, гумроҳлик ва энг ачинарлиси, **МУСТАҚИЛ МУШОҲАДАНИНГ ЙЎҚЛИГИ** фақат сталинизмға, шахсга сирғинишға муносабатдагина эмас, балки ҳар куни ўзимиз кўриб, билиб юрган туриш-турмушимизни кузатиш ва унга баҳо бериш маданиятида ҳам сезилиб қолаётганиға гувоҳ бўлдим. Шунинг учун ҳам «Агар Сталин бўлмаганда биз **ҲОЗИРГИДЕК ЯХШИ ЯШАМАГАН**, мамлакатимизда социализм сақланмаган бўлар эди» (бухоролик ишчилар), «Ҳозирги пайтда ҳамма жойда **ТУҶЧИЛИК, ҲАММА НАРСА БОР**» (Э. Шамсиев, таъкидлар бизники — Ш. О.) деб ҳисоблайдиган ўртоқларнинг (Н. Менгбоевнинг ҳозирги муаммоларни сергаклик билан, анча жонли таҳлил этувчи хати бундай шукрона мактубларға яхши жавоб бўла олади) сталинизмни зўр бериб оқлаши, «дохий»ға меҳру садоқат изхор этишиға ажаблан-маса ҳам бўлади.

Кошки турмушимиз ростдан ҳам юқорида айтилганидек фаровон, бекаму кўст бўлса! Ахир



Мусаввир Тохир Миржалоловнинг асаридан фоторепродукция

бу бизнинг 73 йилдан буён ушалмай келаётган орзу-армонимиз-ку! Узоқ вақтгача социализмда бой, камбағал бўлмайди, ҳамма бирдек, тенг яшайди дея ўзимизни ишонтиришга уриниб келдик. Мана энди аҳолининг анчагина қисми қашшоқликда, муҳтожликда яшаётгани баралла айтилмоқда. Ҳатто йирик шаҳарларда моддий жиҳатдан оғир аҳволда яшаётганлар учун махсус текин ошхоналар ташкил этилмоқда...

Биз кўпинча ижтимоий-сиёсий воқеаларга, ўтмишда ўтган тарихий шахсларга баҳо беришда меъёрни унутамиз, мақтасак кўчларга кўтариб, пайғамбар, даҳо, дохий даражасига чиқариб қўямиз, танқид қилсак (аксарият ўлимидан кейин) бутунлай қоралаб, нақ қулোগигача ерга киргизиб юборамиз. Мабодо сталинизм, шахсга сиғиниш танқидида ҳам шундай бирёқламалikka йўл қўйилмаётимикин? Балки шу ҳақда битилган мактубларда жон бордир?!

Адолат юзасидан ўзимга шундай саволларни берарканман, ёзувчиларнинг Абхазиядаги ижод уйда таникли драматург Озод Абдуллин билан бўлган гурунг-сухбатлар эсимга тушди. Кўпинча гап мароми айланиб келиб Сталин ва сталинизмга тақалаверарди. Сабаби кейин маълум бўлди — ога худди шу ҳақда пьеса ёзиш учун тайёргарлик кўраётган экан.

— Йўқ, — деди ога хотиржам оҳангда. — Мен сталинчи эмасман, сталинизм жиноятларини оқлаб бўлмайди. Биз ҳамма нарсада Сталинни айблаймиз, асл муаммолардан одамларни атай чалғитяпмиз. Аслида бундай эмас. Сталин шахсиятига уни қоралаш нуқтаи назаридангина қаралаётгани учун ҳам танқид қилиш ўнғай бўлмоқда. Ахир битта одамнинг ўзи нукул оқ ёки қора бўлиши мумкинми? Мен ҳозир Сталин ва сталинизм ҳақида айтилаётган ҳамма гаплар абсолют ҳақиқат деган фикрдан йироқман, холос. Яна 50 — 100 йилдан сўнг нима бўлади — ана ўша нарса ҳақиқат!

— Янги пьесангизда беихтиёр Сталинни оқлаб юбормайсизми?

— Йўқ, айти чоғда ҳозирги гапларни ҳам такрорламоқчи эмасман. Унда пьеса ёзишимнинг кераги йўқ. Мен учун Сталин ва сталинизм моҳиятини англаш, идрок этиш жараёни муҳимроқ. Яқинда анча юксак доирада қилинган сиёсий докладда «Сталин репрессияси» деган ибора такрор-такрор қўлланди. Нотўғри гап! Бунақа бўлиши мумкин эмас! Репрессия битта Сталинники эмас. Репрессия учун айти чоғда Сталин, Сталиннинг атрофидаги одамлар ҳам, бутун система, шунингдек халқ ҳам айбдор.

Озод оғанинг мулоҳазалари теран, мустақил мушоҳадага чорлаши, Сталин ва сталинизм танқидига ҳам танқидий ёндошиш лозимлигини эслатгани билан қимматлидир. Айти чоғда бу мулоҳазалар сталинизм жиноятларини заррача хаспўшлаш ёки улардан кўз юмишга асос бўлолмайди, албатта. Шунинг учун ҳам «тарихни титкиламаслик» ёки «ўлган одамни тинч қўйиш — ҳақидаги тақлиф-ўғитлар ҳақиқат ва адолатни юзага чиқаришга хизмат қилмайди. Ҳали Сталин ва сталинизм ҳақидаги бор ҳақиқат айтилган, ҳақ жойида қарор топгани йўқ! ТАРИХ ҲУКМИ деган олий тушуқчани бир дақиқа бўлсада унуттишга ҳаққимиз йўқ.

Сталинизм, шахсга сиғиниш ҳақидаги муҳим тарихий ҳужжатлар, матбуот материалларини мутлақо тан оломочи, аниқроғи, уларни ёлғон, уйдирма деб ҳисобловчи «содиқ ва собит» сталинчилар тоифаси ҳам бор! Ажабо, уларга орамизда, бевосита Сталиннинг даҳшатли қамоқхоналарида, сургуналарида ўн, йигирма йиллаб ҳеч қандай гуноҳсиз азоб чеккан кишилар борлигини, Саид Аҳмад, Шукрулло, Шухрат каби халқимизнинг севимли адиблари ҳам асоссиз қораланиб, ноҳақ жазога тортилганини айтсангиз ҳам фикрини ўзгартирмаслиги, «дохий»га содиқ қолавериши мумкин.

«Дунёни ўрташга бир «оҳ» етади» деган экан донолардан бири. Ахир сталинизмдан азият чеккан, қурбон бўлганларнинг «оҳ»лари бир жойга жамланса наинки дунёни, балки бутун коинотни ларзага солиб, остин-устун қилиб юбормайдими? Бундай ларза-зилзилалар сталинизм моҳиятини теран англаган қалбларда кечмоқда...

«Сталин жуда ҳам буюк инсон, у дохий! Сталин ҳамиша биз билан! «Сталин барибир тарихда қолади!» дея комил ишонч билан айтилган башоратлар заминда ТЕСКАРИ ҲАҚИҚАТ борлигига аминман!

Ҳа, қачонки ўзлигимизни танимасак, ҳамиша юқоридан кўрсатма-буйруқ кутиб яшаш одатидан, мутелик, тобелик психологиясидан қутулолмасак, Сталин ҳамиша биз билан қолаверади!

Ҳа, Сталин албатта тарихда қолади, аммо дохий сифатида эмас, ўз халқининг жаллоди сифатида, разолат ва қабоҳат рамзи сифатида қолади!


«Журнал саҳифасида Қизлархон Дўстмухамедова билан учрашув ташкил этилган».

«Қизлархон опа билан бир марта суҳбатлашсак армонимиз йўқ эди».

Муштарийлардан келган аксари мактубларда шунинг сингари талаб ва истакларни ўқиймиз, уларни адо этишга киришамиз. Сўраб-суриштириб Қизлархон опанинг телефон рақамларини аниқлаймиз. Бир, икки, уч... марталаб кўнғироқ қиламиз — жавоб йўқ. Ниҳоят, телефон дастаги кўтарилди.

— Лаббай.
— Биз «Еш куч»дан, Қизлархон опа...
— Мен онасиман, майли, тайинлаб қўяман, кизим.

Қимматхон аянинг кўмаклари асқотди — оранда 2—3 кун ўтиб Қизлархон опа билан учрашдик.



«Қизлархондек таниқли санъаткор билан қандай гаплашар эканман?» деган шубҳа-ю хавотирланишим бир зумда тарқадик-кетди, чунки Қизлархон опа эҳтиросларга тўлиб-тошиб, гоҳ кулиб, гоҳ жиддий гапиряптилару, гўё рўпарамда сирдош дугонам кўнгил сирларини ошкор этаётгандек...

— Ҳозир рақс ҳақида, санъат тўғрисида гаплашиш ҳам ғалати туюлади. Атрофда бўлаётган воқеаларга қаранг: журналлар, газеталарни ўқиб улгурмайсиз, телеэкранда кети узилмаётган съезд, сессияларни айтмайсизми!.. Шундай пайтда уйингда тинч ўтиролмайсан — воқеаларга фаол аралашинг келади, мулоҳазаларингни тўкиб солгинг, ўртоқлашинг келади...

— Кейинги пайтда кўпроқ нимадан қаттиқ таъсирландингиз?

— Уш воқеасидан! Жуда хафа бўлдим, Матлубахон! Қирғизлар билан неча замонлардан буён бир халқ-бир элат бўлиб яшаётганимиз кимларга ёқмади, кимларга зарур бўлди орамизга нифок солиш?! Одамнинг боши қотиб қолади... Шундай пайтда Урта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриялари раҳбарларининг учрашуви тарихий ҳодиса! Муносабатларимиз шу тариқа яхшиланса Уш, Фарғона воқеалари такрорланмаслигига ишонаман!

Ўзбекистонимизнинг мустақиллик декларацияси ҳақида ҳар қанча гапирсак оз. Ахир бу тарихий ҳодиса! Мустақилликка нима етсин, ҳамма нарса мустақилликдан бошланади, ахир! Одамлар мустақил бўлса, жумҳуриятлар мустақил бўлса...

— Кимларни мустақил кишилар деб биласиз?

— Узоққа боришнинг ҳожати йўқ — Сахаров, Ельцин мустақил шахс даражасига етишаман деган ҳар қандай ёш учун ўрнак бўла олади. Шундай кишиларга ҳавас қиламан.

— Яқин йилларда аҳвол қандай бўлади деб ўйлайсиз?

— Мен сиёсатчи эмасман. Иттифокда билмадиму, жумҳуриятимизнинг мустақиллиги амалга ошса — аҳвол яхшилик томонга ўзгаради деб ўйлайман.

— Шундай мураккаб шароитда санъатнинг ва-

зифаси, аҳамияти қандай бўлади?

— Ҳар қандай шароитда санъатнинг вазифаси — моҳияти сақланиб қолади. Ҳозирги ижтимоий аҳволнинг бевосита таъсирига келсак, айти вақтда санъатнинг, ҳусусан рақс санъатининг аҳоли ачинарли! Битта мисолни олайлик — Мукаррама опа, Гавҳар опа, Тамарахоним, Белла Артёмовна, Оқилловлар сулоласи... булар ўз соҳасида мактаб яратган устозлар. Том маънодаги санъаткорлар. Ҳўш, нега бундай устоз санъаткорлар етишмаяпти? Раққосаларнинг саногии йўқ — санъаткор даражасидагилар эса ҳисобли. Бунинг бош сабабчиси — жумҳурият санъати санъатдан йироқ кишилар қўлига ўтиб қолган!

— Фикрингизни раққоса ва раққосларнинг жумҳурият кўрик мусобақаси «Нафосат — 90» мисолида давом эттирсангиз?

— Яхши эсга солдингиз. Ўзингиз қатнашдингизми?

— Мен сўнгги — ҳал қилувчи кунги чиқишларни кўрдим.

— Биринчи эътирозим: кўрикда раққосалик касбида меҳнат қилаётганлар билан ҳаваскорлар аралашиб кетган. Масалан кўрик ғолиби «Баҳор» раққосаси Шаҳноза Фозилжоновна билан олис вилоятлардан келган ҳаваскор қизларимизнинг маҳоратини қиёслаш қийин, албатта.

— Шаҳнозанинг қушдек енгил ҳаракатлари, рақс услуби унинг онаси Гулчехра опанинг рақсларини эслатмадими?

— Маълум маънода фикрингиз тўғри. Қайси раққосага қараманг кимдир эслатади. Ўзи эса кўринмайди. Тушунайсизми, раққоса ўз «мен»ини намоён этиши керак. Санъаткор сифатидаги ўзлиги, мустақиллигини англамаслик ва шу туйғун юксак маҳорат-ла ижро этмаслик — боғия айтганимдек сон-санокис раққосаларимиздаги энг катта иллат шу! Шунингдек ҳар бир раққоса ўз миллий рақсларини қойиб қилиб ижро эта билишларини истардим. Чунки айрим раққосаларимиз арабча рақслар орқали элга танилмоқчи, шухрат қозонмоқчи бўладилар. Бу билан узоққа бориб бўлмайди. Ўз тарихини, маданиятини, миллий рақсини билмаган раққоса бошқа миллат рақсини, унинг тарихини қандай тушунсин! Ҳар ҳолда ўзлигимизни сақлаб қолсак дердим. Рақс санъатида ҳам бошқа санъат турларида бўлганидек ҳар кимнинг ўз қарашлари шаклланмоғи лозим.

— Илмий тилда концепция дейилади. Масалан, Сизнинг концепциянгиз нималарда умумлашган?

— Меникимми?.. Меники... Мен узоқ ўтмиш билан яшайман. Хаёлан, ҳатто жисман Навоий даврида яшаётгандек бўлавераман. Биласизми, худди ўша даврда туғилганману мана энди — XX асрда яшаётгандекман. Зебуннисонинг ғазалларини ўқиганда ўша донишманд, қалби гўзал шоиримизнинг сувратини кўргандек бўлавераман. Рақсга тушаётганда шундай хаёлларга ғарқ бўлиб ўзлигимни унутмасам — рақс жозибали чиқмайди. 1979 йили Навоий таваллуди байрами билан саҳнага чиққандим. Тақинчоқлардан тортиб бош-оёқ либосларни Навоий даврига мослаштириб танлаганман. Юбилей арафасида тушимда ҳазрат Навоийни кўрдим. Гаплашдим ҳам. Эртасига кечгача сира кўз ўнгимдан кетмади

БИЛАН

у кишининг сиймоси. Кейин, саҳнада ўйнапману залнинг махсус бир чеккаси — ложада буюк сўз султонининг ўзлари ўтиргандек, у кишининг назарларига сохта туйғулар билан тушиш гуноҳи азимдек! Рақсни қандай ниҳоясига етказганимни билмайман!..

Демак, мен санъат деб тушунган ва рақсларимда ифодалашга уринадиган ақида — классик сўз санъатимизга хос бўлган — Темур, Навоий даврида юксак мақомига етишган ўзбек миллий маданиятига мансуб маъно-мазмуни тўла вазминлик, дилбарлик, нафосат! Ҳар бир рақсим маълум маънода ушбу мақсадга хизмат қилмоғи керак, хизмат қилмаса — мен ундай рақсларни ўзимга эл кўрмайман.

— Бундан чиқди, дуч келган мусиқага рақсга тушавермайсиз?

— Турган гап. Оҳанги, чалиниши, суръати — темпи қандайлигидан қатъи назар ўртага тушиб кетаверадиган раққосанинг тўйгачопар яллачидан фарқи қомайди. Куйни вужуд-вужудингдан ўзингизни қилиб олмасанг, ўз мусиқангга айлан-

тирмасанг рақс ҳам ўзингники бўлиб чиқмайди. Ҳшатиш жоиз бўлса — ўзгага бичилган либосда ўзини кўз-кўз қилаётганга ўхшаб қолади одам.

— Дарвоқе, тўйдан гап очдингиз. Кўнглингизга келмасину, Сизни сира тўй давраларида ўртага тушмаган дейишади.

— Шундай.

— Яқин қариндош-уруғларникида, ёр-дўстларникида қанқо қиласиз?

— Оқшом дастурхони ёзилмасдан илгарироқ бораману қайтаман.

— Қайтишнинг иложи бўлмас-чи?

— Унда, кўпинча таванхонага кириб оламан, ўша ердаги юмушларга қарашиб тураман.

— Ўзингизни «Ўтмишнинг одами» деб ҳис қилишга қийнаймайсизми?

— Бу кийин эмас: классик халқ куйларини ёлғиз ўтириб тингласам хаёлан учаман-кетаман... Айтдим-ку, Зебунисо газалларини кўп ўқийман. Сўнг, тарихий асарларни... «Ўтган кунлар» ни юз мартадан кўп ўқиган бўлсам керак!

— Нега Кумушнинг фильмдаги ролини ўйнамагансиз?

вол!.. Бошқа бир қусур: эртапишар сохта санъатчилар бемаза қовуннинг уруғидан ҳам кўп! Ҳатто энг кўп оғизга тушган — оммалашган хонандалар ижрозчилиги ҳам ҳақиқий санъатдан йироқ. Шовқин бор, сўзалар йиғиндиси бор, овоз бор — санъат йўқ!

— Яккаҳон хонандалардан ҳеч кимни ёқтирмайсизми?

— Нега, ёқтираман: Маъмуржон Узоқовнинг маҳоратига яқинлаша олган биронта мардни кўрмадим ҳали саҳнада. Фахриддин Умаров-чи! Санъатимизга ҳеч бир хонанда у кишидек юлдуз бўлиб кириб келмаган. Қўшиқ ижросида, мусиқа танлашда, овоз йўллариининг тобланишида баҳс бойлаша оладиган ким бор? Ҳеч ким!

— Бошқа санъат турларини ёқтирмайсизми?

— Балет — олий санъат! Унинг имкониятлари чексиз — хаёллардан ҳам чексиз!... Симфоник оркестр ижросидаги куйлар инсонни улугълайди, қалбни кўкларга олиб чиқади.

— Балетчи бўлишни орзу қилмагансизми?

— Учинчи курсгача ТошДУнинг биология факультетида ўқиганман. Қизалоқлик чоғимдан рақсга ҳаваскор сифатида қатнашиб юрганим сабаб бўлдию ўқини ташлашга тўғри келди... Аслида ҳуқуқшунос бўлишни орзу қилардим.

— Сиз-а? Қандай қилиб?

— Алдам-қалдани ёқтирмайман, адолатсизликларни кўрганда тоқатим тоқ бўлади. Атрофда эса адолатсизлик бижғиб ётибди. Энг ёмон кўрганим — бефарқлик, лоқайдлик. Шундан бўлса керак ҳар ким билан ҳам чиқишавермайман.

— Яқин дугонангиз, сирдошингиз бордир?

— Бор. Дугонам ҳам, сирдошим ҳам, маслаҳатгўйим ҳам — Онам! Нимага эришган бўлсам бари Онам ғамхўрликларининг самараси!

— Турмуш ўртоғингиз-чи?

— Албатта, оиланг боши эркак киши, фарзандларимиз Раҳимжон, Азизжон ҳаммамиз бир бўлиб у кишининг ижодий ишларига имконият яратишга ҳаракат қиламиз, ахир у киши — Абдурауф Каримов докторлик илмий даражасига эришсалар бутун оила аъзоларимиз учун шодиёна бўлади-да!

— Оилага даҳлдор яна бир савол бор эди.

— Қани, эшитайчи.

— Турмушга чиқаётганингизда раққосалигингиз ҳалал бермаганми?..

— Саволдан кўзлаган мақсадингизни тушундим. Раққоса ва оила муаммосидан сўз очмоқчисиз шекилли?

— Шундай.

— Аввалига у кишининг тарафларидан норозиликлар бўлган. Биз барибир аҳдимизда қатъий турганмиз. Мана, оиламиз рисоладагидек, бошқалардан кам жойимиз йўқ. Худого шукур, аҳилноқмиз.

— Кечирасиз, турли гап-сўзалар...

— Одам турли гап-сўзаларга қараб яшамаслиги керак. Оила дийнат, виждон, ҳалоллик асосига қурилган бўлса ҳар қандай майда гап устидан кулиб яшаш мумкин. Бунинг учун ирода қаттиқ бўлиши шарт. Умуман гўзалликни ҳис қилган одам руҳан бардошли ҳам бўлади.

— Раққосаликни орзу қилиб хат ёзган қизларга қандай маслаҳат берасиз?

— Раққоса бўлишга маслаҳат бермайман.

— Жиянингиз Шахло «Баҳор» да эмасми?

— «Баҳор» да эди, ҳозир рақсени йиғиштирдим. Хурсанд бўлдим. Ахир раққосаликни орзу қилган қизлар бошқа бирон касбнинг бошини тутсин, оила курсин, фарзандларига она, турмуш ўртоғига меҳрибон рафиқа бўлсин, раққосалик қочмайди — истедодди бўлса рақсга тўшаверади. Раққосаликни касбга айлантириш мутлақо шарт эмас.

— Ҳаётингизни қайтадан бошласангиз раққоса бўлмас эдингизми?

— Айтдим-ку — юрист бўлардим!..

— Ҳозир иш жойингиз қаер?

— «Шодлик» ансамблида 25 йил хизмат қилдим. У ерни ташлаб кетиш осон кўчмади, афсуски, мажбур бўлдим... Ҳозир Маданият институтида миллий мусиқа кафедрасида рақс санъатидан дарс бераман. Театр жамиятида ҳам ишлайман.

— Ўзбекистон халқ артистларининг маоши кўп бўладими?

— (Кулиб) Сиз сўраманг — мен айтмай!..

— Қайси фаслни ёқтирасиз?

— Куз фаслини. Куз тинч, осойишта, жимжит. Руҳим енгил, кайфиятим яхши бўлади. Одам ўйчан бўлиб қолади кузда...

— Илоё, фақат кузда эмас, бошқа фаслларда ҳам кайфиятингиз аъло бўлсин.

— Раҳмат.

Сўхбатдош — Матлуба МАҲКАМОВА.

Салом «Еш куч!» Мен футболчи бўлишни жуда жуда орзу қиламан. Эшитишимча, Тошкентдаги футбол мактаб-интернатида футболга кизиққан болалар ўқитилар экан. Шу ҳақда журнал орқали аниқ маълумот берсаларинг.

Ғолиб РУСТАМОВ,
Самарқанд вилояти.

Футболга йўл шу ердан бошланади

Жумҳуриятимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида яшовчи ўсмирлардан редакциямизга бу мазмундаги жуда кўплаб мактублар келади. Уларнинг илтимосига кўра жамоатчи муҳбиримиз Г. Титов номдаги жумҳурият спорт мактаб-интернати директори Иркин Гиёзов билан сўхбатда бўлди.

Муҳбир:— Кўпчилик ўқувчилар редакциядан футболчи бўлиш учун қаерда таҳсил олиш кераклигини сўрашади. Айтингчи, сизнинг мактаб-интернатида неча ёшдан, аниқроғи нечанчи синфни битирганлар қабул қилинади?

И. Гиёзов:— Бизнинг мактабга асосан 8-синфни битирган ўғил болалар қабул қилинади. 9—10-синфларда ўқийдиган ўта маҳоратли ўқувчилардан ҳам битта-иккитасини танлаб оламиз. Шунинг ҳам унутмаслик керакки, бу ерга келгунча ҳам ўқувчи мактабидаги футбол тўғрақларида уч-тўрт йил мунтазам шугулланган бўлиши шарт.

М:— Қабулда нималарга эътибор берилади. Қандай шартлар асосида ўқувчилар танлаб олинади?

И. Г:— Ҳар соҳада бўлгани каби футболнинг ҳам ўз сир-асрорлари бор. Футболда асосан ўқувчининг тўп узатиши, қабул қилиши, ўйин жараёнидаги ҳаракатлар боғлиқ машқларни бажаришига алоҳида эътибор берилади. Шундан сўнг комиссия маъқул топса, қабул қилинади. Мактабимизга қабул ҳар йили 1—10 июнь кунлари ўтказилади. Менимча, журналхонлар қанча ўқувчи қабул қилинишига ҳам қизиқса керак. Бу борада албатта имкониятларимиз чекланган. Йилгилан 500 тача боладан атиги 15 тасини оламиз, холос. Уларнинг ҳам ярмини рус бўлимига қабул қиламиз.

М:— Қандай ҳужжатлар асқотади?

И. Г:— Бу борада бизда ташвиш кам. Бирдан-бир керак бўладиган ҳужжат бу — соғлиги тўғрисидаги маълумот.

М:— Бу ерда ўтиладиган дарсларнинг бошқа мактаблардаги дарслардан фарқи борми?


И. Г:— Кўпчилик футбол мактабиде фақат тўп тептирса керак, деб ўйлайди. Модомки, бизда ҳам худди мактабдагидек барча фанлар ўтилади: кунига 6 соат ўқишга, 5 соат машғулотларга ажратилган. Мактабимизнинг вазифаси ёшларни ўзи севиб танлаган спорт тури билан мунтазам шугулланиб, унга тааллуқли бўлган барча сирларни эгаллашга кўмаклашиш ва шароит яратиш беришдир.

М:— Бу мактабни битириб чиққанларга бериладиган имтиёзлар нималардан иборат?

И. Г:— Ҳа, ёдимдан кўтарилай дебди. Бизда мактаб-интернатдан ташқари спорт билим юрти ҳам бор. Уни тугатганлар «Спорт бўйича тренер» мутахассислиги бўйича диплом олишади. 11-синфни тугатганларга эса худди мактабдагидек аттестат берилади. Хоҳловчилар бизнинг йўлланмамиз билан жумҳурият физкультура институтининг иккинчи курсига имтиҳонсиз қабул қилинади. Ўз-ўзидан маълумки, яхши ўйинчи ерда қолмайди. Даргоҳимизда маҳоратли тўптепар даражасига етганлар жумҳурият миқёсидаги футбол командаларида, қолаверса, биринчи ва олий лига командаларида тўп суриши мумкин. Барчаси ўқувчининг ўзига боғлиқ.

М:— Сўхбатингиз учун раҳмат.

Сўхбатдош — Абдусамат РАҲИМОВ



ЎТМИШИ

— Раъно ролига таклиф қилишган. «Меҳробдан чаён»даги. Барча синовлардан ўтгандим, синов учун туширилган лавҳалар ҳам сақланган, фақат сўнгги босқичда натижа ўзгариб кетди...

— Кино актёрларидаги қандай фазилатларни ёқтирасиз?

— Кам ҳаракат билан кўп мазмунни ифодалашни. Биласизми, рақсда ҳам шундай: кимдир шунақанги кўп ҳаракат қиладики, кузатиб ўтирасану ҳаракатлар замирида мазмун, айтилмоқчи бўлган гап йўқлигини сезасан. Одатда ялла усулидаги раққосаларда шундай бўлади. Улар асосан томошабинга эҳтирослар орқали таъсир қилади. Оз ҳаракат орқали кўпроқ тафаккурга овуқа берилса рақснинг салмоғи ортади. Дастлаб АҚШга борганимда шундай бўлган эди. Аввалига ўйладим: «Муножот» анча чўзилади, америкаликларга маъқул бўладими-йўқми?» деб кетидан шўхроқ мусиқа танладим. Вунни қарангки, ўзбек санъатидан мутлақо йироқ одамлар «Муножот» ни чунона олқишлашдики, боғиндай хаёлга борганимга ўзим ичимда хижолат бўлдим.

Саволингиздан чалғитганим йўқ, чунки, кино актёрларида, умуман санъаткорда Худо ато этган бир хислат бўлади, уни ана ўша хислат санъаткор қилиб туради. Ботир Зокировнинг кўзлари... куйлаётган пайтидаги туриши... Эътибор қилганимиз, эстрада кўшиқчиси қимир этмай куйлапти. Мен раҳматли Ботир ақанинг кўзларида, ҳаракатиз қотиб туришларида ҳозирги бир нафас ҳам тинмай ирғишлайдиган кўшиқчилар хатти-ҳаракатидан кўра кўпроқ мазмун топаман. Вячеслав Тихоновнинг кўзлари ҳам «гапирадиган» нигоҳ!.. Кейин, Ҳамза Умаровнинг овози ноёб!.. Бундай санъаткорлар камдан-кам келади дунёга!..

— «Муножот» америкаликларга маъқул бўлганча...

— Ушандан бошланди океан узра дўстлигимиз. У ёқда «Тановар» ансамбли ташкил этилди. Америкалик раққосалар соф ўзбек либосида раққосалигимизни ўргана бошлашди.

— Ўтган йили ҳам бордингизми, АҚШга?

— Бордим. Таассуротларим кўп. Айниқса, Вашингтонда Амир Темурга бағишланган кўргазмада иштирок этганим, ўша ерда бир оқшом ўзбек рақс санъатини намойиш этиб юксак дидли америкаликлар олқишига сазовор бўлганимни сира унутмайман.

— Яна биронта воқеани айтиб беринг?

— Нью-Йоркнинг гажум кўчаларидан бирида кетаётгандик. Тўсатдан бир дўкон эшигидан соф ўзбекча «Ассалом...» билан бир киши чиқиб келди.

— Ўзбекмисизлар? — сўради у тавозе билан.

— Ҳа.

— Вир пиёла чой ичиб кетмасанглар мени ранжитган бўласизлар... Тасаввур қиялсизми, Нью-Йоркдек шаҳри азимда тўсатдан чойга таклиф қилинайсиз. Кейин ўйладим: чойга таклиф қилиш фақат ўзбекларга хос гўзал инсоний одат экан. Америкалик бўлиб кетибдию, қондаги соф ўзбекона лўфни унутмабди боғи одам!..

— Ҳозирги санъатимизда Сизни энг ташвишлантираётган қусурлар нимада?

— Юқорида қисман айтдим: санъат тасодифий раҳбарлар эсимда қолиб кетди! Маданият вазирлигидан тортиб театр жамиятигача — шу аҳ-

ЯШАЙМАН

Мақоласи (1990 йил, 6-сон) эълон қилинган...

Кечиккан маслаҳатлар

Менга мақола ёқди. Қани энди ўта масъулиятли жинсий ҳаёт ҳақида ҳикоя қилувчи бу мақолани 9 йил аввал ўқиганимда... ҳаётим ҳам бошқача бўлармиди. Афсус. Мен турмушга чиқмасимдан аввал бу ҳақда кам маълумот билганимга ачинаман. Турмуш қурганимга 9 йил бўлди. Лекин ажралиш-ажралмасликни билмай турибмиз. Мақолани ўқигач, кимдан маслаҳат олишни тушундик. Бунинг учун сизларга катта раҳмат.

Салом билан Т. Ҳ. Андижон вилояти Ленин ноҳияси.

Кўр ота-оналарга ҳасса!..

Мақолада бемаъни фильмлар ёшларнинг онгини захарлаб, уларни жирканч ишларга ундаётганлиги тўғри таъкидланибди. Бунга менинг ҳаётим яққол мисол.

...Кунлардан бир кун дадам уйга видеомагнитофон олиб келдилар. Агар фильм ёқса, видеомагнитофон қолади, дедилар. Оиламизнинг барча аъзолари — мен, 16 ёшли акам, ойим ва дадам билан фильмни томоша қилдик. «А» операцияси» деб номланган бу фильмда ёш бир йигитнинг қувноқ саргузаштлари акс этган экан. Кейингиси Шао Линь ҳаётига оид эди. Хуллас, фильмлар ёқиб, видеомагнитофон ҳам ўзимизда қолди. Акамнинг айниқса қувончи чексиз бўлди.

Бир кун уйда ёлғиз ўтирган эдим. Дадам, ойимлар ишда эди. Уйга ҳовлиқиб акам кириб қолди. У жудаям хурсанд — негаки қўлида иккита кассета бор эди. Дадам йўқликларига қарамай руҳсатсиз видеомагнитофонни кўйдик. Биринчи фильмни кўрқув ва ҳаяжон билан томоша қилдик. Чунки фильмда бир одамхўр махлуқ ҳақида ҳикоя қилиниб, унинг одамларни ўлдириб ейишлари ниҳоятда даҳшатли, фильмнинг номи ҳам «Ииртқи» эди. Бироқ кейинги кино уятсиз фильм экан. Мен «ака, уялмайсизми, ўчиринг, дадамга айтаман» деб қичқирдим. Эсанкираб қолган акам бироз туриб мени тарсакилади-да, хонамга пўписалар билан қамаб қўйди. Узи эса фильмни кўрди. Мен йўғлаб анчадан кейин овуңдим. Бир соатлардан сўнг хонамга акам кириб келди. Унинг вазоҳати жуда ёмон эди. Кўзлари олайиб менга яқинлаша бошлади. «Тинчликми, ака?» дейишини биламан, у ўзини мен томон ташлади. «Дада», деб қичқирганимни фақат акам эшитди холос... Кейин акам «дадамга айтсанг ўлдирман» деб қичқиб кетди. Мен — номуси топталган қиз дадам, ойимнинг жаҳлидан кўрқиб айтмадим. Бир ҳафтадан сўнг эса ўзимни ёмон ҳис қилдим. Ҳозир... ҳайз кўрмаймман. Бу кунимдан ўлганим яхши.

«Еш куч», хатимни журналда эълон қилгин, токи бу «видео»си бор оилаларга сабоқ бўлсин. Видео олмақчи бўлган оталар ўйлаб кўрсинлар. Кейинги тақдирим нима бўлади, билмайман. Ёлғиз умидим сендан. Фақат исми шарифимни эълон қилма...

Тошкент шаҳри.

Ўзбекларни ёмон кўрсатибсизлар

«Еш куч» журнаlining таҳрир ҳайъатида 17 киши ишлар экан. «Никоҳнинг биринчи кечаси»ни яхши ёзибсизлару, «200 дан ортиқ хат келди, улардаги 150 та қизнинг номусини яқинлари, акалари поймол қилган экан» деганларинг нимаси? Шу сон айтилиши шартмиди? Сизлардан нафратланмай бўладими? Ахир бу 150 сони ўзбек халқининг бетига балғам чаплаш-ку?! Буни ўқигач, ҳамма «ўзбеклар ўз қизи, синглиси билан жинсий алоқа қилар экан» деб устимиздан кулишмайдими?

Агар қизлар, аёллар ўзига маҳкам бўлса, ҳеч қайси эркек уларга қўл теккиза олмайди. Тарбияни ота-оналар буяпти. Қизининг сонини кўрса индамайди. Шукурлар бўлсинки, қишлоқда бу гап йўқ. Ҳамма имонсизликлар шаҳарда. Энди ўзбекларни ёмон кўрсатишни тўхтатинглар.

Умар ЮНУСОВ,
Сирдарё вилояти Ховос ноҳияси,
Тимирязев совхоз.

Бизларга сабоқ бўлди

Ҳурматли «Еш куч»! Журналнинг 6-сонида босилган «Никоҳнинг биринчи кечаси» мақоласи бизларга катта сабоқ бўлди. Биз уни ўқиб кўп нарсаларни билиб олдик. Сизлардан илтимос, энди журналнинг ҳар бир сонида ҳаётда учрайдиган шундай воқеалардан ёзиб туринглар. Биз ёшлар жинсий тарбияни журнал орқали олсак, кони фойда бўларди.

Қашқадарё вилояти Чироқчи ноҳиясидаги
Ҳ. Абдуллаев номли мактаб,
11-а синф ўқувчилари.

Номард аканинг мактуби

Журналнинг 6-сонида «Никоҳнинг биринчи кечаси» мақоласини ўқидим, ярам яна янгиланди. Негаки унда номусларини акалари поймол қилган кўпгина қизларнинг аянчли тақдири ҳикоя қилинибди.

Мен бир муртад инсонман. Мен ҳам ўз синглимнинг номусини бузганман. Буни мен тушунмаслик, тарбиясизлик орқасида қилганман. Агар «Еш куч»даги мақолани илгарироқ ўқиганимда, жинсий тарбияни эртароқ олганимда бу ҳол юз бермаган бўлармиди...

Ушанда ёшим 15 да, синглимники 13 да эди. Ота-онам ишда бўларди. Бир кун синглим менинг ўрнимда ухлаб қолган экан. Секин ёнига бориб ётдим. Ўзимни ноҳуш ҳис этдим. Синглимни аста ечинтираётганимда у кўзини очди, лекин индамади (Уям жинсий тарбия кўрмаган, мен каби хомсут эмган банда)... Хуллас бу воқеа бир йилча давом этиб, охири сиримиз фож бўлди. Синглим ўрил туғди, мен қамоққа равона бўлдим... Қамоқда ўтирган йилларим кўп нарсаларни ўйладим. Менинг бу гапларимни ўқиб, биламан, мenden нафратлигиб турибсизлар. Шошманглар, танангизга бир ўйлаб кўринглар. Мenden нафратлишига улгура-сизлар. Ахир 15 ёшда мен ўша жиноятни содир қилган эканман, бунда мени юз фоиз айбдор қилиш тўғрими? Ушанда мен бу ишни шу қадар ёмон оқибатларга олиб келишига ақлим етмаган-ку? Ахир менга буни на ота-онам, на ўқитувчиларим ўқитишмаганди-ку? Қамоқда ўтирганимда қонуннинг мен жазоланган моддалари билан қамалган кўп тенгдошларимни кўрдим. Уларнинг кўпи мен каби гўрлик, тушунмаслик туфайли ҳаётини ёшилигидан издан чиқарган эди. Айниқса, Ориф исмли самарқандлик бир йигитга кўп раҳмим келарди. У билагон, агар ҳаётда шу машғум ҳодиса юз бермаса мактабни олтин медаль билан тугаллаши аниқ экан. Бир кун қизиққонлик билан ёмон болаларга қўшилибди-да, бир бузуқ аёлликка борибди. Бир лаҳзалик ишрат учун у энди умрбод хирож тўлашга маҳкум.

Мақолада қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг зарари тўғри таъкидланибди. Менинг ота-онам ҳам амакиваччаларнинг болалари бўлишган. Эҳтимол, мendaги калтафаҳмлик, етишмовчилик улар ўртасидаги никоҳ туфайлидир?

Еки... юқорида бежиз мактабни тилга олмадим. Ўйлаб кўрайлик, мактаб бизга нимани ўргатади ўзи? Мактабда кўпчилик ўқувчиларнинг кейинги ҳаёти учун зарур бўлмайдиган ҳар хил математик формулалару, олди-қочди мисол-масалалардан кўра бизга умр йўлларидан учрайдиган қийинчиликларимиз, уларни енгиб ўтиш йўллари ўргатилса яхши бўлмайди? Ана шунда у мактаб деган номи оқлаган бўлардику?

Ҳурматли редакция! Ҳозир синглим турмушга чиққан, ҳаёти изга тушди. Лекин мен қамоқдан келганимга анча бўлса ҳам ишга жойлаша олмаяпман. Мен ҳам энди номимни оқлаш, ота-онамга ёрдам беришни истайманку? Ҳеч ким мени ишга олмаяпти. Узинг ёрдам бер! Акс ҳолда мен яна янги жиноятлар содир қилишим мумкин. Ёшларга эса «Никоҳнинг биринчи кечаси»даги каби берадиган маслаҳатларингни давом эттир — шунда ораимизда мен каби адашганлар камроқ бўлади. Салом билан Рустам...

РЕДАКЦИЯДАН: Биз баъзи сабабларга кўра хат муаллифининг ўз исмини кўрсатмадик. Лекин унинг шикоятини вилоят комсомол кўмитасига жўнатиб юбордик.

Бемаъни гаплар

«Никоҳнинг биринчи кечаси» мақоласи хўп бемаъни ёзилибди. Бунақа маслаҳатларнинг ёшларга ҳеч кераги йўқ. Ҳаммининг ўз калласи бор. Ортиқча мағзава гапларнинг кимга фойдаси бор? Агарда бизлар Тошкентда бўлганимизда журнални олиб бориб сизларни роса тузлардик. Афсуски масофа йироқ-да. Шунақа мақолаларни энди ҳеч ёзмаглар.

Фаргона вилояти, Эшонгузар,
Баландмачит чойхонасининг чойхўри...
(Исми шарифини ёзмайман,
хотинимдан кўрқаман)

Мавзунини давом эттиринглар

Тўғриси, гапни нимадан бошлашни ҳам билмайман. «Еш куч»нинг 6-сонида «Никоҳнинг биринчи кечаси» мақоласида ўз хатимни ўқидим, хурсанд бўлдим. Лекин хурсандлигим узоқ чўзилмади. Биз ўзбекларнинг ҳали бу мавзунини ҳам қилишимизга анча бор шекилли. Мақолани ўқиб биз кўп нарсани ютқазиб бўлганимизни ҳис қилдим. Одамлар қизиқ, бурнининг нарғини кўришмайдиган бўлиб қолишган. Улар мени шу «оддий нарса»ни ҳам билмасликда, яна «ўзбекчиликка зид иш қиланликда» айблашади. Уларга қараб туриб мен «худо одамнинг устидан кулмоқчи бўлса, ақлидан, фаросатидан маҳрум қилади» деган доно фикрнинг нақадар тўғрелигига яна бир марта тан бераман. Абдулла Орипов бир шеърда «маймунни масҳара қилиб турган телба киши»нинг ҳолатидан ҳикоя қилган эди.

Истардимки, «Еш куч» бу мавзунини давом эттирсин. Мен бошқаларнинг фикрига қарши «қасдма-қасдига» шу мавзудаги материалларни тўплайман. Сизлар ҳам марказий матбуотдан маҳаллий шароитимизга мос келадиган баъзи мақолаларни таржима қилиб турсангиз фойдадан холи бўлмас эди. Балки буларни бора-бора бизникилар ҳам тушуна борар. Мен олимлар томонидан тўпланган қўйидаги фикрларни сизларга ёзиб юборяпман:

Аниқланишича, бугунги кундаги ажралишларнинг 30 дан 46 фоизгачасининг туб сабаби айнан шу жинсий алоқанинг тўғри йўлга қўйилмаганидан келиб чиқаркан;

7 фоиз ёш кўёлар жинсий саводсизлиги туфайли умуман жинсий ҳаётни бошлай олмас эканлар.

Қамариддин НУРИДДИНОВ,
Фаргона Давлат педагогика институтини,
тарих куллиёти II курс толиби.

РЕДАКЦИЯДАН: Мақола эълон қилинган, редакциямизга юзга яқин хат келди. Хатларнинг ўн фоизидан журналхонлар бу нозик мавзунини ёритишимизга жиддий қарши чиқишган бўлса, ақсарият журналхонларимиз уни давом эттиришни сўрашган. Жумладан, Бухоро вилояти Қизилтепа ноҳияси Қўйимозор совхозидан яшовчи Дилрабо Аслонова «инсофсиз, йигит номига номжусоблар учун бу каби мақолалар бир сабоқ бўлишини» ўқитиб, ноҳақ, ёлғон тўхматларга дучор бўлиб ўтирганини кўйишни ёзган.

Дилрабо! Биз сенинг хатингни ўқидик. Сенда айб йўқ. Қишлоқдаги ҳар хил таънаю-дашномлардан қутилишнинг ягона йўли уларга эътибор бермаслик. Сен нега ўзига ўт қўяётган, ўз жонига қасд қилаётганлар асосан қишлоқ жойлардан чиқаётганини ҳеч ўйлаб кўрганмисан? Қишлоқларни ободонлаштириш наинки одамларнинг қўлайлиги учун, балки биринчи навбатда уларнинг қалблари сен каби покиза қизларимизга отилажак ҳар хил фикс-фасод гаплардан озод бўлиши учун ҳам керак. Буни унутма бу бахтли бўл. Сенинг тақдиринг ҳам бу нозик мавзудан кўпчиликнинг бохабар бўлиши шартлигидан яна бир далолатдир.

Бир қатор журналхонларимиз ўз мактубларида шу мавзуга оид саволлар билан мурожаат қилишган. Биз кўпчилик муштарийларимизнинг фикрларини инобатга олиб бу нозик мавзунини давом эттиришга қарор қилдик. «Никоҳнинг иккинчи кечаси» деб номланган қўйидаги мақоламиз хусусида ҳам сизлардан фикр-мулоҳазалар кўтиб қоламиз.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг кафедра мудир, сексопатолог — олим Неймат Худойбердиев билан суҳбат.



Мухбир: Суҳбатни журналимизнинг шу йилги 6-сонида «Никоҳнинг биринчи кечаси» мақоласи босилгач, редакцияга келган мана бу хатдан бошласак:

«Хурматли редакция», — деб ёзади журналхонимиз М. Т. (тушунарли сабабларга кўра биз мақоламиз давомида фойдаланадиган хат муаллифларининг тўлиқ исм-шарифини, адресини кўрсатмаймиз — ред. изоҳи).

Мана бугун никоҳнинг иккинчи кечаси. Мен чуқур руҳий изтиробдаман. Сабаби ўз йигитлик бурчимни бажара олмайман. Мудом ҳаёлимда ўзимни ўлдирди. Нега бу ҳолга тушиб қолганимни ўзим ҳам билмайман. Аслида мен... уйланмаслигим керак эди. Уйда уйланиш мижозаси бошлангандан буён менинг тинчлигим бузилган, лекин тўйга розилик беришга мажбур эдим. Бўй етиб қолган сингилларим, хизматдан қайтиб қайтиб уйланишга шошилган укамни кўриб онамга «хўп» деб юборганимни билмай қолибман.

Хурматли редакция! Сизларга шу пайтгача бахтсиз қизлар хат ёзди. Бахтсиз йигитларнинг биринчисю, охиригиси мен бўлай илойим. Қўлингиздан келса менга ёрдам беринг. Кейин бўладиган ҳар хил гап-сўзларни эслаб, ўзингни ўлдирдишга ҳам уяласан одам...»

Неймат Аҳмедович! Никоҳнинг иккинчи кечаси олдидан додираб қолган бу йигитнинг мактубини сиз қандай изоҳлаган бўлардингиз?

Неймат Худойбердиев: — «Бахтсиз йигитларнинг биринчиси ҳам, охиригиси ҳам мен бўлай» деб ёзган бу укамизнинг, афсуски, қисмати тоқ эмас.

Агар у бемор сифатида ҳузуримда бўлганда эди, мен унинг дарди нечоғлик эканини тиббий йўл билан аниқлаган бўлар эдим. Бундай ҳолларда баъзи «бемор»ларга бирикки яхши маслаҳат кифоя. Лекин менинг кузатишимча, кўпчилик беморлар ойлаб жиддий муолажага муҳтождирлар. Умуман олганда эркаклар орасида жинсий ногиронлар тобора ортиб бормоқда.

М. — Бунинг сабаби нима?..

Н. Х. — Сабаблар жуда кўп. Аввало ошкоралик марҳаматидан фойдаланиб, умумий манзара билан танишайлик. Ҳозир ҳар уч эркакнинг бири эркаклар ўртасида учрайдиган простатит касаллигига гирифтор бўлган. Касалликка учраганларнинг 30—50 фоизи жинсий ожизликдан, 40—60 фоизи бепуштлиқдан изтироб чекмоқда.

Ушбу вазиятни ҳисобга олиб, Иттифоқ Соғлиқни сақлаш вазирлиги аҳолига сексопатологик тиббий ёрдамни йўлга қўйиш ва ривожлантириш мақсадида 1988 йил 10-майда 370-буйруқ чиқарган эди. Бу буйруққа асосан ҳар 250 минг аҳоли ҳисобига ихтиёрида битта врач-сексопатолог, психолог, лаборант, ҳамшира ва фарроши бўлган амбулатория ташкил этиш лозим эди...

М. — Ҳойнаҳой, биздаги бажарилмайдиган кўпгина яхши қарорлар каби бу буйруқ ҳам аросатда қолгандир?!

Н. Х. — Ҳа, адашмадингиз. Мана буйруқ чиққанига 2,5 йил бўлдию, хануз унинг кўпгина бандлари бажарилмай келинмоқда. Бугунга келиб жумҳуриятимизда ягона

«Оила ва никоҳ» бўлими ва саноқли сексопатолог қабулхоналарига фаолият кўрсатмоқда ҳолос. Ҳолбуки, 20 миллионли жумҳуриятимизда боғи буйруққа асосан 80 та амбулатория очилган бўлиши лозим эди...

М. — Домла, мўлжалингизда жумҳуриятимизда қанча одам сексопатологик ёрдамга муҳтож?

Н. Х. — Дунёдаги етук олимларнинг маълумотига кўра ҳозирги кунда 17—23 фоиз эркаклар жинсий ожизлик, ҳар уч эркакнинг бири боғи айтганимдай жинсий ожизлик ёнги бепуштлиқка гирифтор қиладиган сурункали простатит касаллигига чалинганини ҳисобга олсак, жумҳуриятимизда бир неча миллион одам малакали сексопатологик ёрдамга муҳтождир.

М. — Яна бир савол. Малакали тиббий ёрдамнинг йўқлиги оилавий қўйди-чиқдиларнинг кўпайишига ҳам сабаб бўлса керак?..

Н. Х. — Албатта. Менга қолса, ҳамма қўйди-чиқдиларнинг асосида у ёки бу даражада сексопатологик муаммо бор, деб ҳисоблардим. Яқинда «Собеседник» газетасида АҚШ олимларининг хулосаси эълон қилинди. Маълум бўлишича, у ердаги аёллар — 25 фоиз, эркаклар — 70 фоиз сексопатологик муаммоларининг ечилмаётганлиги жамият иқтисодий тараққиётига кескин салбий таъсир кўрсатаётган экан. АҚШда ривожланган капиталистик мамлакатда шунча муаммо бор экан, мамлакатимизда, ҳусусан таботати қоқоқ аҳволда бўлган жумҳуриятимизда бу борада қанча муаммо борлигини, унинг кўламини тасаввур қилиб кўринг-чи?..

М. — Жумҳурият Соғлиқни сақлаш вазирлиги бу муаммоларга қандай қарамокда?

Н. Х. — Жумҳуриятимизда аҳолига сексопатологик хизмат кўрсатувчи махсус тиббий муассасалар мутлақо йўқ, деса бўлади. Малакали мутахассис (сексопатолог)лар эса жуда кам.

М. — Таботат ўқув юртларида бу жиддий муаммо ўрганиладими?

Н. Х. — Таботат даргоҳларида сексопатология фани деярли ўрганилмапти. Ваҳоланки, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1989 йил таботат институтларида сексопатологияни ўрганиш учун чиқарган 20 соатлик программа ҳам хануз қоғозда қолиб кетяпти. Натигада беморлар кимга мурожаат этишни билмай бошқа мутахассис (уролог, терапевт)лар ўртасида сарсонсаргардон.

М. — Редакцияга биринчи мақола босилгандан кейин келган мана бу мактубни ана шундай сарсонгарчиликка учраган бемор ёзган шекилли:

«Мен асли Қашқадарёданман. 1982 йили уйланганман. Бепуштлиқ туфайли кўп йиллар чеккан азобимни сизларга ёзверсам бир дoston бўлади. Нечта дўхтирга борсам, шунча муолажа олганимдан ичим аптека бўлиб кетди. Охири Ленинградга бориб, бир мутахассисга учраган эдим, у мени 4 ойда тугатди-қўйди. Ўзбекистонда урологлар мени қандай «даволаганини» айтсам тоза хунуби чиқди. Аслида чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин экан. Бунақада Ўзбекистондаги дўхтирлар одами бир умрга тугалмас қилиб қўйиши ҳам ҳеч гапмас-ку?»

Н. Х. — Мен ҳам мутахассис сифатида қардош республикаларда бўлганимда у ерда даво истаб сарсон бўлган кўпгина юртдошларимни бот-бот учратаман. Ҳақиқатан ному су кучли. Эркак киши ҳар қандай азобга чидаши, қўниқиши мумкин. Лекин у бепуштлиқ, жинсий ожизликка йўлиқса, айниқса ич-этини еб қўяди. Қолаверса бу шундай дардк, тортинчоқ одам уни ўз вақтида врачга айтолмай, кўпинча касаллики су-

рункали шаклига ўтказиб юборади. Ҳолбуки, бу касаллик асабга жуда боғлиқ. Асабийлашган беморда хасталик баттар кучаяди. Ўз вақтида малакали ёрдам ололмаган бемор гоҳо сиқилганидан ичгиси келади. Лекин 90 микдорда ичилган спиртли ичимлик ҳам 2—3 ойлик муолажани бир зумда чипакка чиқариши ҳеч гап эмас...

М. — Домла, жумҳуриятимизда бепуштлиқ ва жинсий ожизлик хасталикларини даволашнинг сиз айтган ҳаминқадар аҳволи мисолида «илгор совет медицинаси»нинг ҳақиқий башарасини яна бир марта кўрдик. Илгари биз ўзимизнинг ғариб аҳволимизни яшириш, пардалаш мақсадида ривожланган чет мамлакатларни фақат қора бўёқларда кўрсатишга одатлангандик. Бугунга келиб бу давлатларда инсон фаровонлиги йўлида, жумладан одами дардан фориг қилишда катта ишлар қилинганини, қилинаётганлиги маълум бўлди. Биз суҳбатлашаётган мавзу бобида чет мамлакатларда қандай ишлар қилинмоқда?

Н. Х. — Чет мамлакатларда энг аввало касалликларнинг олдини олишга жиддий эътибор берилди ва бу ишга катта маблағлар сарф қилинади. Бинобарин у ерда болалар ёшлигиданоқ тиббий текширувлардан ўтказилади. Бепуш, жинсий ожизларнинг кўпи касаллиқнинг илк белгилари уч бергандаёқ врачларга мурожаат қилганда тезроқ тузалиб кетишларини ҳисобга олсак, қолаверса у мамлакатларда малакали сексопатологлар бехисоблиги, тиббий хизмат аъло даражада йўлга қўйилганини назарда тутсак, чет эл беморларига бизникилар хавас қилса арзийди.

М. — Бу муаммоларни ҳал қилиш учун қандай таклифларингиз бор?

Н. Х. — Аввало, жумҳуриятимизда СССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 370-буйруғи бажарилиши, Тошкентда сексопатология маркази очилиши, вилоятларда бўлим ва қабулхона (сексопатология амбулатория)ларини зудлик билан ташкил этиш керак. Қолаверса, жумҳуриятдаги таботат институтларида сексопатология фанини ўрганишни йўлга қўймоқ даркор. Ҳозир кўпгина юртдошларимиз РСФСР ва Украинанинг бир қатор шаҳарларидаги таботат институтларида таълим олишмоқда. Уша жумҳуриятларда суҳбатимизда тилга олинган муаммолар—бепуштлиқ, жинсий ожизликни даволашда бой тажриба тўпланган. Демак, бу қардош жумҳуриятларда ўқиётган талабаларнинг бир қисмини сексопатолог сифатида тайёрласак, мақсадга мувофиқ бўларди.

М. — Энди журналхонларимизга ўзингизни қисқача таништирсангиз...

Н. Х. — Мутахассислигим — сексопатолог. 1975 йили танисил касалликларини даволаш бўйича тиббиёт фанлари номзоди бўлдим. 1986—89 йиллар мобайнида Киев шаҳридаги уросексопатология илмий-тадқиқот институтида сурункали простатит ва эркаклар жинсий ожизлигига бағишланган фан докторлиги илмий ишини олиб бордим.

Салкам янги йилдан буён эса Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида тери-таносил кафедраси мудир бўлиб ишляяпман.

М. — Агар мақоламиз сабаб бўлиб, жумҳуриятда сексопатология маркази очилса, бу савоб ишга раҳбарликни ўз зиммангизга олишингиз мумкинми? Негаки сиз шу муаммолар бўйича жумҳуриятда ягона фан доктори экансиз. Тери-таносил кафедраси мудирлигиндан кўра, халққа сизнинг ўз мутахассислигингиздан кўпроқ фойда тегади.

Н. Х. — Мен марказ раҳбарлигини, агар у очилса зиммамга олишим мумкин. Лекин юқорида таъкидланган муаммолар ҳам баргараф қилинмоғи, малакали мутахассисларни кўпайтирмоғимиз лозим. Бу — миллат тақдири билан боғлиқ муаммога ҳукумат эътибори даражасида қараш пайти аллақачон етган!

Редакциядан: Мана, ошкоралик баҳонасида жамиятнинг маддалаб кетган яна бир дарди билан танишдик. ЎзССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бу масалада тугган позицияси равшан. Муаммо охири оқибат вазирликда ҳал бўлар экан, улар танқиддан тўғри хулоса чиқариб, зарур режаларни белгилашларига ишонгимиз келади. Қайта қуриш Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарларини яна бир марта имтиҳондан ўтказди. «Еш куч» журнали мақолада кўтарилган муаммолар қандай ҳал қилинаётганини ўз назоратига олади. Зеро, у Неймат Аҳмедович таъкидлаганидек минг-минглаб одамларнинг, оилаларнинг тақдири билан боғлиқдир. Журнал бу мавзуга яна қайтади. Биз журналхонларимиздан ўз қимматли фикр-мулоҳазаларини редакцияга ва ЎзССР Соғлиқни сақлаш вазирлигига йўллашларидан умидвормиз.

ВА ИККИНЧИ КЕЧА...

ЖОДУГАРАЛАР

ЭМАСМИЗ

(Экстрасенсларнинг таъсис қурултойдан кейинги ўйлар)


Ҳаёт ҳар вақт қутилмаган ажойиботлар, муттасил ўзгаришларга тўла. Бундан лоақал беш йил аввал ақл боғлар қилмасдек туюлган, одамнинг ўйноқи хаёллари ўйлаб топиши мумкин бўлмаган мўъжизаларга тўла воқеа-ҳодисалар бугунги кун кишида оддий, ҳатто зарурийдек таассурот қолдирмоқда. Бошқача айтсак, ҳар қандай мураккаб ва ғайриоддий ҳодисалар инсон имкониятларининг янги-янги қирраларини намоён этувчи восита сифатида намоён бўлмоқда. Асрлар давомида халқ табобат мактабида кенг қўлланиб келинган, бироқ кейинги даврларда мустабид мафкура ва шу мафкура измидаги тиббий, ҳуқуқий муассасалар томонидан тинмай тазийқ ва таъқибга олинган «кинна солиш», «дам солиш», «ўқитиш» ва бошқа руҳий таъсир ёрдамида даволаш усулларининг ҳозирги кунда очиқ-ошқора қўлланаётганлиги эндиликда ҳеч кимни ажаблантираётгани йўқ. Лекин бу жараён қандай кечмоқда, тўғрироғи ўзгаларга руҳий таъсир этувчи ички қувватга эга бўлган кишиларга — уларни илмий тилда экстрасенслар деб аташади — давлат ва тегишли ташкилотлар қай йўсинда ёрдам бермоқда, соф илмий изоҳ ва исботларга таянган бизнинг табобат (медицина) фанимиз бу ҳодисаларга қандай муносабатда бўлмоқда, умуман экстрасенслар қандай қобилият эгалари? Бу саволлар ҳар биримизни қизиқтиради ва биз уларга жавоб олиш ниятида Ўзбекистон экстрасенслар уюшмасининг президенти **Фарида ЙУЛДОШЕВА** ва вице-президенти **Бахтиёр ОКТАМОВГА** мурожаат қилдик:

МУХБИР: — Фарида опа, яқинда жумҳурият экстрасенсларининг таъсис қурултои бўлиб ўтди. Аслида жумҳуриятнинг турли бурчакларида яшаб, иш олиб бораётган экстрасенсларнинг бир уюшма қошида уюшиб, аниқ белгиланган мақсад йўлида фаолият кўрсатишининг ўзи бир ижтимоий ҳодиса. Лекин айтингчи, бундай уюшма тузиш фикри қачон туғилди, ҳозирда унинг қанча аъзоси бор?

Фарида ЙУЛДОШЕВА: — Аслида жумҳуриятимизда яшаётган, ўзида ноёб қувватга эга бўлган кишиларни бир мақсад атрофига жамлаш гоёси бизни анча йиллардан бери ўйлантириб келарди. Лекин ўзингизга яхши маълум, турғунлик йилларида бундай одамлар қаттиқ таъқиб остига олинди, уларга мутлақо йўл берилмади. Руҳий таъсир ёрдамида касалларни даволовчи кишилар номини эскилик сарқитларининг муриди, одамларни жаҳолатга бошловчи ғаламислар, оддий халқни алдовчи қаллоблар деган ҳақоратомуз тамгалар билан иложи борича булғашга интилишди. Мана энди, замона зайли билан ҳақиқат байроғи қайта тиклангач, биз экстрасенсларнинг кўчасидан ҳам қуёш чиқди десак бўлади. Энди бизга монелик қилмай қўйишди ва биз шундай шароитда жумҳуриятнинг турли минтақаларида ўз ҳолича фаолият кўрсатаётган «хосиятли» кишилар бошини қовуштириш зарур деган қарорга келдик. Мақсадимиз экстрасенсларни назорат

остиға олиб, уларнинг эркин меҳнат қилишларига кўпроқ қулайликлар яратиб бериш, бу билан эса халқ саломатлигини яхшилашга озгина бўлсада ўз ҳиссамизни қўшиш эди. Шундан сўнг бу ҳақда барча вилоятларга хабарлар юбордик, натижада фикримизга қўшилган кишилар ўтган йили ёз ойидан бошлаб бизга мурожаат қила бошлашди. Биз тез орада жамиятимиз

экстрасенсларни урчитиб юборгани йўқ, балки уларнинг эркини ўз ҳолига қўйди, холос. Бурчак-бурчакларда биқиниб яшашга мажбур бўлган бундай кишиларга ўзларини ошқор қилишга шароит туғилди. Аслини олганда ҳам экстрасенслик — бу қандайдир ўзни мажбурлаб ёки тилаб олиш мумкин бўлган касб эмас. У том маънодаги илоҳий муруватдир. Бу — биринчиси.



аъзоларининг сони бу қадар ошиб кетади деб қутмагандик, нега деганда уларнинг сони сентябрь ойига бориб саксонга, декабрда эса икки юзга етди ва ўн олтинчи декабрда жумҳурият экстрасенсларининг биринчи съезди бўлиб ўтиб, у ташкилотимизга «Табиятда қувват-ахборот алмашинуви» деб ном берди. Ҳозирда икки юздан ортиқ экстрасенс биз билан ҳамкорликда иш юритмоқда.

М. — Ваҳоланки, бундан тўрт йил аввал бизда ўн та экстрасенс бор деб айтишга иккиланардик...

Бахтиёр ОКТАМОВ: — Мулоҳазангиз ўринли. Ҳақиқатан ҳам ҳозир бу нарса барчани ажаблантирмоқда. Кўпчилик: «Мамлакатимизда қайта қуриш бошланди, бирданига ўзини экстрасенс деб атоғчилар кўпайиб кетди», деб айтмоқда. Лекин шунга ҳам унутмаслик керакки, қайта қуриш лоп этиб

Иккинчидан, кўп ҳолларда биз экстрасенс деганда қўлида биотоки бор Муясару Кашпировскийга ўхшаб олмага психотерапев билан таъсир ўтказувчи кишиларни кўз олдимишга келтирамиз. Узимизнинг «кинначи», «дам солувчи», «дуо ўқувчилар»ни эслашни эса унутиб қўямиз. Аслида эса булар ҳам тўла маънодаги экстрасенс кишилар. Бизнинг уюшманинг таркиби ҳар хил: улар орасида дуохонлар, гипнозчилар, башоратчилар, руҳий табиблар, танасининг қайсидир ерида кучли магнит майдонига эга бўлган кишилар бор ва айтишим мумкинки, уларнинг сони кундан-кунга ошиб бормоқда.

М. — Кечирасиз, уюшмангизга кимлар аъзо бўлиш ҳуқуқига эга? Экстрасенсликка даъвогарлик қилувчиларнинг ҳақиқатан ҳам «хосиятли» эканлигини қандай қилиб аниқлайсиз?

Ф. Й. — Узини бошқаларга руҳий

таъсир ўтказиб даволашга қодир деб билган киши жамиятимиз аъзосига айланиши мумкин. Лекин биз бунинг учун уларни ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан имтиҳондан ўтказамиз. Бу жуда осон. Уюшмамизга аъзо қилишимизни сўраб келган кишилар билан аввало обдон суҳбат қурамиз, уларнинг илмини, фаросатини синаб кўришга ҳаракат қиламиз. Мулоқот чоғидаёқ одамларнинг қандайлиги намоён бўла бошлади. Суҳбатдан яхши ўтган кишилар танасидаги қувват кучини «Тўлқин» номли махсус аппарат ёрдамида ўлчаймиз. Мазкур ўлчагичнинг ўз бирлиги бўлиб, уни олти юздан ортиқ қувват даражасини кўрсатишга «мажбур қиловган» киши экстрасенс ҳисобланади. Лекин бу ҳали унга жамиятимиз аъзоларининг кафолатини беради деган гап эмас. Биз у одамнинг жойлардаги шифохоналарга йўлланма билан юбориб, икки-уч ой беморларга қарашни топширамиз. Агар чиндан ҳам касални даволаш қобилиятини намоён қилса, унда биз бундай кишини уюшмамиз аъзолари сафига қўшамиз.

Б. О. — Шу ерда яна бир нарсани айтиш керак: танаси жуда юқори қувватга эгаю, лекин беморни даволаш имкониятидан маҳрум кишилар жуда сироб. Биз бундай кишиларни экстрасенслар деб атолмаймиз. Чунки ҳақиқий экстрасенс аввало руҳий пок, иймони бут бўлиши керак. Кишининг Аллоҳга бўлган муҳаббати қанчалар юксаклашса, унинг атрофидагиларга нисбатан меҳри ҳам шунча баланд бўлади. Бунга, менимча, исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Чинакам шифокор албатта бу муҳаббатдан баҳраманд бўлмоғи лозим. Кўпчилик эса ҳали худони, яъники ўзини англамай туриб, руҳий таъсир ёрдамида касалга даво бермоқчи бўлади. Бу жуда катта хато. Аксар ҳолларда бундай «шифокорлар» беморларнинг аҳолини яхшилаш ўрнига баттар оғирлаштириб юборадилар. Шахсан мен қисқа вақт ичида қош қўяман деб, кўз чиқарган бундай кимсаларни кўп учратдим. Шунинг учун жамиятимизга асосан ҳақни таниган, ҳалол-ҳаромнинг фарқи борадиган кишиларни қабул қилишга интиламиз.

Бундан ташқари бизга балоғат ёшига етмаган болаларни олиб келишади. Бу ҳам нотўғри, чунки ҳали йигирмага тўлмаган ҳар қандай йигит ёки қизнинг танасида қайсидир миқдорда «мўъжизакор» қувват бўлиб, бу қувват унинг баркамол шаклланишига хизмат қилиши зарур. Мабодо бола ёшлигида билмасдан ўзидаги қувватни ташқарига ҳуда-беҳудага чиқараверса, пираторида у ноқис бўлиб вояга етиши ёки кейинчалик мажруҳ бўлиб қолиши мумкин.

Ф. Й. — Бахтиёржон, сиз боя эслаб ўтган ҳодисалар ҳақиқатан тажрибада учрайди. Шубҳасиз, бемор билан мулоқотга киришаватганда экстрасенсининг шахси катта роль ўйнайди, лекин бу кўп ҳолларда ташқи омилларга ҳам боғлиқ. Яъни, кишининг ҳолати осмон жисмларининг ҳолатига қараб ўлчанади ва юлдузлар ўрнининг ўзгариши

натижасида экстрасенсинг имкониятлари ҳам гоҳ очилиб, гоҳ қирқилиб туради. Агар экстрасенс ўз юлдузининг ҳаракат доираси ва усулини яхши билмас қачон касални даволаб, қачон даволамаслик кераклигини ҳам билмайди ва натижада сиз айтган хунук воқеалар содир бўлади. Шунинг учун биз экстрасенсларимизнинг мучали ва юлдузига қараб улар учун махсус меҳнат тақвим (календари)ни тузиб бермоқчимиз. Унга қараб экстрасенс оининг, куннинг қайси палласида ишлаши самаралироқ бўлишини билиб олади.

М. — Сиз ҳали айтиб ўтган «дам солувчи», «кинна содувчилар» беморлар билан мулоқот қилиш одобидан хабардор бўлмаслиги мумкин. Бунинг устига ҳар қандай экстрасенс ақлан бой бўлса яхшимиди?..

Ф. И. — Биз бу ҳақда ҳам ўйлагандик ва баҳоли қудрат керакли чоратадбирларни кўрмоқдамиз. Шулардан бири, яқинда уюшмамиз қошида бир ойлик экстрасенсларни ўқитиш курсларини очдик. Бу ерда махсус ишлаб чиқилган методика асосида экстрасенсларимиз касал одамнинг кайфияти ва миждога қараб у билан муомала қилиш маданияти, минг йиллардан буён тажрибада фойдаланиб келинаётган қадимий халқ табобати сирларини тадбиқ этиш ва уларни беморларни даволашда кенг қўллаш йўлларини ўрганадилар. Кунини кеча олтимиз кишилик биринчи битирувчиларимиз шу курсни якунлади. Энди улар жумҳуриятнинг турли вилоят ва ноҳияларига жўнаб, ўз фаолиятларини давом эттирадилар. Уқув марказига кириб тахсил олмоқчи бўлган талабгорлар ортиб бормоқда, шунинг учун биз яқин келажақда яна бир шундай ўқув-таълим масканини очишни режалаштирмоқдамиз.

М. — Уқув мuddатини ўтаган экстрасенсларга бемор киши ўз соғлигини тўла ишониб топшириши мумкин деб қафолат бера оласизми?

Ф. И. — Албатта бера оламиз, ахс ҳолда қилаётган бутун сайъ-ҳаракатларимиздан на фойда. Тўғри, аксари худбин ниятли қаллоблар бундан фойдаланиб, «мен фалон ерда ўқиганман» деб ёлгон гапириб, одамларни алдаши мумкин. Бунинг олдини олиш учун биз битирувчиларимизга устига Ибн Синонинг сурати туширилган махсус диплом берамиз ва экстрасенс иш бошлашдан олдин ўз миждоларига бу ҳужжатни кўрсатиши шарт.

М. — Кейинги пайтларда руҳий таъсир ёрдамида даволаш кўп ҳолларда бойлик ортиниш манбаига айланиб қолмаяптимикин? Айримларнинг беморга шифо беришдан мақсади ётиб қолган одамни оёққа турғазини эмас, балки чўнтақларини қаппайтириш эмасмикин?

Б. О. — Ҳозир ҳаммени ташвишга

солиб турган энг катта муаммоларимиздан бири ҳам шу. Тарихда ҳар бир даврнинг ўз қаллоблари, товламачилари бор, бундан кўз юмиб бўлмайди. Бироқ бугунги кунда улар кўпайди. Жумладан бизнинг соҳамизда ҳам. Айримлар ҳали ишга киришмай қиладиган даромадининг хомчўтини қила бошласа, қолганлар меҳнатдан сўнг қўлига қайсидир миқдорда пул тушгандан сўнг «айни бошлайди». Масалан, матбуотда кенг қораланган Абай гуруҳини мисол қилиб олишимиз мумкин. Биласизми, мен шахсан Абайни ҳам, Тальятни ҳам яхши танирдим: жуда омилкор, матонатли, ўз ишини чуқур биладиган кишилар эди. Бироқ улар ўзлари билмаган ҳолда машаққат, кайф-сафога, тараллабедод қилиб юришга берилиб кетдилар, натижада эзгу ниятлар булғаниб, муқаддас ишнинг юзига оёқ қўйилди. Шунини унутмангки, беморга руҳий таъсир ўтказётган киши жиндак бўлсада ўз манфаатини ўйладими — тамом, энди муолажанин ҳеч қандай фойдаси қолмайди. Бундан хабарсиз ёки бунга эътибор беришни истамаётган корчалонлар касалнинг аҳволига эмас, ижтимоий ҳолати, ҳуржундаги пулига қараб ўзларига миждо танлашга уринадилар. Айрим кимсалар эса даволашга қурбилари келмайдиган касалликни ҳам «тузатаман» деб ваъда берадилар, беморни икки-уч кунга етдиган гипноз ҳолатига солиб, пулни қўлтиққа қисганча, жуфтанин ростлаб қоладилар. Узини енгил ҳис қилаётган бемор уч-тўрт кун руҳи тетик бўлиб юради-ю, вақт ўтган сари мажолсизланиб шалпайиб қолади, аҳволи эса эски ҳаммом-эски тослигича ўзгармайди. Бунинг натижасида халқнинг бизга нисбатан ишончи кескин камайиши мумкин. Қурултойимизда шу ҳақда анча баҳслар бўлди, бундай ғаламис ниятли кишиларни халқни алдашига йўл қўймаслик чоралари ишлаб чиқилди...

М. — Айтингчи, руҳий таъсир ёрдамида қандай касалликларни даволаш мумкин?

Ф. И. — Касалхонага тушган беморларнинг етмиш фоизи аслида руҳий хасталик билан оғрийдилар. Экстрасенсларимиз юрак, қон, томир, олий нерв системаси, қандли диабет, тери, жигар, ошқозон касаллигидан тортиб, фалаж ётган одамни оёққа турғазини юбориши мумкин. Қўлда биотоки бор одам беморга тезда диагноз қўйиш имкониятига эга. Кўпинча биз қўйган диагнозлар малакали шифокорларникига қараганда аниқроқ чиқади, бунинг устига унинг натижасини билиш уч-тўрт кунга чўзилмайди. Бу, амалда неча бор ишботланган бўлишига қарамай, негадир шифокорларимиз буни инкор қилишга ҳаракат қиладилар.

М. — Айтгандек, экстрасенслик ҳодисаси медицинада қандай баҳоланади? Жумҳурият табобат нозирлиги томо-

нидан сизларга қандай ёрдам берилмоқда?

Ф. И. — Узи экстрасенсларга муносабат ўтмишда ҳам ёмон эди: бунинг сеҳри бор, бу жодугар деб уларни оловда куйдиришган, сувга чўктиришган. Бугун эса бунда ҳеч қандай жоду йўқлиги исботланган бўлса-да, очигини айтиш керак, врачлар бизни хуш кўрмайдилар, негадир малакали экстрасенсларимизни ўзларидан четлаштиришга уринадилар.

Яқинда жамиятимиз ташкил топганига бир йил тўлади. Лекин, ҳалигача бирорта ташкилот ёки корхона бизга ёрдам кўрсатаётгани йўқ. Узимизни ўзимиз ҳам моддий, ҳам маънавий таъминлашга мажбуримиз. Табобат нозирлиги гўё бизни сезмагандек, ҳатто ҳолимиздан хабар олишни ҳам ўзига раво кўрмайди.

Б. О. — Мен биринчи саволнинг жавобини бироз тўлдирмоқчийдим. Узингизга маълум, ўтган йили Кашпировскийнинг телевидение орқали оммавий сеанслари эндигина бошланаётган пайтлар «Литературная газета» шифокор шахсини қораловчи, унинг эзгу ишларига раҳна солувчи бир неча мақола эълон қилди. Ким билади дейсиз, балки Кашпировский чиндан ҳам баъзан ёлгон маълумотлар бергандир, бироқ унинг сеансларидан минглаб одамлар шифо топгани ҳақиқатку. Бунинг устига ҳар қандай табиб беморни авраб-алдаб даволаш учун маънан ҳуқуққа эга. Бизда эса Кашпировский ёки Чумак даражасидаги кучли экстрасенслар кўп, аммо улар ўз қобилиятларини тўла намоеён қилишга имконият йўқ: ҳеч нарсага ишонмаймиз — тамом-васалом! Катта камчилигимиз шундаки, табиатдаги ҳар ҳодисани аввал илмий тарафдан исботлаб, кейин унга аста-секин ишониб мумкин деб биламиз, кўнгил, руҳан сезиш иккинчи ўринга чиқиб қолади. Фан, жумладан медицина ҳам моддий жиқимлар устида иш кўришга мослашган, биз эса руҳлар билан мулоқотга киришамиз. Тушунмовчиликларнинг барчаси мана шу ердан келиб чиқаверади.

Чет элда бўлса бутунлай бошқача. У ерда экстрасенс давлат бойлиги ҳисобланади. Давлат уларни муҳофаза ва назорат қилиб туради, умумжамиyat аҳамиятига молик муаммоларни ҳал қилишда улардан фойдаланади. Мана ҳозир мамлакатимизда миллий низолару қонли тўқнашувлар кўпайиб кетди, тартибни сақлаш идоралари уларга чек қўйишнинг уйдасидан чиқолмаптилар. Ваҳоланки биз бундай қонли тўқнашувларни тўхтатиб қолаоламиз. Ун-ўн бешта экстрасенс вазият қалтислашган жойга бориб икки-уч кун қаттиқ ишласа ҳар қандай тўполон барҳам топиши мумкин. Албатта бунинг учун ҳеч бир экстрасенс омманинг олдига чиқиб, тинчланишларини сўрамайди, балки ўша жойдаги «информа-



цион атмосфера»нинг таркибини ўзгартиришга ҳаракат қилади. Менимча, бу экстрасенсларимизнинг давлатга, халққа кўрсатган жуда катта ёрдами бўларди, лекин ҳозиргача бунга эътибор берилмаяпти.

М. — Сўнгги савол: ҳамма ерни башоратчилар босиб кетиб, ваҳимали хабарлар тарқатганча халқнинг тинчлигини таҳликага солмоқда. Бизга, кўп сонли муштарийларимизга башоратчиларга ишонини маслаҳат берасизми ёки йўқми?

Ф. И. — Башоратни ҳар ким қилавериши мумкин, айрим ҳолларда улар тўғри ҳам чиқади. Лекин бўлажак офатни қачон ёки қаерда юз беришини айтиб бергандан кўра, фалокатдан қутулиш чоралари кўрсатилса яхши бўларди. Тўғриси, мен ҳозир сизга қатъий маслаҳат бериш ниятим йўқ. Аслида башоратчилик, ром очиш динда бидъат ҳисобланади. Ҳақиқатан ҳам тўдадан олдин чанг чиқаришдан на фойда! Яхшиси, бўлар-бўлмас гапларга, мишмишларга ишонавермай яшаш зарур, қолгани эса Аллоҳнинг иродасига боғлиқ.

М. — Машаққатли, лекин хайрли ишларингда омад ва ҳалоллик ёр бўлсин!

Сўхбатдош — Бобур ТУХТАБОЙ.





ШАХМАТ КЛУБИ

Клуб мутасаддиси СССР спорт мастери М. МУҲИДДИНОВ

Конкурснинг навбатдаги топшириқлари



Берилган 1, 2, 3, 4-диаграммаларда тасвирланган этюдларнинг барча позицияларида оқлар бошлаб 2 юришда мот қилади. Ҳар бир тўғри жавоб учун тўрттадан очко берилади.



Математика

1. Агар a, b, c , мусбат сонлар бўлиб $a^2 + b^2 = c^2$ бўлса, $a^{13} + b^{13} < c^{13}$ бўлишини исботланг.
2. Бирорта ўтмас бурчакли учбурчакни ўткир бурчакли учбурчакларга ажратинг.
3. $K^2 + K + 1$ ифодада 1990 га бўлинадиган K натурал сон мавжудми?
4. Икки хонали соннинг шу сон рақамларини тескари тартибда ёзиб тузилган сон билан йигиндиси натурал соннинг квадратига тенг. Ҳамма икки хонали шундай сонларни топинг.
5. Агар $x + y = 1$ ва $x^4 + y^4 = 1$ бўлса, xy кўпайтмани топинг.

Физика

1. Тайёра ердан $H = 400$ м баландликда горизонтал равишда товуш тезлигидан катта тезликда учмоқда. Тайёра кузатувчи тепасидан учиб ўтгандан кейин $t = 10$ с ўтгач, кузатувчи унинг товушини эшитди.
Агар товушнинг тезлиги $c = 330$ м/с бўлса, самолётнинг тезлиги қанча бўлишини аниқланг.
2. Автомобиль қиялиги $\alpha = 45^\circ$ бўлган йўлда $a = 0,6$ м/с² тезланиш билан юқорига ҳаракатланиши учун автомобиль шиналари ва қия йўлнинг сирти орасидаги минимал ишқаланиш коэффициентини қанчага тенг бўлиши керак?
3. Литий Li^7 протонлар билан бомбардимон қилинганда у гелий He^4 га айланади. Агар тажрибадан кейин гелийнинг ҳарорати $30^\circ C$ ва босим 700 мм симоб устуни бўлса, 1 г литийдан ҳосил бўлган гелий ҳажмини аниқланг.

Математика

5-тур жавоблари. («Еш куч», 1990, 2-сон)

1. Оқбоевнинг сочи қора ёки малла бўлиши, Қорабоевники оқ ёки малла бўлиши, Маллаевники қора ёки оқ бўлиши равишан. Демак, Оқбоев ёки Маллаевнинг сочи қора бўлиши мумкин. Лекин қора сочи гапиргандан сўнг, Оқбоев унинг гапини тасдиқлаганлиги учун қора сочи киши Маллаев эканлиги келиб чиқади. Демак, расом Маллаевнинг сочи қора рангда.
Жавоб: расомнинг сочи қора рангда.
2. Берилган тенгламалар системасини $(X+Y)^2 - 2XY = 85$
 $(X+Y) + XY = 29$ шаклида ёзиб оламиз, сўнгра $X+Y = A$, $XY = B$ алмаштириши орқали система куйидагига келтирилади: $A^2 - 2B = 85$, $A+B = 29$ Бу системани ечиб $A = 11$, $B = 18$ ва $A = -13$, $B = 42$ ечимларни топамиз. Y ҳолда куйидаги системаларга эга бўламиз: $X+Y = 11$, $XY = 18$ ва $X+Y = -13$, $XY = 42$ Ҳосил бўлган системаларни ечиб: $(2; 9)$, $(9; 2)$, $(-6; -7)$, $(-7; -6)$ ларни топамиз.
3. ABC учбурчак берилган бўлсин. Учбурчакнинг учлари орқали уларнинг қарши томонларига параллел тўғри чизиқлар ўтказамиз. Бу тўғри чизиқлар ўзаро кесилиб янги DEK учбурчак ҳосил қилади. A, B, C нуқталар DEK учбурчак томонларининг ўрталари бўлади. (расмга қаранг). Ҳақиқатдан ҳам CE = AE, DC = AB, чунки улар параллел тўғри чизиқлар орасидаги параллел кесмалардир. Демак: CE = CD. Худди шунга ўхшаш KB = BD ва KA = AE эканлиги исботланади. Бундан эса ABC учбурчакнинг баландликлари DEK учбурчакнинг томонлари ўрталарига ўтказилган баландлик бўлиши келиб чиқади. Улар эса битта M нуқтада кесилишади.
4. Қавариқ 19 бурчаклининг ички бурчаклари йигиндиси $180^\circ \cdot (19 - 2) = 3060^\circ$ га тенг бўлади. 16 та учбурчакнинг ички бурчаклари йигиндиси эса $180^\circ \cdot 16 = 2880^\circ$ бўлишини топамиз. Аммо қавариқ кўпбурчакли учбурчакларга кесилганда ҳосил бўлган учбурчаклар ички бурчакларининг йигиндиси кўпбурчак ички бурчакларининг йигиндисидан кичик бўлмайди. Демак, қавариқ 19 бурчаклини 16 та учбурчакларга кесиш мумкин эмас.
5. Фараз қилайлик, x — мастерлар сони, y — гроссмейстерлар сони бўлсин. Мастерлар ўзаро

$$\frac{X(X-1)}{2} \text{ очко жамғарган, бу эса уларнинг}$$

тўплаган очколарининг қоқ ярмисидир, y ҳолда гроссмейстерлардан ҳам ўшанча очко тўплаган. Худди шунингдек гроссмейстерлар ҳам ўзаро ўйнаб ва мастерлар билан ўйнаб ҳам $\frac{Y(Y-1)}{2}$ та

АНИК СДАНИЛАР

Иккинчи тур топшириқлари

4. Пластинкаларнинг ўлчамлари 25×25 см ва улар орасидаги масофаси $d_1 = 0,5$ мм бўлган ясси конденсатор $u_1 = 10$. В потенциаллар фарқигача зарядланди ва манбадан узиб қўйилди. Агар пластинкалар $d_2 = 5$ мм гача масофага сурилса, потенциаллар фарқи u_2 қандай бўлади?
5. Сезгирлиги шкаланинг бир бўлимига $3 \cdot 10^5$ А, ички қаршилиги $r_1 = 20$ Ом бўлган гальванометр терморпара занжирга уланганда стрелка шкаланинг 11 бўлимига оғди. Сезгирлиги шкаланинг бир бўлимига $5 \cdot 10^{-5}$ А, ички қаршилиги $r_2 = 30$ Ом бўлган бошқа гальванометр биринчи гальванометр ўрнига уланганда шкаланинг 5 бўлимига оғди. Терморпаранинг R қаршилигини ва унинг Э.Ю.К ни аниқланг.

Кимё

1. Ҳажми 5 л бўлган аммиакни тегишли катализатор устидан ўтказиб, азот ва водород ҳосил бўлгунча кутилган. Агар босим ва ҳарорат ўзгармас

бўлса, ҳосил бўлган маҳсулотлар ҳажми қандай бўлади?

2. Пўлат баллонда $5066,25$ кПа босим остида кислород сақланади. Ундан ҳажми $101,325$ кПа босимда ўлчанган 50 л кислород чиқариб юборилганда баллондаги босим $1215,9$ кПа гача камайган. Тажриба давомида ҳарорат ўзгармай қолади деб қабул қилинг ва баллон ҳажмини ҳисобланг.
3. Домна печига таркибида 69 фоиз Fe_3O_4 тутган темир рудасидан 1000 т солинган.
Агар жараён унуми 93 фоиз бўлиб, маҳсулот таркибида $96,0$ фоиз темир бўлса, қанча чўян ҳосил бўлишини ҳисобланг.
4. $20^\circ C$ да сахарозанинг (нисбий молекуляр массаси 342 га тенг) 9 фоизли эритмасининг зичлиги $1,034$ г/мл бўлади. Шу эритманинг моляр ва г/л лардаги концентрациясини ҳисобланг.
5. Таркибида масса улушлари $0,714$ углерод, $0,095$ водород ва $0,19$ кислород бўлган модда формуласини топинг. Шу модданинг ҳавога нисбатан буг зичлиги $2,8966$ бўлса, унга неча хил изомерлар мансуб. Уларнинг номларини ИЮПАК тавсияси асосида ёзинг.

очко тўплаган. Катта ва кичик унвонлилар орасида ўйналган партиялар сони XU га тенг бўлганлигидан куйидагига эга бўламиз:

$$\frac{X(X-1)}{2} + \frac{Y(Y-1)}{2} = XU^2$$

ёки соддалаштирилгандан сўнг $X+Y = (X-Y)^2$ ни топамиз
Аммо $P = X+Y$ бўлганлиги учун $P = (XR - Y)^2$, яъни натурал соннинг квадрати эканлиги келиб чиқади.
Шуни исбот қилиш керак эди.

Бадриддин РИХСНЕВ,
Тошканбой ҚУРҒОНОВ.

Физика

5-тур жавоблари («Еш куч», 1990 йил, 2-сон)

1. Берилган: $l = 270$ м
Топиш керак: $l_1 = ?$ $l_2 = ?$ $l_3 = ?$
Ечилиши. Бошланғич тезлиги v_0 бўлганда поезднинг ўтган йўли $l = \frac{at^2}{2}$ бўлади. Бирдай вақт оралигида текис тезланувчан ҳаракат билан ўтилган йўлларнинг кетма-кетлиги тоқ сонларнинг нисбати каби бўлади.
 $l_1 : l_2 : l_3 = 1 : 3 : 5 : \dots$ у ҳолда
 $l_1 + l_2 + l_3 = l$
 $l_1 : l_2 : l_3 = 1 : 3 : 5$
Тўртта тенгликдан иборат бу системадан учта номаълумни аниқлаш мумкин.
Яъни $\frac{l_1}{l_2} = \frac{1}{3}$ дан $l_2 = 3l_1$
 $\frac{l_1}{l_3} = \frac{1}{5}$ дан $l_3 = 5l_1$
 $l_1 + l_2 + l_3 = l$ тенгламага l_2 ва l_3 қийматларини қўйсақ, $l_1 + 3l_1 + 5l_1 = l$ дан $9l_1 = 270$ бўлади
Бундан $l_1 = \frac{270}{9} = 30$ м; $l_2 = 3l_1 = 90$ м;
 $l_3 = 5l_1 = 150$ м.
2. Берилган: $m = 0,5$ кг; $v = 5$ ай/с; $l = 0,5$ м
Топиш керак: $h = ?$
Ечилиши. Айлана бўйлаб ҳаракатланаётган жисмнинг чизиқли тезлиги v_0 куйидаги формуладан аниқланади. $v_0 = \omega R = 2\pi nR$, бу ерда $R = l$ Вертикал бўйлаб бошланғич v_0 тезлик билан ҳаракатланаётган жисмнинг кўтарилиш баландлиги куйидаги ифодалардан аниқланади:

$$h = v_0 t = \frac{gt^2}{2}$$

$$v = v_0 - gt \text{ дан } v^2 - v_0^2 = -2gh$$

Масала шартига асосан $E_k = E_p$
у ҳолда $\frac{mv^2}{2} = mgh$ ёки $v^2 = 2gh$,
аммо $v^2 = v_0^2 - 2gh$ тенглигидан $v_0^2 - 2gh = 2gh$
дан $v_0^2 = 4gh$,

$$h = \frac{v_0^2}{4g} = \frac{(2\pi n l)^2}{4g} = \frac{4\pi^2 n^2 l^2}{4g} = \frac{9,86 \cdot 25 \cdot 0,25}{9,8} = 6,25 \text{ м}$$

3. Берилган: $R = 10^5$ Па; $V = 1,3 \cdot 10^5$ Па;
 $\rho = 0,09$ кг/м³
Топиш керак: $\Delta \bar{v} = ?$
Ечилиши. Газлар молекуляр-кинетик назариясининг асосий тенгламасига асосан $P = \frac{2}{3} n \bar{E}_k = \frac{2}{3} n \frac{m_0 \bar{v}^2}{2}$,

бунда $n m_0 = \frac{m}{V} = \rho$, бу ерда n — шар-зондаги молекулаларнинг концентрацияси, m_0 — битта газ молекуласининг массаси, ρ — шардаги газнинг зичлиги.
У ҳолда $P = \rho \frac{\bar{v}^2}{2}$

Ҳар бир босимга тўғри келган ўртача квадратик тезликни куйидагича аниқлаймиз. $\bar{v}_1 = \sqrt{\frac{3P_1}{\rho}}$
ва $\bar{v}_2 = \sqrt{\frac{3P_2}{\rho}}$
У ҳолда $\bar{v}_2 - \bar{v}_1 = \sqrt{\frac{3}{\rho}} (\sqrt{P_2} - \sqrt{P_1}) = \sqrt{\frac{3}{0,09}} (\sqrt{1,3 \cdot 10^5} - \sqrt{10^5}) = 430$ м/с

4. Берилган: $\varepsilon_1 = 6$ кв; $\varepsilon_2 = 3$ кв; $\varepsilon_3 = 2$ кв;
 $c_1 = 3$ мкф; $c_2 = 2$ мкф; $c_3 = 1$ мкф.
Топиш керак: $u_1 = ?$ $u_2 = ?$ $u_3 = ?$
Ечилиши. Масала шартига асосан ток манбаи ва сигимлар куйидагича навбатлашиб кетма-кет уланган.

Занжир уланганда ток ўтмайди, аммо кетма-кет уланган ҳар бир конденсаторнинг заряди бирдай q га тенг. Шунинг учун Кирхгоф қонунига асосан

$$\varepsilon_1 + \varepsilon_2 + \varepsilon_3 = u_1 + u_2 + u_3 \quad (1)$$

$$U \text{ ҳолда } c_1 u_1 = c_2 u_2 \text{ дан } u_2 = \frac{c_1 u_1}{c_2} \quad (2)$$

$$c_1 u_1 = c_3 u_3 \text{ дан } u_3 = \frac{c_1 u_1}{c_3}$$

(2) — тенгламадаги топилган u_2 ва u_3 ни (1) —

АКАДЕМИЯСИ

тенгламага қўйсак, қуйидаги тенглама ҳосил бўлади:

$$e_1 + e_2 + e_3 = u_1 + \frac{c_1 u_1}{c_2} + \frac{c_1 u_1}{c_3} = u_1 \left(1 + \frac{c_1}{c_2} + \frac{c_1}{c_3} \right)$$

бу тенгликдан

$$u_1 = \frac{e_1 + e_2 + e_3}{1 + \frac{c_1}{c_2} + \frac{c_1}{c_3}} = \frac{6 + 3 + 1}{1 + \frac{3}{2} + \frac{3}{1}} = 2 \text{ кв}$$

$$u_2 = \frac{c_1}{c_2} u_1 = \frac{3}{2} \cdot 2 = 3 \text{ кв}$$

$$u_3 = \frac{c_1}{c_3} u_1 = \frac{3}{1} \cdot 2 = 6 \text{ кв}$$

5. Берилган: k_1 ; k_2 ; m .

Топиш керак: T — ?

Ечилиши. Пружиналар кетма-кет уланганлиги учун унинг силжиши


$$\Delta x = \Delta x_1 + \Delta x_2, \text{ тебраниш даври эса}$$

$$T = 2\pi \sqrt{\frac{m}{K_{\text{эқв}}}} \text{ Лекин } \Delta x = \frac{F}{K_{\text{эқв}}} \text{ дан } \Delta x = \frac{F}{K_1}; \Delta x_2 = \frac{F}{K_2} \text{ у ҳолда } \frac{1}{K_{\text{эқв}}} = \frac{1}{K_1} + \frac{1}{K_2}$$

$$\text{бундан } K_{\text{эқв}} = \frac{K_1 K_2}{(K_1 + K_2)}$$

Демак, пружинанинг учига m массали юк осилганда унинг хусусий тебранишлари даври

$$T = 2\pi \sqrt{\frac{m(K_1 + K_2)}{K_1 K_2}} \text{ бўлади.}$$



Химия

5-тур жавоблари («Еш куч», 1990, 2-сон)



1. Масала ечимини осонлаштириш мақсадида аралашмадаги газларнинг миқдори 1 моль (нормал шароит 22,4 л) олинган деб қабул қиламиз.

Биринчи аралашмада сульфат ангидрид ($M_r = 64$) ва азот ($M_r = 28$) миқдорларини X моль SO_2 ва Y моль N_2 орқали белгиласак, $P_1 = X + Y = 1$ ва масала шартига кўрсатилгандек компонентлар массалари тенглиги асосида қуйидаги иккинчи тенгламани тузамиз: $64X = 28Y$. Бу икки тенгламалар системаси:


$$\begin{cases} X + Y = 1 \\ 64X - 28Y = 0 \end{cases} \text{ ечилса } X = 0,30 \text{ моль } (SO_2) \text{ ва } Y = 0,70 \text{ моль } (N_2) \text{ топилади.}$$

Иккинчи газлар аралашмасида a моль азот (IV) оксид ($M_r = 46$) ва b моль кислород ($M_r = 32$) дан $a + b = 1$ ва $46a = 32b$ га эга бўламиз. Бу тенгламалар системасини ечиб $a = 0,4$ моль азот (IV) оксид ва $b = 0,6$ моль кислород бўлганлигини аниқлаймиз. Натижада, газлар аралаштирилган, лекин ҳали реакция бошланмаган ҳолда $p_1 = 2$ моль бўлиб, ундаги моддалар миқдорлари $0,30$ моль SO_2 ; $0,70$ моль N_2 ; $0,4$ моль NO_2 ва $0,6$ моль O_2 бўлган экан.

Газлар аралашмасида содир бўладиган реакция тенгламалари:



Бу жараёнда NO_2 катализатор, унинг таъсирида SO_2 SO_3 гача оксидланади.



(3) — тенглама бўйича $P_1 = X = 0,30$ моль SO_2 , $P_2 = 0,5X = 0,3/2 = 0,15$ моль кислород билан реакцияга киришиб, ортиб қолган кислород миқдори $P_3 = b - 0,5X = 0,6 - 0,15 = 0,45$ моль бўлади. Натижада, газлар аралашмаси реакциядан кейин $P_4 = Y = 0,7$ моль азот, $P_5 = 0,4$ моль азот (IV) оксид, тенглама (3) бўйича $P_6 = P_1 = X = 0,3$ моль SO_3 ва $P_7 = 0,45$ моль O_2 дан иборат бўлади.

(1) — тенгламадаги газ моддаларининг миқдори нисбатларини таҳлил қилиб ҳам шу натижага келиш мумкин. $0,3$ моль SO_2 , $0,3$ моль NO_2 билан реакцияга киришганда $0,3$ моль SO_3 ва $0,3$ моль NO ҳосил бўлиб, $0,1$ моль NO_2 ортиб қолади. (2) — тенглама бўйича эса ҳосил бўлган $0,3$ моль NO , $0,15$ моль O_2 ($0,45$ моль кислород ортиб қолади) билан реакцияга киришиб $0,3$ моль NO_2 ҳосил қилади.

Реакциядан кейин ҳамма газларнинг умумий миқдори $P_6 = P_3 + P_4 + P_5 + P_6 = 1,85$ моль бўлади. Газ компонентларининг ҳажмий улушлари уларнинг моль улушларига тўғри пропорционал эканлигидан фойдаланиб қуйидагиларни ёзиш ҳуқуқига эга бўламиз:

$$Y_1 = 0,7/1,85 = 0,378 \text{ ёки } 37,8\% \text{ азот,}$$


$$Y_2 = 0,4/1,85 = 0,216 \text{ ёки } 21,6\% \text{ азот,}$$

$$Y_3 = 0,3/1,85 = 0,162 \text{ ёки } 16,2\% \text{ олтингургурт}$$

(VI) оксид ва

$Y_4 = 0,45/1,85 = 0,243$ ёки $24,3\%$ кислород. Газлар аралашмасининг реакциядан кейинги босими (реакциядан кейинги температура ва идиш ҳажми ўзгармай қолган ҳолда) системадаги босим газларнинг моль миқдorigа пропорционал, яъни $P_2/P_1 = 1,85/2 = 0,925$ ёки $P_2 = 0,925P_1$ бўлади.

2. Концентрланган (60%-ли) нитрат кислота кумуш билан қуйидагича реакцияга киришади:




Реакцияга массаси $m_1 = 108X$ г кумуш киришган бўлса, унда $2X$ моль нитрат кислота (массаси $m_2 = 63 \cdot 2X = 126X$ г) сарф бўлади, натижада ҳосил бўлган NO_2 миқдори X моль бўлиб, массаси эса $m_3 = 46X$ г бўлади.

Масала ечимини осонлаштириш учун олинган кислота массаси 100 г бўлсин (масалани умумий кўринишда a г кислота учун ҳам ечиш мумкин). Бу миқдордаги кислота эритмасида $m_4 = 60 \cdot 100/100 = 60$ г нитрат кислота бор. Реакция тугагандан кейин кислота массаси $m_5 = 60 - 126X$ г, эритма массаси эса $m_6 = 100 + 108X - 46X = 100 + 62X$ г бўлади. Нитрат кислотанинг эритмадаги масса улуши масала шартига биноан $w_1 = m_5/m_6 = (60 - 126X)/(100 + 62X) = 55/100$ ёки $X = 0,03$ моль бўлади.

Натижада массаси $m_5 = 60 - 126 \cdot 0,03 = 56,22$ г бўлган нитрат кислота қолади. Эритма массаси $m_6 = 100 + 62 \cdot 0,03 = 101,86$ г ва ундаги кумуш нитрат миқдори $X = 0,03$ моль бўлади. Эритманинг массаси ($m_6 = 101,86$ г) га тенг бўлган 2%-ли натрий хлорид ($M_r = 58,5$) эритмаси таркибида $m_7 = 101,86 \cdot 2/100 = 2,04$ г ош тузи бўлиб, унинг миқдори $p_1 = 2,04/58,5 = 0,035$ мольга тенг.

Демак, таркибида $0,03$ моль кумуш нитрат бўлган эритмага $0,035$ моль ош тузи бўлган эритма қўшилган, ҳосил бўлган кумуш хлорид ҳам $0,03$ моль бўлади:






Шу реакцияда яна $0,03$ моль $NaNO_3$ ($M_r = 85$) массаси $m_8 = 85 \cdot 0,03 = 2,55$ г миқдорда ҳосил бўлади. Эритмада қолган ош тузи миқдори $p_2 = p_1 - X = 0,035 - 0,03 = 0,005$ моль ёки массаси $m_9 = 58,5 \cdot 0,005 = 0,29$ г бўлади. Чўкма миқдори $p_3 = p_1 = 0,03$ моль $AgCl$ ($M_r = 143,5$), унинг массаси $m_{10} = 143,5 \cdot 0,03 = 4,3$ г бўлади. Натижада филтрат массаси $m_{11} = 2m_6 - m_{10} = 2 \cdot 101,86 - 4,3 = 199,4$ г бўлади. Филтратда эриган моддаларнинг масса улушлари:

$$w_1 = m_5/m_{11} = 56,22/199,4 = 0,282 \text{ ёки } 28,2\% \text{ HNO}_3$$

$$w_2 = m_8/m_{11} = 2,55/199,4 = 0,013 \text{ ёки } 1,3\% \text{ NaNO}_3$$

$$w_3 = m_9/m_{11} = 0,29/199,4 = 0,001 \text{ ёки } 0,1\% \text{ NaCl}$$

3. Масала шартига кўра аралашмага сульфат кислота қўшилгандан кейин эритмада гидросульфат ҳосил бўлган:





Бошланғич эритмадаги аммиак миқдори $m_1 = 8,5 \cdot 20/100 = 1,7$ г ёки моль миқдори $p_1 = 1,7/17 = 0,1$ мольни ташкил этади. Тенглама (1) бўйича бу миқдор аммиак $p_2 = 0,5$ $p_1 = 0,5 \cdot 0,1 = 0,05$ моль сульфат кислота билан реакцияга киришади ва $p_3 = 0,5$ $p_1 = 0,05$ моль аммоний сульфат ҳосил қилади.

Иккинчи эритмадаги аммоний карбонат масса-

си $m_2 = 12 \cdot 20/100 = 2,4$ г ёки $p_4 = 2,4/96 = 0,025$ моль бўлиб, у миқдори $p_5 = p_4 = 0,025$ моль сульфат кислота билан реакцияга киришиб, миқдори $p_6 = p_4 = 0,025$ моль бўлган аммоний сульфат ҳосил қилади ва газ ҳолда $p_7 = p_4 = 0,025$ моль ёки массаси $m_3 = 0,025 \cdot 44 = 1,1$ г бўлган углерод (IV) оксид ҳосил бўлади.

Натижада ҳосил бўлган аммоний сульфат миқдори $p_8 = p_3 + p_6 = 0,05 + 0,025 = 0,075$ моль бўлади. Масала шартига кўра бу модданинг бир қисми (X моль) тенглама (3) бўйича гидросульфат ҳосил қилишда қатнашган. Бунда ортиб қолган аммоний сульфат миқдори $p_9 = p_8 - X = 0,075 - X$ моль ва ҳосил бўлган гидросульфат миқдори $p_{10} = 2X$ моль, нисбати $p_9/p_{10} = (0,075 - X) : 2X = 1 : 1$ бўлиб, $X = 0,025$ мольга тенг бўлади.

Реакция (3) бўйича сарф бўлган сульфат кислота миқдори $p_{11} = 0,05$ $p_{10} = 0,5 \cdot 2 \cdot 0,025 = 0,025$ мольга, аммоний сульфат миқдори $p_9 = 0,075 - 0,025 = 0,05$ моль, аммоний гидросульфат миқдори $p_{10} = 2 \cdot 0,025 = 0,05$ моль бўлади. Жами, тенгламалар (1) — (3) бўйича сарф бўлган сульфат кислота миқдори $p_{12} = p_2 + p_5 + p_{11} = 0,05 + 0,025 + 0,025 = 0,1$ моль ёки массаси $m_4 = 0,1 \cdot 98 = 9,8$ г бўлади. Масса улуши $24,5\%$ бўлган ҳолда унинг массаси $m_5 = 9,8 \cdot 100/24,4 = 40$ г бўлади. Барий хлорид эритмаси таъсир қилганда юз берадиган реакция тенгламалари:




Эритмага қўшилган барий хлорид эритмаси таркибида $m_6 = 110 \cdot 20,8/100 = 22,88$ г ёки $p_{13} = 22,88/208 = 0,11$ моль туз бор.


Эритмага қўшилган моддалар миқдорлари $p_{13} > p_{12}$ бўлгани сабабли тенглама (4) ва (5) лар бўйича сульфат ионлари тўла чўкмага тушади: Олинган $p_{12} = 0,1$ моль сульфат кислота $p_{14} = 0,1$ моль ёки массаси $m_7 = 0,1 \cdot 233,3 + 23,3$ барий сульфатга айланган ва эритмада $p_{14} = p_{13} - p_{12} = 0,11 - 0,10 = 0,01$ моль ёки массаси $m_8 = 0,01 \cdot 208 = 2,08$ г барий хлорид қолади.

Тенглама (4) бўйича $0,05$ моль аммоний сульфат $p_{15} = 2p_9 = 2 \cdot 0,05 = 0,1$ моль аммоний хлоридни, тенглама (5) бўйича $0,05$ моль аммоний гидросульфат $p_{17} = p_{10} = 0,05$ моль аммоний хлоридни, $p_{16} = p_{10} = 0,05$ моль водород хлорид ёки массаси $m_9 = 0,05 \cdot 36,5 = 1,825$ г водород хлорид ҳосил қилади. Натижада $p_{19} = p_{16} + p_{17} = 0,1 + 0,05 = 0,15$ моль ёки массаси $m_{10} = 0,15 \cdot 53,5 = 8,025$ г аммоний хлорид ҳосил бўлади.





4. Масала шартини қаноатлантирувчи модда қандайдир ишқорий металл гидриди бўлиши керак, чунки:



Реакция натижасида ажралиб чиққан водороднинг нормал шароитдаги ($T = 273$ К ва босим 101325 Па бўлганда) ҳажми: $V_0 = V_1 P_1 T_0 / P_0 T_1 = 2,63 \cdot 97882 \cdot 273 / (101325 \cdot 310) = 2,24$ л бўлади, водороднинг моль миқдори эса $p_1 = 2,24/22,4 = 0,1$ мольни ташкил этади. Реакция тенгламаси (1) бўйича водород миқдори $p_2 = p_1 = 0,1$ моль металл гидриддан ҳосил бўлади, у вақтда унинг нисбий молекуляр массаси $M_r = Ar(Me) + 1 = 2,24/0,1 = 24$ бўлса, $Ar(Me) = 23$ бўлиб, бу қиймат натрий металига тўғри келади. Содир бўлган реакция тенгламаси:



5. Модда А нинг умумий кўринишдаги формуласи $C_x H_y O_z$ бўлсин. Масала шартига биноан $x : y : z = 54,55/12 : 9,09/1 : 36,36/16 = 4,59 : 9,09 : 2 : 2,27 = 2 : 4 : 1$ бўлади. Модда А нинг оддий формуласи $C_2 H_4 O$ ($M_r = 44$) бўлади. Масала шартига кўра унинг молекуляр массаси $M_r(A) = 2D_n = 2 \cdot 22 = 44$ бўлиб, биз толган формула шу модда учун ҳақиқий формула экан. Бу модда кумуш оксидни аммиакдаги эритмасини қайтариши, хона температурасида водородни бириктириши унда альдегид группаси —CHO борлигини кўрсатади, унда модда ацетальдегид — CH_3CHO бўлиши керак. Бу модда хоссаларини қуйидаги реакция тенгламалари орқали кўриш мумкин:



Реакция учун олинган альдегид миқдори $p_1 = 11/44 = 0,25$ мольга тенг. Тенглама (2) — (4) бўйича ҳосил бўлган дибромэтан миқдори ҳам $p_2 = p_1 = 0,25$ моль (массаси $m_1 = 188 \cdot 0,25 = 47$ г) бўлиши керак.

Тажрибада олинган дибромэтан массаси $37,5$ г бўлган экан, реакция унуми:

$$r = 37,5/47 = 0,8 \text{ ёки } 80\% \text{ бўлган экан деган хулосага келамиз.}$$

Тузувчи — МУФТАХОВ А. Г.

Элликқалъа ноҳия ёдгорликларни муҳофаза қилиш жамияти масъул котибаси Турсунгул Азимбоева билан суҳбатлашдик. Ноҳия ҳудудидаги ҳисобга олинган 22 та тарихий обидаларнинг ўн олтитаси Бутуниттифоқ, олтитаси жумҳурият ва биттаси — Тупроққалъа ЮНЕСКО тасарруфида экан. Аслида бу ерда ҳозирнинг ўзида юздан ортиқ хароба обидалар сақланиб қолган. Қолганлари кимнинг тасарруфида?

Давлат томонидан кўриқланаётган қалъа қолдиқлари, бошқа тарихий обидалар эллик метрлик муҳофаза чизиги билан ўралиб, шу ҳудудга экин экилмаслиги, сув келтирилмаслиги керак. Эллик метр у ёқда турсин, айрим қалъанинг ичкарасига кириб деҳқончилик қилаётган хўжаликлар, кишилар бор. Бутун ноҳиядаги мавжуд обидаларга қараб юриш учун иккита қоровуллик штати ажратилган. Улар нимани ҳимоя қилишади, ҳуқуқлари нима? Узингиз тасаввур қилаверинг.

Узоқ 1983 йилда пойтахтлик мутахассислар Тупроққалъада бўлиб, уни таъмирлаш лойиҳасини ишлаб чиқишди. Ўзбекистон Маданият Вазириги шу мақсадда икки ярим миллион маблағ ажратишга ваъда берди. Аммо, ваъда ваъдалигича, лойиҳа қоғозлигича қолиб кетаверди. Бу орада Тупроққалъани кўриш, тасвирга тушириш учун чет эллардан киночилар, мутахассислар келишди. Буюк Ипак йўли экспедицияси шу ердан ўтди... Натижада обидани таъмирлаш борасидаги қарор қайта жонланди. Бу ишда айтиш керак, тўрт йилки ноҳия маданият бўлимига раҳбарлик қилаётган Самандар Исмоиловнинг ҳиссаси бор. Кимдир елиб-югурмаса, кимдир фидойилик қилмаса, бутун бир маҳкама «тилга» кириши қийин бўларкан...

Шундай қилиб, амалдаги йилнинг май ойидан бошлаб Тупроққалъада таъмирлаш ишлари бошланди.

Тупроққалъа эрамизнинг биринчи — тўртинчи юз йилликларида Хоразм давлатининг пойтахти бўлган. Қазималарда терига, тахтага битилган оромий ёзувлар топилган. Толстовнинг шогирди Ю. А. Лифшиц изоҳлашча уларнинг бирида «... ўғли Дручга ўнта гилдирак берилди» деган жумла бор. Таъмирлаш асосан қалъанинг яхши



сақланган девор қисмлари ҳамда хоразмшоҳлар саройини тиклашга қаратилган. Бу ерда ўлка тарихий музейи ташкил этишдек мақсад бор. Бунинг учун биринчи галда Толстов ва ундан кейин қалъаларни аёвсиз титкилаган олимлар томонидан олиб кетилган барча қазилма ашёлар, меъморлик, ҳунармандлик буюмларини ўз юртига қайтариш керак.

Абу Райҳон Беруний бобомиз гувоҳлик беришича, Шоббоз (Шоҳ Аббос) шаҳрида эрамизнинг 305 йили хоразмшоҳ Афруғ жуда улкан, ҳашаматли сарой бунёд эттирган. Етти асрдан сўнг бу саройни Амударёнинг асов тўлқинлари оқизиб, ювиб кетган. Беруний шу фожианинг айнан шохиди бўлган.

Хўш, бугунда Беруний таваллуд кўрган Шоббоз қалъаси қайда? Янгидан қурилган Беруний шаҳри чеккасидаги икки учта тепалик деворни айтмаса, билмаймиз. Шу ноҳия ҳудудида ўнга яқин қадим қалъа қолдиқлари сақланган. Бу ерларга сайёҳлар кўйилмайди, шу боисдан ундан келадиган даромад йўқ. Демак, фойда йўқми, кераги ҳам йўқ.

Масъул раҳбарлардан бирининг гапи: «Уларни тиклаб бўлмайди. Шунчаки, сақланиб турибди. Турганича турар...»

Беруний, Тўрткўл, Элликқалъа ноҳиялари ҳудудидаги қалъаларни эринмай айланб чиқиш учун бир йил вақт керак. Боболаримиз тери, қони сингган харобалар сизни қўйиб юбормайди. Хаёлларингиз узоқларга кетади, юрагингизни ваҳм босади. Хор-зор бўлиб ётган қалъа харобалари қисмати қачондир шу тупроқда яшаб, дунёга машҳур бўлган буюк хоразмийлар қисматини эслатади...

Хоразм харобалар юрти, дедик. Бу ерда сизга айтмоқчи гапимизнинг юздан бирини сўзладик, холос. Эшитган бошқа, кўрган бошқа. Ниятимиз, вақтни ўтказмай Тупроққалъа, Қўй қирилган қалъа каби энг қадим маданият қолдиқларини иложи борича ўз ҳолига қайтариш ва Хива-Кўҳна Урганж-Жилпик-Қизилқалъа-Кат қалъа-Қават қалъа-Тупроққалъа-Қўй қирилган қалъа-Катта ва Кичик Гулдурсин-Бешта Аёз қалъа — Дев қалъа... (саналмаган яна юзтача катта-кичик қалъалар қолди) ларни ўз ичига олган «Қадимги Хоразм — Олтин ҳалқа» сайёҳлар маршрутини ташкил этиш керак.

ОБУНАГА КЕЧИКМАНГ!

Севимли журналимиз «Еш куч» учун обуна ҳам тугаб қолаёзди. Баъзи бир журналхонларимиз редакцияга кўнғироқ қилишиб, телеграмма ва хат йўллашиб обуна муддати ҳақида суриштирмақдалар.

«Еш куч» учун обуна жумҳуриятимиз ва унинг сарҳадларидан ташқарида қизгин давом этмоқда. Обуна «Союзпечать»нинг барча агентликларида чекланмаган миқдорда қабул қилинади. Лекин муштарийларимизнинг безовталиги бизга ҳам юқди. Негаки, обуна кўп ўтмай ниҳоясига етади. Хар йилгидан фарқли равишда 1991 йилда «Еш куч» чакана савдога жуда кам миқдорда чиқарилади. «Еш куч»нинг 1990 йилги сўнги сонлари деярли сотувга чиқмагани ҳам шундан далолатдир.

Эслатиб ўтамыз, «Еш куч»нинг бир йиллик обуна баҳоси 6 сўм 60 тийин, 6 ойга 3 сўм 30 тийин.

Журналимиз индекси 75242.

Янгича хўжалик ҳисобига ўтиб ишлай бошлаган, кўзиқориндай бодраб чиқаётган янги нашрлар — рақобатчилар (яхши маънода) билан энг олий мукофот — журналхонларнинг меҳр-муҳаббатини, қалбини забт этишда астойдил курашга чоғланган ижодий жамоамиз Сизнинг «Еш куч» обунаси учун тўланган, пешона терингиз билан топилган пулингиз беҳуда сарф бўлмаслиги учун хар йилгидан ҳам кўпроқ ҳаракат қилади, деб ишонтиримиз.

Ўйлаймизки, 1991 йилда ҳам ижодий ҳамкорлигимиз давом этади, азиз муштарийлар!



ЕШ КУЧ

МОЛОДАЯ СМЕНА

Ижтимоий-сиёсий, адабий-бадний, безакли журнал

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ
1986 йил июль ойидан чиқа бошлади

№ 10 (52) октябрь, 1990.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» нашриёти.

Бош муҳаррир
Худойберди ТҲҲТАБОВ
Таҳрир ҳайъати:
Шоҳруҳ АКБАРОВ
(масъул котиб)
Сергей БРИНСКИХ
Владимир ВОЛОТКО
(бош муҳаррир ўринбосари)
Хуршид ДҲСТМУҲАММАД
Бахтиёр КАРИМОВ
Эркин МАЛИКОВ
Тоҳир МАЛИК
Алишер МИРЗАЕВ
Латиф МАҲМУДОВ
Вадим НОВОПРУДСКИЙ
Абдуғафур РАСУЛОВ
Акмал САИДОВ
Исроил ТҲҲТАЕВ
Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ
Файзулла ҚИЛИЧЕВ
Музроб ҚУРБОНОВ
Садриддин ҒУЛОМИДДИНОВ

Бадний муҳаррир:
Султон СУЛАЙМОНОВ
Тех. муҳаррир:
Улуғбек ЯКВАЛХҲЖАЕВ
Мусаҳҳиҳ:
Мақсуда ҲАКИМОВА

«Еш куч» — «Молодая смена» — ежесечный, общественно-политический и литературно-художественный иллюстрированный журнал на узбекском языке.
Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана

Мақонимиз: 700113, Тошкент — ЧГСП. Қатортол кўчаси, 60.

Телефонлар:
бош муҳаррир ўринбосари — 78-94-67
масъул котиб — 78-75-94
масъул котиб ўринбосари,
рассом — 78-94-73
Бўлимлар:
мактаб, фан-техника ва спорт — 78-57-84
ижтимоий-сиёсий, адабиёт ва санъат — 78-48-85
хатлар — 78-85-64
шеъроят, комсомол ҳаёти 78-85-64

Редакция ҳажми 2 босма тобоқдан зиёд асарлар кўлэмасини қабул қилмайди. Бир босма тобоқ ҳажмидаги асарлар авторларига қайтарилмайди.

Журналдан кўчирилб босилганда «Еш куч» — «Молодая смена»дан олинди» деб изоҳланиши шарт.


«Еш куч» — «Молодая смена» октябрь, 1990
© «Еш гвардия» нашриёти

© «Еш гвардия» нашриёти.

Босмаҳонага туширилди 13.08.90 й. Босишга рухсат этилди 10.09.90 й. Офсет усулида чоп этилди. Китоб-журнал учун офсет қоғози. Формати 70×108/я. Шартли босма листи 5,6. Шартли бўёқ нусхаси 16,8. Нашриёт босма листи 11,4. Тиражи 524732 нусха. Буюртма 3816.


Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси.

Тошкент 700000, «Правда» газетаси кўчаси, 41.



Атроф кимсасиз...

А. ЖУМАЕВ фотоси



Умарали НОРМАТОВ

Адабиётшунос олим, Ҳамза номидаги давлат мукофоти лауреати, профессор.

«Жанр имкониятлари», «Маҳорат сирлари» (М. Қўшжонов билан ҳамкорликда), «Насримиз уфқлари», «Насримиз анъаналари», «Талант тарбияси», «Қалб инқилоби» китобларининг муаллифи.

